

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ

**XVI-XIX АСРЛАР ЮРТИМИЗ МАДАНИЯТИ
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**

**ТОШКЕНТ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2009**

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима	3- 4
Тарихий ва бадиий асарлар, илму фузалолик ва таржимонлик ижоди	5-17
Китобат, хаттотлик, мусаввирлик ва тасвирий санъат ижоди	18-27
Шеърият	28-57
Мусиқа-қўшиқчилик ижоди, мусиқа назарияси намояндалари	58-72
Меъморчилик маданияти	73-84
Достончилик-бахшичилик	85-89
Театр, кино, қўғирчоқбозлиқ, қизиқчилик-масхарабозлиқ, асқия, цирк-дорбозлик санъати ижоди	90-95
Амалий санъат, ҳунармандчилик маданияти	96-101
Хулоса	102-103
Изоҳли сўзлар	104-109
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар	110-111
Иловалар	112-163

МУҚАДДИМА

Мустақиллик Ватанимиз тарихини ҳар томонлама чуқур, изчил ва ҳаққоний равишда ўрганишга, айниқса унинг шўролар даврида сохталаштирилган, бузиб кўрсатилган, ўзгача талқин қилинган шонли саҳифаларини рўйи-рост тадқиқ этиб, нафақат элимизнинг, балки жаҳон халқларининг ҳам эътиборига ҳавола этишга қулай шароит ва кенг имкониятлар яратди.

Шунингдек, истиқлол Ватанимиз тарихининг ажралмас, муҳим таркибий қисми бўлган ўтган аждодларимиз маданий ҳаёти тарихини ҳам синчиклаб ўрганишни долзарб вазифалардан бири қилиб қўйди. Бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилиши эса юртимизда миллий истиқлол ғояси шаклланишида, мустаҳкамланишида ва уни халқимиз онгига тобора чуқурроқ сингиб, маънавиятини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб эта бошлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» номли китобида аждодларимиз меросини, маданиятимиз тарихини чуқурроқ ўрганиш масаласида, «Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асрар учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш ва диёrimиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш зарур, деб жавоб берган бўлар эдим»,¹ - деган қимматли фикрлар бежиз айтилмаган. Ана шу фикрлардан келиб чиқсан ҳолда ҳам Ватанимиз тарихининг ажралмас қисми бўлган, ҳали кам ўрганилган XVI-XX асрлар бошлари маданияти тарихига доир маълумотларни ўз ичига олган ушбу китобни яратишга жазм қилинди.

XV XX аср бошлари юртимиз тарихи ҳақида гап кетганда Президентимиз Ислом Каримовнинг бу давр ҳақида билдирган қуйидаги фикрларини ҳам алоҳида эътиборга олиш зарур. «... темурийлар ҳукмронлигидан сўнг, яъни, XVI асрдан XX аср бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликлар, уруш-жанжаллар гирдобида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан, балки, ижтимоий-маънавий фикр ривожида ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум»².

Айнан шу сабаблар Туркистон заминининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда ривожланишдан орқада қолишига ҳамда кейинроқ эса подшо Россияси мустамлакасига айланишига олиб келди.

400 йилдан ортиқроқ давом этган даврнинг аксарият қисми курашлар ва зиддиятлар билан ўтиб, улардаги барча йўналишлар қатори маданий ҳаётда

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: «Маънавият», 2008. 17-бет.

² Ислом Каримов. Ўша асар. 50-51-бетлар.

ҳам, жумладан, санъат, илм-фан, меъморчилик, мусиқа қўшиқчилик, амалий санъат, хунармандчилик ва бошқа ижодий соҳалар ривожида ҳам ҳаёт шароитлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда нотекис ривожланиш рўй берди. Бу даврларда Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон халқлари маданий ҳаётида араб имлоси билан бир қаторда форс-тожик тилидан ҳам фойдаланилди. Ўша даврдаги ҳукмрон синфларнинг «сиёсатидаги айрим чекланишлар», улар дунёқарашидаги эскича, бир томонлама фикрлаш ва хатти-харакатлар ҳам маданиятнинг маълум даражада пасайиши ёки унинг депсиниб ривожланишига ўзига хос сабаб бўлди.

Бироқ, юқорида зикр этилган ҳолатлар кўрилаётган асрларда худудимизда яшаган халқлар ҳаётида, хусусан маданий ҳаётида ўсиш, ривожланиш бутунлай тўхтаб қолган эмаслигини, маданиятнинг барча соҳаларида ўзига хос ривож, тараққиёт бўлмаганлигини англатмайдику! Буни айниқса мустақиллигимиз йилларида тикланган тарихий ҳақиқатлар ўнлаб олиб борилган тадқиқотларнинг рад рад этиб бўлмайдиган натижа, исботлари ҳам яққол тасдиқлаб турибдику! Хатто ўша давр ҳукмрон синф вакилларининг ҳам аксарияти ўқимишли, ижод кишилари бўлиб, хусусан маданий ҳаёт ривожида ўзига хос хисса қўшганлари ҳам тарихимиздан маълум. Кўрилаётган асрларда рўй бераётган ҳар қандай нохуш жараёнларда ҳам халқнингн зиёга, ижодга, илм-маърифатга бўлган ички табиий интилиш сўнмади ва улар орасидан етишиб чиқсан зиёлилар, хунармандлар, фозилу зукколар маданиятнинг барча соҳаларини имкон қадар ривожлантиришда давом этдилар.

Гарчанд, бу ривожланиш асосан анъана қобигида қолиб кетган ва унчалик оламшумул кашфиётларни вужудга келтирмаган бўлсада, маданий воқелик, Ўзбекистон тарихининг бир бўғини сифатида эътирофга мансуб.

Мазкур китобда ушбу давр ва унинг маданияти тарихини худди шунуқтаи назардан баҳолаб, унинг асосий намояндаларининг айримлари ҳақидаги маълумотларни қисқа бўлсада жамлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Китоб сўнгига берилаётган изоҳли сўзлар ҳамда иловалар эса унинг мазмун ва моҳиятини кенгроқ англашда ёрдам беради деган умиддамиз.

ТАРИХИЙ ВА БАДИЙ АСАРЛАР, ИЛМУ ФУЗАЛОЛИК ВА ТАРЖИМОНЛИК ИЖОДИ

Ватанимиз кўхна тарихининг қайси даврига назар ташламайлик, бунда даставвал буюк аждодларимиз ақл-заковати, истеъдоди-иқтидори, қобилияти, билимдонлиги билан бирга уларнинг қадимдан юксак моддий ва маънавий маданиятнинг бетакрор дурданаларини, дуру жавоҳирларини бунёд этиб, келгуси авлодлар учун бебаҳо, бой маънавий мерос қолдириб келганлигини шоҳиди бўламиз.

Ўтган даврлар сингари Туркистондаги XVI-XIX асрлар бошлари даврида ҳам маънавий маданият ўзига хос юксалишни бошидан кечирди. Ушбу даврда олиму фузалоларимиз томонидан яратилган йирик тарихий-бадиий асарлар, амалга оширилган таржима ижоди, илм-фан ривожи маданиятимиз тарихи хазинасидан ўрин олган бебаҳо бойлик сифатида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Қуйида бу ижодий йўналишдаги айrim муаллифлар ва уларнинг ижодлари ҳақидаги маълумотларни қисқача умумлаштирган ҳолда келтиришга ҳаракат қиласиз.

Абулҳайр Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехон (1457-1530). Шайбонийлар хизматида бўлган тарихчи олим. Унинг шайбонийлар тарихига оид «Меҳмонномаи Бухоро», «Сулук ул-Мулк» («Подшоҳларга йўл-йўрик») асарлари бизгача етиб келган.

Фахриддин Али Сафий (1463-1534). Ҳиротда туғилган. Шоир, ҳуқуқшунос, тарихчи ва таржимон. Унинг «Рашаҳот айн ул-хаёт», «Латоиф ул-тавоиф», «Маҳмуд ва Аёз», «Кашф ул-асрор», «Луғатнома» каби асарлари қўлёзмалари бизгача етиб келган. Хусусан «Рашаҳот ... » асарида нақшбандия тариқати шайхларининг ҳаёти ва фаолияти, Хожа Убайдулла Ахрорга бағишланган қисмида эса устоз ва шогирд (Хожа Ахрор ва Сафий) мулоқотлари ёритилган. Умуман бу асар нақшбандия тариқати тарихига бағишланган бўлиб, асар XV аср охири - XVI аср бошларида Мовароуннахрнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ўрганишда ҳам қимматли манба ҳисобланади.

Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний (XVI аср). Шайбонийлар сулоласи тарихчиларидан. Бизгача унинг «Тарихи Абулхайрхоний» тарихий асари етиб келган. Асар умумий тарих йўсинида ёзилган бўлиб, унда «Оlamning яратилиши»дан то XV асрнинг 60-йилларигача бўлган давр воқеалари, шунингдек, Абулхайрхоннинг ўзи ва авлодлари, атрофидаги амалдорлари, саркардалари ҳақидаги маълумотлар баёни тавсифланган.

Ўтамиш хожи (XVI аср). Хоразмлик. Хива хони Элбарсхон саройида миrzолик қилган. У Хоразм ва Олтин ўрданинг жанубий худудларига кўп марталаб саёҳат қилиб, тарихий асар ёзиш учун маълумот тўплаган. Муаллифнинг «Чингизнома» тарихий асари шайбонийлардан Эш Султон (XVI аср ярми) га бағишлаган бўлиб, бу асар XVI аср Хива хонлигига (туркий тилда) ёзилган ягона адабий-тарихий ёдгорлик ҳисобланади. Унда Чингиз ва

чингизийлар тарихига оид кўплаб тарихий маълумотлар, Олтин ўрда хонлиги фаолияти ҳақидаги фикрлар баён этилади.

Асар қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (бундан буён Ўз ФАШИ) сакланади. Асар рус тилига ҳам таржима қилиниб, изоҳлар билан Ўзбекистонда, шунингдек Олмаота шаҳрида ҳам нашр этилган.

Мулла Шоди (XVI аср). Тарихчи. Ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд Султон саройида хизмат қилган. Форс тилида ёзилган «Фатҳнома» тарихий асарининг муаллифи. Асарни Маҳмуд Султон топшириғи билан ёзган. Асарда Шайбонийхоннинг Самарқандни босиб олгунга қадар Даشتி Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий сиёсий воқеалар: Хоразм топонимикаси, халқ қўзголонлари, халқнинг оғир аҳволи ҳақидаги қатор воқеалар баёни берилган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Россия, Тожикистон ва Ўз ФА ШИ фондида сакланмоқда.

Мутрибий - Ноий. Асл исми Мавлоно Султонмуҳаммад Самарқандий. (XVI аср II ярми - XVII аср бошлари). Тарихчи, шоир, адабиётшунос, хаттот ва созанда. Кўпроқ форсийда ижод қилган. Мутрибийнинг Самарқандда тузган «Тазкират уш-шуаро» (1605 й.) ва Ҳиндистонда ёзган «Нусҳа Зебои Жаҳонгир» (1625 й.) адабий ва тарихий асарлари, «Хотироти Мутрибий» номли мемуари сакланган. «Тазкирот уш-шуаро»да XVI аср II ярмидан XVII аср бошларигача Ўрта Осиё ва Озарбайжонда яшаб ижод этган 320 дан ортиқ шоирнинг ҳаёти, ижоди ҳақида маълумотлар берилган. Асар ўша давр адабий муҳити тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Мутрибийнинг «Хотироти Мутрибий» асарида эса Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, адабий-маданий алоқалар акс эттирилган.

Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний (XVI аср). Тарихчи олим. Шайбонийлардан Суюнчхўжахоннинг, сўнг Самарқанд хукмдори Абдулатифхоннинг муншийси бўлган. Масъуд ибн Усмон форс тилида «Тарихи Абулхайрхоний» тарихий асарини ёзган. Унда Абулхайрхон хукмронлиги давридаги шайбоний ва манғит улусларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, ўзбек улусининг ташкил топиши баён этилган. Бу асар Даشتи Қипчоқдаги қўчманчи туркий қабилаларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганишда муҳим манбадир. Асарда 30 га яқин қабилалар номлари келтирилган.

Шайбонийлардан Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида (1557 - 1598 й.). мамлакатда шаҳарсозлик, адабиёт билан бир қаторда илм-фан ҳам ўзига хос тараққий этди. «Абдулланома» тарихий асари билан бир қаторда ўша даврларда муаллиф Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим», Мутрибийнинг дунё харитаси илова қилинган «Тазкироти шуаро» каби илмий асарлар яратилди.

Бухорода машхур Абдуллахон кутубхонаси ташкил этилди.

Юртимиизда хонликлар даврида Мовароуннаҳрнинг XVI аср тарихига бағишлаб яратилган энг йирик тарихий асар «Абдулланома» - «Шарафномаи шохий» дир.

Асар 1584-1590 йиллар давомида Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан форс тилида ёзилган. Асар Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II га бағишланиб, «Шарафномаи шоҳий» ва айрим нусхаларда «Зарафномаи Абдуллахон» деб ҳам аталади.

Асарда Мовароуннахрда Абдуллахон II таҳтга келгунгача бўлган сиёсий воқеалар ҳамда Шайбонийхон вафотидан сўнг бу ҳудуддаги сиёсий вазият, Абдуллахон ҳукмронлиги даври воқеалари ишончли, аниқ далиллар, маълумотлар асосида ёритилган. Бу асар Мовароуннахр халқларининг XVI асрдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда энг муҳим манбалардан ҳисобланади. Асарнинг 2 жилдан иборат ўзбекча нашри эълон қилинган.

Абдуллоҳ Насруллоҳий (XV аср II ярми-XVI аср ўрталари). Тарихчи олим. XVI аср бошларидан Шайбонийхон саройида хизмат қилган. 1533 йилда ўзининг «Зубдат ул-осор» номли асарини яратган. Унда туркий, мўғул халқларининг тарихи, Мовароуннахр ва Хурросонда шайбонийлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидағи сиёсий ҳаёт баён этилган.

Кўҳакий Султон Мұхаммад Ҳофиз Тошкандий (XVI аср). Тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон. У жуғрофия, этнография, ҳандаса, риёзиёт, фалсафа, мантиқ, фиқҳ, адабиёт соҳаларининг ҳам билимдони бўлган. 10 дан зиёд асарлар ёзган. Унинг «Рисолаи фифаний-ат тавсир вал қалом» (эътиқодга оид илмлар ҳақида рисола) асари бизгача етиб келган. Кўҳакий, шунингдек, Мұхаммад ибн Андоннинг 2 жилдли «Тарихи Туркистон» асарини форсчадан ўзбекчага ўгирган ва унга янги маълумотларни қўшиб бошқа ном билан нашр эттирган. Кўҳакийнинг «Шарҳи ободул ал-мунозара» китобига ёзган шарҳи ва араб тилида ёзилган «Фавоид зиёя» (мунаввар фойдалар) номли шарҳланган асари Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Кўчкунчихон (XVI аср I ярми). Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхон ва Робия Султон Бегим (Улуғбекнинг қизи) дан бўлган фарзанд. Кўчкунчихон даврида илм-маърифат ривожланган. Бир қатор асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари бажарилган. Форс тилидан ўзбек тилига Рашидиддиннинг «Жоме ат-таворих», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари таржима қилинган, кутубхоналар кенгайган ва кўпайган. Бухорода Абдулазизхон кутубхонаси очилган.

Абулбақо ибн Баҳоуддин (XVI аср II ярми-XVII аср I чораги). Тарихчи. Абдулазизхон саройида хизматда бўлган. У ўзининг бобосига бағишлаб «Жомеъ ул-мақомоти Маҳдуми Аъзам» номли тарихий китобини ёзган. Китобда Мовароуннахрнинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволга доир қимматли маълумотлар берилган.

Зайниддин Восифий (1486-1566). Шайбонийлар даврининг машхур адиларидан бири. Ҳиротда туғилган. Тошкентда вафот этган. Восифийнинг қаламига мансуб «Бадойи ул-вақоя» (Ажойиб воқеалар) номли тарихий-бадиий асарда ўша даврининг машхур адилари ҳаёти ҳақида қизиқарли ҳикоялар баён этилади. Восифий хаттотлик ва муаллимлик ҳам қилган. Жумладан, Тошкент

вилоятида шаҳзода Наврӯз Аҳмад ҳузурида сарой муаллими вазифасини ҳам адо этган.

Маҳмуд ибн Вали (XVI-XVII аср). Балхда туғилган. Шоир, тарихчи, табиб, адабиётшунос, сайёҳ. Ўз даври билимларини яхши эгаллаган. Унинг асарлари орасида «Бахр ул-асрор» (Сирлар уммони) номли ҳар бир жилди 4 қисмдан иборат 7 жилдлик асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар Балх ҳокими Нодир Муҳаммад топшириғига мувоғиқ (1645-1651 йилларда) форсий тилда ёзилган. Асар тарихга оид китоб бўлсада, у қомусий характерда бўлиб, Мовароуннахр, Хурросон, Ҳиндистон, Сарандиб, Шарқий Туркистон ва бошқа ўлкалар тарихи, географияси, этнографияси, маданияти ҳақида қимматли маълумотлар беради. Шунингдек, асарда ўша давлатлар аҳолиси, урф-одати, эътиқоди, касб-кори, ўзаро муносабатлари, иқтисоди, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Хусайн Сарахсий (XVI-XVII асрлар). Жўйбор хожаларининг муриди, тарихчи ва мутасаввиф. Унинг форсча «Маноқиби Саъдия» («Хожа Муҳаммад Саъдинг муноқиблари») асари Жўйбор хожаларига бағишлиланган бўлиб, 7 бобдан иборат. Унда Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан сўнг Мовароуннахрдаги ички вазият, турли тарихий воқеалар жараёнлари баён этилган. Асар шарқшунос Ҳ.Тўраев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Абулғозий Баҳодирхон (XVII аср). Хива хони. Шайбонийларнинг 2-сулоласи Элбарсхонлардан. Тарихчи ва табиб. Хон Абулғозий иирик тарихчи олим сифатида ҳам маданиятимиз тарихидан муҳим ўрин олган. Унинг «Шажараи турк» ва «Шажари тарокима» номли тарихий ва тиб илмига оид «Манофи ул-инсон» (Инсонга фойдали нарсалар) асарлари нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади.

Муҳаммад Шариф Бухорий (1609-1697). Бухоролик файласуф ва тарихчи. Фалсафа, тасаввуф, тарих, фикҳ, тилшунослик, шеърият, астрономия соҳаларига оид 20 дан ортиқ асарлар ёзган. Унинг «Ар рисола ад-даврия» (Даврийлик ҳақида рисола) асари макон ва замон масалаларига бағишлиланган. Бухорий Адуудиддин ал-Иджийнинг «Адуудийя ақидалар шарҳига хошия» ва Саъдуддин Тафтазонийнинг «Мавлавий Шариф таҳзиб шарҳига хошия» асарларига шарҳ битган. Унинг «Китоби фавонийиди хоқонийий» (Хоқонга фойдали масалаҳатлар китоби) асари 25 боб ва 32 фаслдан иборат бўлиб, унда шариат қонун-қоидалари, ижтимоий ҳаёт ва ахлоқий муаммоларга оид маълумотлар, ҳукмдорлар ҳақида қизиқарли лавҳалар мавжуд.

Муҳаммад Юсуф Мунший (XVII аср). Балхлик тарихчи олим. Аштархонийлардан Субхонқулихон ва Балх ҳокими Муҳаммад Муқимхон саройида муншийлик вазифасида ишлаган. У ўзининг «Муқимхон тарихи» номли тарихий асарида Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этган. Унда шайбонийлар даврида Мовароуннахрнинг умумий аҳволи ҳам тасвиранади. Шу боис, «Муқимхон тарихи» асари қимматли тарихий манбадир.

Мирмуҳаммад Амин Бухорий (XVII аср). Бухоролик тарихчи олим. Унинг «Убайдулланома» асари Убайдуллахон ҳукмронлиги даври ҳақида маълумот берувчи қимматли манбадир.

Муҳаммад Амин ибн Муҳаммадзамон (XVII аср). Унинг «Муҳит ут-таворих» (Тарихий даврлар) асари бизгача етиб келган.

Турдий - (XVII аср). «Субхонқулихон тўғрисида ҳажвия» асари бизгача етиб келган.

Саид Аълам Роқимий (XVII-XVIII асрлар). Андижонлик. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар кам. Унинг «Тарихи томм» асари илмий, адабий-тарихий, маърифий, эстетик аҳамиятга эга. Унда ўнлаб ҳуқуқшунос олимлари ҳақида маълумотлар билан бирга 1633-1644 ҳамда 1645-1701 йиллар давомида Эрон ва Ўрта Осиёда юз берган воқеалар, ҳодисалар, ўша даврда яшаб ўтган тарихий шахслар ҳаёти ҳақида маълумотлар баёни ҳам берилган. Шунингдек, асардаги йирик тарихий шахслар: Ҳамадоний, Нишопурний, Нақшбанд, Тафтазоний, Тайободий, Ҳасан Кубровий, Зоминий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий, Биной, Кошифий, Котибий, Мушфиқийларнинг шахси ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим тарихий манбадир.

Хўжамқалибек Балхий (XVII аср охири-XVIII аср I ярми). Тарихчи олим ва давлат арбоби. Отаси Имомқули Қушбеги Субхонқулихон саройида хизматда бўлган. Балхий 1718-1824 йилларда форс тилида «Тарихи Қипчоқхон» асарини ёзган. Асарнинг охирги бобларида Шайбонийлар ва аштархонийлар, ўзбек улуси хони Абулхайрхондан то 1724 йилгача Дашиби Қипчоқ, Мовароуннахр, Хурросон, Шимолий Афғонистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Ҳиндистонда юз берган муҳим сиёсий воқеалар тасвирланган. Унда темурийзода Абу Саид билан Абулхайрхон ўртасидаги иттифоқ, Бухородаги қалмиқлар, қипчоқлар, қорақалпоқлар, хитой-қипчоқлари қўзғолонлари (1682, 1715-16, 1718-19 й.й.) ҳақида ҳам муҳим маълумотлар берилган. Асар кўлёзмаси Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Шарафиддин Аълам (XVII-XVIII аср I чораги). Тарихчи. Андижон вилоятида туғилган. Кейинчалик Самарқандда яшаган. Унинг «Тарихи Саид Роқим» тарихий асарида Мовароуннахр, Хурросон ва Ҳиндистонда Темур давлатидан то 1645 йилгача, яъни аштархонийлардан Бухоро хони Абдулазизхон таҳтга ўтиргунгача бўлган давр тарихий воқеалари тасвирланади. Бу асар Мирза Салимбек томонидан 1913 йилда Тошкентда нашр этилган.

Сўфи Оллоёр (1644-1724). Манбаларда туғилиб, яшаган манзили Каттакўрғон-Денов деб кўрсатилган. Тариқат арбоби ва мутасаввуф шоир. Ўз даврининг барча асосий илмларини эгаллаган, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Бухоро хони Абдулазизхон саройида масъул лавозимда ишлаган. Лекин дарвешона феъл-атворли, шоирона қўнгил соҳиби бўлган. Сўфи Оллоёр ўз даврининг машҳур шайхи Наврўзга шогирд тушган. Унинг ўзи ҳам шайхлик мартабасига кўтарилиб, валиуллоҳ (каромат соҳиби) бўлиб этишган. Ислом маърифатини тарғиб-ташвиқи билан шуғулланган. У «Маслак ул-муттақин» (Тақводорлар маслаги), «Мурод ул-орифин»

(Орифлар муроди), «Махзан ул-мутсин» (Итоаткорлар хазинаси) асарларини форсий тилда, «Сабот ул-ожизин» (Ожизлар саботи), «Фавз ун-нажот» (Нажот тантанаси) маснавийларини туркий тилда яратган. Ахлоқий-таълимий аҳамиятга эга бўлган «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарслар қаторида ўқитилган.

Термизий Хожа Самандар (1638-1740). Термизлик. Тарихчи олим, шоир, уламо ва давлат арбоби. 1670 йилдан бошлаб Бухорода Абдулазизхон саройида тарихчи лавозимида ишлаган. Элчи сифатида ҳам хизмат қилган. Термизий форс-тожик тилида «Дастур ул-мулук» (Подшоҳларга қўлланма), «Анис ал-фуқаро» (фуқаролар дўсти) асарларини ёзган. «Дастур ул мулук» тарихий ва адабий асар бўлиб, унда муаллиф яшаган даврдаги барча тарихий жараёнлар баёни берилган.

Хожа Мир Муҳаммад Салим (XVII аср охири - XVIII аср I ярми). Тарихчи олим. Аштархоний султонлар оиласида туғилган. Убайдуллахон II вафотидан сўнг бобурийлардан Носириддин Муҳаммадшоҳ хизматига кирган. Унинг топшириғи билан форс тилида «Силсилат ас-салотин» (Подшолар силсиласи) тарихий асарини ёзган. Бу асар Бухоро хонлигидаги XVI-XVIII аср I чораги тарихий жараёнларини ўз ичига олади. Шунингдек, асарда улус тизими, солиқлар, Ўрта Осиё шаҳарлари, аҳолиси ва урф-одати ҳақида қимматли маълумотлар бор. Асар қўллэзмаси Англиядаги Бодлиан кутубхонасида сакланмоқда.

Муҳаммад Амин Бухорий (XVII аср-XVIII аср бошлари). Бухоролик тарихчи олим. Ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар деярли сакланмаган. Тахминан 60 ёшларида «Муҳит ат-таворих» (Океанлар тарихи) асарини ёзган. Асар 10 бобдан иборат бўлиб, унинг кейинги боблари сомонийлар ва аштархонийлар даврини ўз ичига олган. Асарда олимлар, хаттотлар ва наққошлар ҳақида ноёб маълумотлар берилган. Хусусан, Субхонқулихон (1681-1702) даврида юз берган сиёсий воқеалар кенг ёритилган. Асар у билан тахминан бир вақтда яратилган Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний» ва Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома» асарлари каби аштархонийлар даврини ёритишда муҳим манба ҳисобланади.

XVIII аср II ярми ва XX аср бошларида Мангитлар ҳукмронлиги яъни Бухоро амирлиги даврида Муҳаммад Вафо Карминағийнинг «Тухфаи Хоний», Муҳаммад Шарифнинг «Тож ут-таворих», Муҳаммад Миролим Бухорийнинг «Фатхномаи султоний», Мирзо Абдулазиз Сомийнинг «Мангит ҳонлари тарихи» каби тарихий асарлар яратилди. Шунингдек, «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад», «Гўр ўғли» туркумидаги достонлар ҳалқ орасида кенг тарқалди.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий (XIX аср). Тахминан Шарқий Туркистонлик. Ўзбек шоири, таржимон, тарихчи, олим. Илмий-адабий мероси ҳақида маълумотлар кам. Унинг «Тазкираи ул-авлиёт туркий» номли қимматли асари XX аср охирларида топилди. Бу асар Ёркент ҳокими Хожа Кефакбек илтимосига кўра ёзилган. Муаллиф асарда 83 та авлиё бузрукворлар ҳақида қимматли маълумотларни зикр қилади. Асарда уларнинг илм-фан, дин, адабиёт

оламида тутган ўрни, маслаги, илмий қудрати ҳақида ҳам баён этилади. Шунингдек, муаллиф ўз асарида Шарқ фалсафий-диний қарашлари, хусусан, тасаввуф таълимоти, моҳияти, унинг юзлаб атамаларининг лугавий маъноси тўғрисида кенг маълумот берган.

Хожи Юсуф (1842-1925) Хўжандлик. Олим, сайёҳ географ. У форс, араб, юон, инглиз ва француз тилларини мукаммал билган. Ёшлигида Мисрга бориб, 5 йил мадрасада ўқиёдиди. Риёзиёт, астрономия, хикмат, араб ва форс адабиёти бўйича пухта билим олади. 7 йил мударрислик қиласиди. 12 йилдан сўнг ватанига қайтади. Шундан сўнг сафарга чиқиб Юнонистон, Сурияда бўлади. Кейинги сафарида Испания, Франция, Хабашистон, Италия, Жазоир, Туркия, Россия (Петербург)да бўлади. Бу юртлар ҳақида маълумотлар тўплайди. Кейинроқ Оренбург, Москва, Одесса орқали Оврупа ва Африка мамлакатларида ҳам бўлади.

Юртимиз тарихида учинчи глобусни айнан шу ажойиб сайёҳ ва олим Хожи Юсуф ясаган. У хўжандлик заргар, нақош, рассом, дурадгор ва сайёҳлар билан маслаҳатлашиб, шоир Тошхўжа Асирий, Хусайн Рошеъ, Абдулло Фаёз, мисгар Нурмуҳаммад, уста Ёкубхон ва бошқаларнинг ёрдами билан 1895 йилда ясаган ушбу ер куррасининг шакли-курраи арз, яъни, глобус Москва, Петербург, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидағи турли кўргазмаларда намойиш этилган. Хожи Юсуф бу бенуқсон ихтироси учун муаллифлик гувоҳномасини ҳам олган. Шунингдек, Хожи Юсуф ернинг тузилиши ва сайёralарни ўрганиш юзасидан бир қатор рисолалар ҳам ёзган.

Рожий (XIX аср 30-йиллари-XX аср боши). Хивалик. Исм-шарифи Муҳаммад Юсуф. Шоир, таржимон, хаттот, созанда. Мумтоз адабиёт анъаналарининг етук давомчиси. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг 4-5-бобларини ва бошқа бир қанча асарларни форс тилидан ўзбек тилига ўгирган. Кўлёзмалари Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Сайдрасул Сайдазизов (1866-1933). Тошкентлик. Шоир, таржимон. Рус-тузем мактабини тугатган. Мадрасада мударрислик қиласиди. Ўзбек, тоҷик, араб тилларида ижод қиласиди. «Устози аввал» дарслигининг муаллифи. У Крылов ва Толстой асарларини ilk бора ўзбек тилига таржима қиласиди.

Салмонхўжа Самарқандий (XIX аср). Тарихчи олим. Бухоро амири Музаффар буйруғи билан «Рахимхон давридан бошлаб Мангитлар давлатининг тафсили ва баёни» асарини ёзиб, унда кўрсатилган давр тарихи тўлиқ баён этилган. Асар кўлёзмаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Салоҳиддин Тошкандий (XIX аср II ярми-XX аср боши). Тошкентлик адиб. Ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган. Бизгача «Темурнома» (1908) бадиий асаригина етиб келган. Муаллиф бу асарни яратишда кўпгина тарихий, бадиий ва диний асарлардан фойдаланган. Китобда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган сулолалар тилга олинган ва унда Амир Темурнинг болалигидан то вафотигача босиб ўтган тарихий йўли қизиқарли ҳикоя қилинади. Шунингдек,

китобда Ислом ва унинг вакилларига ҳам кенг ўрин берилиб, унда 500 дан ортиқ тарихий шахслар тилга олинади.

Сидқий Хондайлиқий (1884-1934). Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида туғилган. Шоир, хаттот, таржимон. Форс, араб тилларини билган. Унинг бир қатор шеърлари бизгача етиб келган. «Тазкираи имоми Аъзам», «Мулла Сидқий Хондайлиқийнинг юз насиҳати», «Мезони шариат», «Холоти Сидқий» каби насрий асарларни ёзган. «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва малика Гуландом», «Ажойиб ул-маҳлуқот», «Ўғри ва қози», «Бўстон» (Саъдий) асарларини таржима қилган.

Мирзо Абдулазим Сомий (1839-1908). Бухоролик тарихчи олим, хаттот. Дастреб турли амалдорлар қўлида котиблиқ қилган. Амир Музаффар ва Абдулаҳад даврларида сарой муншийси бўлган. «Шоҳлар қабристони» маснавийси, «Иншо», «Тухфай шоҳий», «Ҳаёл кўзгуси», «Манғит ҳукмдорлари тарихи» асарларининг муаллифи. «Манғит ҳукмдорлари тарихи» асари тарихчи Л.П.Епифанова томонидан рус тилига ўғирилган ва нашр қилинган.

Мирзо Олим Тошкандий (XIX аср). Тарихчи олим, шоир. Қўқон хонлари Худоёрхон ва Маллахон саройларида мушриф (назоратчи) бўлиб ишлаган. Мирзо Олим XIX аср охирида ёзган «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» (Султонлар шажараси ва хоқонлар тарихи) асари билан машҳур бўлган. Асар Фарғонанинг XV-XIX асрлар орасидаги турихини ўз ичига олади. Мирзо Олим ўзбек ва тожик тилларида «Мушриф» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

Мирзо Самарқандий (XIX аср). Самарқандлик тарихчи ва таржимон. У «Рўзномайи сафари Искандаркўл», «Москва кўргазмаси кундалиги» асарларининг муаллифи. «Искандаркўл сафари кундалиги» асари Ўрта Осиё ҳалқларининг тарихи, этнографияси ва археологиясини ўрганишда муҳим манбадир.

Мирзо Ҳўқандий (1880-1943). Қўқонлик шоир ва маърифатпарвар. Адабиёт ва хусниҳат билан ҳам шуғулланган. XX аср бошида янги усул мактаби қошида «Маърифат» номли кутубхона ва нашриёт ташкил этган. «Болалар совғаси», «Дарс раҳбари», «Алифбо раҳбари» каби дарсликларни таржима қилиб нашр эттирган. «Гулшани Мирзо», «Гулшани хаёл» номли дарсликлар тузган. Форс тилидан Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи муаммо»сини таржима қилган. «Жумбоқ мажмуаси» номли топишмоқлар тўпламини нашр эттирган.

Ажзий Сиддиқий (XIX аср II ярми-XX аср бошлари). Самарқандлик маърифатпарвар, шоир, таржимон. Толстой, Крылов, Гоголь асарларини ўзбек тилига таржима қилган, дарслик ёзиб, таржималаридан киритган. Шеърий тўплам ва достонлари ҳам нашр этилган. XX аср бошида янги усулдаги мактаб қурдириб, ўқитувчилик қилган. Кенг ҳалқ оммасини маърифатга чорлаш йўлида катта жонбозлик кўрсатган.

Аламкаш (1846-1924). Асл исми Убайдулло Ислом ўғли. Ҳозирги Фаллаорол тумани, Қизилқўрон қишлоғидан. Шоир, хаттот, таржимон. Унинг

форсчадан ўзбекчага эркин таржима қилган машхур «Чор китоб»и Тошкентда тошбосмада 3 марта қайта нашр этилган.

Баёний (1858-1923). Хивалик. Асл исми Мұхаммад Юсуфбек бўлиб, ўзбек шоири, тарихчиси, мусикашуноси ҳамда хаттот ва таржимонидир. Сулс, куфий, раҳоний, шикаста хатларини яхши билган, танбур чертиш ва ғижжак чалишда моҳир бўлган. Хоразм тарихига оид икки асари ва таржималари бизнинг кунгача етиб келган. У мумтоз шеъриятнинг деярли барча турларида ижод қилган.

Баёний ўзининг машхур «Шажараи Хоразмшоҳий» тарихий-мемуар асарини яратиб, Мунис ва Оғаҳий бошлиган ишни давом эттирган. Бунда Ёфасдан Қўнғирот уруғигача, Абулғозий Баҳодирхондан Асфандиёрхонгача ўтган хонлар ҳукмронлиги даври тарихи ёритилган. Муаллифнинг «Хоразм тарихи» асари эса «Шажараи Хоразмшоҳий»даги воқеаларни тўлдирган. 16 бобдан иборат бу асарнинг 8 боби бизгача етиб келган.

Баёний арабчадан Дарвеш Аҳмад («Сахойиф ул-аҳбор»), форсчадан Биноий («Шайбонийнома»), Табарий («Тарихи Табарий») асарларини ўзбек тилига ўгирган. «Мажмуати шуарои форсий» тўпламини хусниҳатда кўчирган.

Махмудхўжа Беҳбудий (1875-1919). Самарқандлик. Драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби. Юртимизда жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири. Беҳбудий йирик маърифатпарвар сифатида кўплаб дарсликлар ҳамда тарихий китоблар яратган ва нашр эттирган. «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Мунтаҳаби жуғрофияи умумий», «Китобат ул-атфол», «Амалиёти ислом», «Тарихи ислом» китоблари шулар жумласидандир. 1911 йилда ўзининг машхур «Падаркуш» драмасини яратган. Абдурауф Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарини русчага таржима қилиб, нашр эттирган.

Беҳбудий матбуотимиз тарихида йирик мақоланавис сифатида алоҳида мавқега эга. Ҳозиргача унинг 300 га яқин турли хил мавзуга бағишлиланган мақолалари аниқланган.

Боситхон Зоҳидхон ўғли (1878-1959). Тошкентлик. Тахаллуси Ҳақирий. Ўзбек таржимони, шоири, табиби. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган, араб тилини яхши билган. Ғаззолийнинг «Дақоиқ ул-аҳбор» («Нозик ҳабарлар») асарини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Ҳалқ табобатига оид «Қонуни Боситий», «Истилоҳот ул-атиббо фи интифоъот ал-ҳиббо» («Дўйстлар фойдаланадиган тиббий атамалар») каби асарларни яратган. Улар Ўз ФА ШИ да сақланади.

Бухорий Мирзо Шамс (XIX аср). Тарихнавис олим. Бухоро амири саройида муншийлик қилган. Бухорий «Баёни баъзи ҳаводисоти Бухоро, Ҳўқанд ва Қошғар» (Бухоро, Қўқон ва Қашқарнинг айrim воқеа-ҳодисалари баёни) асарини яратган.

Аҳмад Доңиш (1826-1897). Бухоролик. Шоир, мусаввир, хаттот, меъмор, мирзо, ёзувчи-мударрис, маърифат тарғиботчиси, давлат арбоби бўлган Аҳмад Доңишнинг серқирра ижоди ўзига хосдир. Юқоридаги хунар ва соҳаларни

тўлиқ эгаллаган бу олим. Бухоро амири Насрулло ва амир Музффарларнинг Петербургга юборилган элчилари қаторида ҳам бўлган. 1865 йилда у юлдузларнинг жойлашиш тартиби ҳақида биринчи ҳайъатшунослик рисоласи «Манозир ул-кавокиб»ни ёзган. Бу асар ўша даврда юлдузлар туркуми ва уларнинг самовий ўрнашуви ҳақидаги мухтасар бир қўлланма эди.

Аҳмад Доңиш «Тарих ҳақида рисола» асарида эса аштархонийлар сулоласи хонларининг юз йиллик тарихи ҳақида кўпгина маълумотлар берган. У 15 йил давомида ўзининг ирик «Наводир ул-вақоэъ» («Нодир воқеалар») асарини яратган. Унда муаллиф жуда кўп ижтимоий-сиёсий, фалсафий, адабий, ахлоқий-таълимий, ирфоний-маърифий масалалар хусусида замонасининг илғор, пешқадам зиёлиси, олими сифатида мулоҳаза юритади. Муаллиф ўз фикрларини тарихий воқеалар, машхур кишилар ҳаёти ҳамда замонасининг бевосита ўзи билан боғлиқ ҳикоятлар, нақл ва тамсиллар билан тасдиқлаб, далиллаб беради.

Мазкур асар 1965 йилда тожик тилидан ўзбекчага ўгирилиб, нашр қилинган.

Кори Кундузий (1786-1857). Афғонистонда туғилган. Кўқонда ижод қилган. Шоир ва тарихчи. Туғма кўр бўлган. Бухорода таҳсил олиб, «Хофизи Куръон» бўлиб танилган. Араб тилининг сарф ва нахви, фикҳ, ҳадис ва адабиёт илмини чуқур эгаллаган. Умархон Кўқон тахтига ўтиргач, Кундузий ҳам Кўқон шаҳрига бутунлай кўчиб келган. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Кўқон шоирлари ва олимлари орасида эътиборга эга бўлган.

«Махфий» ва «Комий» тахаллуслари билан ғазаллар битган. Асосан, тарихни шеърий услубда жамлаган «Таворихи Манзума» (Назмий тарихлар) асари бизгача тўлиқ етиб келган. Асар XIX аср ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналаридан бири бўлиши билан бирга, Кўқон хонлиги тарихини ёритувчи мухим манбалардан биридир.

Кундузийнинг муаммо жанрига багишлиланган «Ҳалл ул-фароид» (Муаммоларни ечиш йўллари), шариатга доир «Виқоя» асари асосида «Шарҳи Виқоя» номли китоблар яратгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Хумулий. Жумақули Ургутий Самарқандий (XIX аср). Шоир ва ёзувчи. Бухоро амири Насрулло даврида Ургутда қозилик қилган. Ўзбек ва тожик тилларида наср ва назмда ижод қилиш билан бирга тарихий асарлар ҳам ёзган. Замондош олим ва шоирларнинг таржимаи ҳолини ёзив қолдирган. Унинг «Тарихи Хумулий», «Манзумоти тарихий», «Шоҳ ва гадо», «Шайх Мусахон ат-Даҳбидийнинг таржимаи ҳоли» номли асарлари бор. Бу асарларда дарвеш шайхлар тарихи, манғитлар сулоласи тарихи, шунингдек, 1870 йил тарихий воқеалари ҳақида маълумотлар берилган.

Умидий (Ҳавоий, Марғилоний) (1835 - 1905) - шоир, тарихчи. Ҳаёти Фарғона ва Марғилонда, Шарқий Туркистонда ўтган. Фурқат, Муқимий ва бошқа шоирлар билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Унинг назмий ва насрний йўналишида ёзилган ҳикоялари, афсона ва ривоятлари тўплами мавжуд. Умидийнинг «Давлатнома ёки тарихи Ҳўқанд» (1880 й.), «Мактубчаи хон»

(1884 й.), «Жангнома» (1888 й.), «Ҳайрат ул-олам» ва бошқа тарихий, фалсафий-дидактик достонлари бизгача етиб келган. Асарларининг қўлёзмалари Ўз ФА ШИ ҳамда Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург бўлими фондларида сақланмоқда.

Мусо Сайрамий (1836-1917). Сайрам туманида туғилган. Шарқий Туркистонда ижод қилган. Тарихчи, давлат арбоби, мударрис, адаби шоир. Уйғур олимни Мулла Усмон охунд халфадан Куръон, ҳадис, тарих, адабиёт, илми нужум, география, араб ва форс тилларини ўрганган.

Сайрамий «Тазкират ул-авлиё фи муфтахул имон» (Авлиёлар тазкираси – имон калити), «Дар баёни Асҳоб ул-қаҳф» (Фор кишилари ҳақида), «Тарихи Ҳамидия» (Ҳамидия тарихи) каби тарихий асарлар, «Девони маснавий» шеърлар тўплами ҳамда «Саломнома» асарининг муаллифи. «Тарихи Ҳамидия» асарида Туркистон-Мўгулистонда ҳукм сурган хонликлар ва хонлар, Ёркенд хонлиги (1465-1759), уни хитойлар томонидан босиб олиниши, ерли аҳолининг мустақиллик курашлари баёни таърифланган. Сайрамийнинг асарлари Туркистоннинг XIV-XIX асрлари тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Возех (XIX аср). Бухоролик. Асл исми Қори Раҳматуллоҳ. Шоир, адабиётшунос, хаттот, географ. Ўзбек, тожик, араб тилларида турли жанрларда ижод қилган. Унинг «Ақоид ун-нисо» (Аёллар учун қоидалар) рисоласи, «Савониҳ ул-масолик ва фарсих ул-мамолик» (Йўлларнинг қулайликлари ва мамлакатларнинг масофалари) асарларида қимматли тарихий маълумотлар берилган. «Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб» (Суҳбатдошлар таржимаи ҳолидан дўстларга тухфа) тазкирасида эса Қўқон ва Бухоро хонлигига яшаган шоир ва давлат арбоблари ҳақида маълумот берилган.

Гулшаний (XIX аср II ярми-XX аср боши). Бухоролик тарихчи, шоир. Асл исми Мулла Мухаммад Содикхожа. Бухоро амирлигининг тарихий географиясига оид «Тарихи Хумоюн» асарини яратган. Асар рус тилига таржима қилинган. Унда амирлик ҳудудидаги шаҳар, қасаба, қишлоқ ва улардаги аҳоли ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Абу Тоҳирхожа Самарқандий (XIX аср). Тарихчи олим. Ахлоққа оид «Ахлоқи Музafferий» асари Бухоро амири Музafferга бағишиланган. «Самария» асарида эса Самарқанднинг қадимги даврларидан XIX асргача бўлган тарихи тасвирланган.

Сулаймон Бухорий (1821-1880). Бухоро вилоятидан. Тилшунос олим, шоир, элчи ва сайёҳ. Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган. Истамбулда матбаа ишлари билан шуғулланиб, Яссавий, Сўфи Оллоёр, Умархоннинг китобларини нашр эттирган. Узоқ йиллар тадқиқот олиб бориб, «Луғати чигатоий ва турки усмоний» номли 2 жилдли луғат тузган. Луғат муқаддимасига 186 мисрали «Манзумаи чигатоий» автобиографик шеърий асарини киритган. Бу луғатда географик атамалар ва жойлар номлари берилганлиги билан ҳам қимматли манбадир. Унда Яқин ва Ўрта Шарқдаги шаҳарлар ва бошқа аҳоли масканлари ҳақида ҳам нодир маълумотлар бор.

Мұхаммад Яъқуб Бухорий (XVIII аср II ярми-XIX аср бошлари). Бухоролик тарихчи олим. М.Яъқубнинг бизгача «Гулшан ул-мулук» (Подшоҳлар гулшани) номли тарихий асари етиб келган. Унда Бухоронинг қадимги тарихи, ҳукмдорлари шажараси ва муаллиф яшаган давр тарихи ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Мұхаммад Шариф ибн Нақий (XIX аср). Бухоролик тарихчи олим. Ҳаётига оид маълумотлар сақланмаган. Бухоро хонлиги тарихига оид «Тож ут-таворих» (Йилномалар тожи) асарини ёзган. Унда Чингизхон ва унинг авлодлари, шайбонийлар ва аштархонийлар тарихи, манғитларнинг шажараси, амир Ҳайдар ҳукмронлигининг дастлабки йиллари воқеалари баёни берилган. Асарнинг 2 нусха қўлёзмаси Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқд.

Мұхаммад Миролим Бухорий (XIX аср). Бухоролик тарихчи олим. Амир Насруллохон даврида Ғузор ҳокими Мұхаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва унинг топшириғи билан «Фатҳномаи Султоний» тарихий китобини ёзган. Асар муқаддима ва 29 бобдан иборат. Асар амир Шоҳмурод (1785-1800) давридан то амир Насруллохон ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигига бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Асар қўлёзмаси ва русча нашри Ўз ФА ШИ да сақланмоқда.

Мұхаммад Солиҳ Раҳим Қорахўжа ўғли (1830-1890). Тошкентлик тарихчи ва географ олим. Мұхаммад Солиҳ бобоси мулла Абдурахимхўжа ўз насабномаси билан шайх Хованди Тоҳур (XIV аср) га боғланишини ва у Тошкентнинг «Қиёт» маҳалласида туғилганини таъкидлайди. Мұхаммад Солиҳнинг 1863-1888 йилларда ёзган «Тарихи жадидаи Тошканд» (Тошкентнинг янги тарихи) асари Тошкент тарихига бағишлиланган бирдан-бир китобдир. Икки жилдан иборат бу асарда умумий тарих, Фарғона, Туркистон, Тошкент тарихи ҳамда географиясига оид маълумотлар берилган.

Мұхаммад Ризо Огаҳий (XIX аср). Хоразмлик шоир ва тарихчи олим. Оллоқулихон топшириғи билан шоир Мунис бошлаган «Фирдавс ул-иқбол» асарининг II жилдини Огаҳий ёзиб тугатади. Шунингдек, у тожик тилидан «Шоҳ ва гадо» достонини ўзбек тилига шу даражада маҳорат билан шеърий услубда таржима қилганки, бу иш Огаҳийнинг обрўсини яна бир неча баробар орттирган. Шунингдек, Огаҳий 20 дан ортиқ илмий, тарихий, бадиий асарларни ҳам ўзбек тилига таржима қилган. Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар», Шайх Саъдийнинг «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо», Хисрав ва Ҳилолийнинг асарлари шулар жумласидандир. Огаҳий «Фирдавс ул-иқбол», «Риёз уд-давла» (Давлат ишлари), «Зубдат ут-таворих» (Тарихлар қаймоги), «Жоми ул-воқеоти султоний» (Султонлар воқеаларига доир), «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» тарихий асарларининг муаллифидир. Унинг ғазаллари ҳозиргача ҳам халқ ҳофизлари томонидан севиб куйланмоқда.

Маҳмуд ҳаким Яйфоний (1850-1930). Тарихчи, табиб ва адаб. Унга қўйонлик табиб Боқийхон устозлик қилган. у «Ҳакимий» тахаллуси билан

шеърлар ёзган. «Тариқ ул-илот» (Даволаш усули), «Абу Али ибн Сино қиссаси», «Маъдан ул-адвия» (Дори-дармонлар манбаи), «Қонун ул-илож» (Даволаш қонуни), «Мужарработи Махмудий» (Махмуд тажрибалари), «Хуллас ут-таворих» (Тарихлар сараси) каби табибликка оид ва тарихий асарларни ёзиб қолдирган.

Лаффасий асл исми Ҳасанмурод Муҳаммад Амин ўғли (1880-1945). Хивада туғилган. Шоир, тарихчи ва тазкиранавис. Лаффасий ўзининг тарихий «Хива шоир ва адабиётшуносарининг таржимаи ҳоллари» асарида элга машҳур бўлган Мунис Хоразмий, Огаҳий, Роғиб, Феруз ва Чокар каби 51 нафар хоразмлик ижодкорларнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот берган.

КИТОБАТ, ХАТТОТЛИК, МУСАВВИРЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЬЯТ ИЖОДИ

Хаттотлик санъати ўзига хос соҳа бўлиб, арабча хусниҳат ёзувчи маъносини беради. Хаттотлик – ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг ёзувли қисмларини яратиш касби. Айниқса, араб ёзувининг кенг тарқалиши туфайли хаттотликнинг ривожи тезлашган. Туркистонда китоб босиш вужудга келгунга қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шуғулланганлар. Хаттотлар саройларда, айрим амалдорлар ҳузурида гуруҳ бўлиб ишлашган. Масалан, темурий шаҳзода Бойсунғур Мирзо (1397-1433) саройидаги кутубхонада мусаввир, наққош ва бошқа усталар билан бир қаторда 40 дан зиёд хаттотлар қўлёзма китоблар тайёрлаш, таъмиrlаш билан машғул бўлганлар. Китобат санъати билан бир қаторда биноларнинг китобалари, қабртошлардаги битиклар ва буюмларга ёзувда ҳам хаттотлик кенг қўлланилган. Умуман олганда, Мовароуннахрда китобат санъати X-XII асрларда муайян соҳа сифатида шаклланган ва XIV-XV асрларга келиб янги тараққиёт босқичига кўтарилиган. XV-XVI асрларда бир қанча истеъододли хаттот, мусаввир, лаввоҳ, сахҳофлар (Абдураҳмон Хоразмий, Султонали Машҳадий, Султонали Хандон, Мирали Қилқалам ва бошқалар) етишиб чиққан. Шахсан Султонали Машҳадий Низомий, Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларнинг асарларини кўчириб шухрат қозонган. У кўчирган 50 дан ортиқ китоблар бизгача етиб келган.

Деярли барча ҳукмдорлар саройида кутубхоналар бўлиб, уларнинг бошликлари «кутубхона доругаси», «китобдор» деб аталган.

Хонликлар даврининг дастлабки даврида, яъни XVI аср бошларидан Мовароуннахрда хаттотлик мактаби юзага келишида Мир Али Ҳиравийнинг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, китобат санъатининг ривожида Хива хони Муҳаммад Рахимхон II (Феруз) нинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хаттотлик билан мусаввирлик санъати кўпинча бир-бирини тўлдириб турган. Чунки аксарият кўчирилган қўлёзмалар ва китобларни мусаввирлар безакларисиз тасаввур қилиш қийин эди. Шу туфайли ўрганилаётган даврларда ушбу санъат соҳиблари ижоди ҳам ўзига хос юксалиб, кўчирилган минглаб қўлёзмаларда уларнинг бетакрор маҳорати муҳрланиб қолган. Туркистонда хаттотлик йўли билан китоб тайёрлаш узок вақт давом этди. Босма усули билан китоб чиқариш эса ўлкамизнинг чор Россияси мустамлакасига айланиши билан бошланган.

Агар биз босма усули билан китоб тайёрлаш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, биринчи бўлиб 1868 йилда Туркистон харбий округи штабининг босмахонаси ташкил этилган. Ўзбек тилидаги илк босма китоб Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йили Хивада босилган «Календар»идир. Шундан сўнг бирин-кетин Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам хусусий литографиялар ташкил этилган. Булардан Отажон Абдалов (Хивада), Семён Лахтин (Тошкентда), Гуломҳасан Орифжонов (Тошкентда) литографиялари машҳур

бўлган. Бу босмахоналарда адабий, фалсафий, диний, тарихий асарлар, дарсликлар, шеърий девонлар нашр этилган.

Хаттотлик санъати соҳиблари меҳнатидан ҳозирги кунгача ҳам халқаро миқёсда фойдаланиб келинади. Хаттотлик санъатига ҳозирги қунда Тошкент Шарқшунослик институти, Тошкент Ислом университети, Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтида ўргатилади.

Мусавирлик ва тасвирий санъат ҳам маданиятимизнинг энг ноёб, нозик санъат қирраларини ўз ичига олган ижод йўналиши бўлиб, улар ҳам кўп минг йиллик тарихга эга. Бу санъат рассомлик, тасвиirlарни ўхшатиб чизиш, айни вактда ҳайкалтарошлиқ, ранг-баранг графика каби турларга бўлинади. Тасвирий санъатда воқеълик шакллар, чизиқлар, ранглар орқали тасвиirlанади. Китобат, хаттотлик, мусавирлик, тасвирий санъат ижоди бир-бирига жуда яқин санъат турлари (жанрлари) бўлиб, улар доимо бир-бирини тўлдириб туради. Шунингдек, бу санъатлардан меъморчилик иншоотларини безаш ишларида ҳам самарали фойдаланиб келинган. Хусусан, ҳайкалтарошлиқ, графика, ранг-тасвир, портрет, натюроморт, манзарапар жанри, тарихий жанрдаги асарлар, анимал жанр (мажозий маънолар акс эттирилган асарлар) лар шулар жумласидандир.

Энди ана шу юқорида номлари зикр этилган ижод йўналишларининг хонликлар давридаги ривожига эътибор қаратсан. Кейинги асрлар тасвирий санъати ривожига муҳим асос бўлиб хизмат қилган Ҳиротдаги машҳур Камолиддин Беҳзод мактаби (XV аср II ярми) ни эслаб ўтиш жоиз. Беҳзод ижодидан илҳомланган издошлари Қосим Али, Султон Муҳаммад, Музаффар Али, Юсуф Мулло, Рустам Али, Мирсаид Али, Маҳмуд Музахҳиб, Абдулло кабилар кейинги асрлар ушбу жанрлар ривожини юксалишида самарали ижод қилиб, маданиятимиз хазинасини бойитдилар.

Кўйида хонликлар даврида юртимиздан етишиб чиққан китобат, хаттотлик ва мусавирлик ижодининг айrim вакиллари фаолияти ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтамиз.

Маҳмуд Музахҳиб (XV-XVI аср). Ҳирот ва Бухорода яшаб ижод этган. Миниатюра мактаби устаси, Беҳзоднинг яқин шогирди. Унинг номи тасвирий санъат тарихида алоҳида ўрин тутади. XVI асрнинг 40-70-йилларида унинг ижоди гуллаб-яшнаган. У Навоий портретини ниҳоятда катта маҳорат билан чизган. Бу асар ҳозир Машҳаддаги Осмони Қуддус мажмуасида сакланмоқда. Маҳмуд Ҳиротдаги мусавирлик санъати мактаби ишларининг Бухородаги етук давомчиси эди. Маҳмуднинг сафдошларидан Мир Сайд Али Табризий ва Хожа Абдусамад Шерозийлар 1550 йилларда Хиндистонга Хумоюн саройига таклиф қилиниб, ўз ижодлари билан бобурийлар даври тасвирий санъати равнақига ҳам бебеаҳо улуш қўшганлар.

Мирзо Бокий (XVI аср). Ўз даврининг машҳур котиби, ҳиротлик Мир Алиниң ўғли бўлиб, хаттотлик илмини чуқур эгаллаган. Ўша даврларда кенг қўлланилган «настаълиқ» хати ёзув услубларини олий даражадаги санъати билан ёзган.

Қосим Арслон (XVI аср). Қосим Арслон Навоийга замондош бўлган шоир Машҳадийнинг фарзанди бўлиб, икки соҳада самарали ижод қилган. Китобат соҳасида ўз ишининг моҳир соҳиби бўлиб, ёзган хати эса ҳам чиройли, ҳам тўғри бўлганлиги учун кўпчиликка маъқул бўлган. Шунингдек, у шеъриятда ҳам катта ютуқларга эришган. Умрининг охирги йилларида Ҳиндистонга бориб, бобурийлар саройида янада катта обрў топади ва ижод билан жиддий шуғулланиб «Малик уш-шуаро» унвонига эришади.

Мавлоно Махрамий (XVI аср). Асосий касби китобатчиликдан, хаттотликдан иборат бўлиб, шеърият билан ҳам шуғулланиб, айниқса марсиягўйликда маҳоратли бўлган.

«Гуландомким, лаби япроқдан ҳам нозикроқ эрур
Оғзи гўё ёқут сақланадиган қутичаю, тишлари гавҳар эрур».

Хожа Абдусалом - (XVI аср). Абдуллахон II нинг иниси Абдулқуддус сulton саройида китобдорлик ва хусниҳат эгаси мансабида ишлаган, лекин дарвешона ҳаёт кечиришни хуш кўрган. Туркий ва форсийда кўпгина шеърлар ҳам ижод қилган. Намуна:

«Лабингиз абадийлик бахш этувчи оби ҳаёт не даркор,
Усиз ҳаёт чашмасини ташно кўрарман, бу не даркор,
Саломий, то бошқа бирор кўчаси тупроғи бўлиб улгурмасдан,
Кўчаси бошида посбонлик усулини бўйнимга олдим».

Миршайх Пуроний (XVI аср). Бухоролик. Кўп илмлардан хабардор, айниқса хусниҳатга маҳорати юқори бўлган. У олтин суви билан безаш ва бошқа хил нақшлар билан китобларни безатиша тенги йўқ санъат соҳиби эди. Турли ёзув турлари, жумладан, «Райхоний хат», «Ғубор хати» кабиларда нақшлар битган. Айни вақтда Пуроний Чорсу масжидида мударисслик қилган ва шоирликда ҳам камолотли бўлган.

Мавлоно Мир Али котиб (XVI аср). Сайдлар авлодидан бўлиб, хат мулкида котиблар пешқадами бўлган. «Настаълиқ хати» услубида унинг олдига тушадиган одам бўлмаган. Ушбу йўналишда даврининг машҳури бўлиш билан бирга шеъриятдан ва тарихнависликдан ҳам яхши хабардор бўлган.

Абдулла Мусаввир Хуросоний XVI аср II ярмида Бухорода яшаган миниатюрачи рассом. Бухоро миниатюра мактаби вакили. Кўплаб қўлёзма ва китобларга нақш ва нафис суратлар ишлаган. Жумладан, Шайх Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон» асарларига, «Учрашув», «Севишганлар» номли асарларига чизилган нақш ва нафис суратлари шу кунгача етиб келган. Ўз даврининг машҳур рассомлари Маҳмуд Музахҳиб ва Шайх Саъдий Маҳмудлар қўлида таҳсил олиб, улар мактабининг етук вакили ва давомчиси бўлган.

Дарвеш Мухаммад (XVI аср). Бухоролик. Хаттот, хусниҳат назариётчи. Форс тилида «Фавойид ул-хутути» (Хатлар фойдалари) асарини яратган. Бу рисола Марказий Осиёда яратилган хусниҳат санъати ҳақидаги энг муҳим қўлланма сифатида Ўз ФАШИ фондида сақланмоқда.

Дарвеш Мұхаммад Тоқий (XV аср II ярми-XVI аср бошлари). Хиротлик. Машхұр хаттот, настаълиқ хати устаси. Жомий ва Алишер Навоий асарларини, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Лубоб ул-албоб» асарини, Алишер Навоийнинг З та терма девонини, Мұхаммад Тоҳирий Ғаззолийнинг «Маърифат ул-Мазоҳиб» асарини, Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сини настаълиқ хатида қўчирган. Бу асарлар Ўз ФА ШИ фондида, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланмоқда.

Қосим Али (XV аср II ярми-XVI аср 30-йиллари). Хиротлик. Мусаввир, хаттот ва олим. Камолиддин Беҳзоднинг энг яқин шогирди. Хирот миниатюра мактабининг йирик вакили. Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида ижод қилган. Ҳусайн Бойқаро хукмронлиги даврида сарой кутубхонасида ишлаган. Қосим Али чизган «Алишер Навоий ва Султон Мұхаммад Мирзо» асари машхұр бўлган. Шунингдек, у Навоийнинг, Низомий Ганжавийнинг «Хамса» достонлари ва бошқа қўлёзмаларини нафис, мўъжаз расмлар билан безаган. Расмлар рангга бойлиги, тиниқлиги ва кишиларни ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга интилганлиги билан диққатга сазовордир.

Султон Мұхаммад Нур (1472-1530). Хиротлик. Хаттот, настаълиқ хати устаси. Султонали Машҳадийнинг шогирди. Алишер Навоий ҳомийлигига хаттотлик санъатини ўрганган. Асосан Хиротда ижод қилган. Маълум муддат Бухорода ҳам бўлган. Салим котиб, Айний ва бошқа бир қатор етук хаттот шогирдлар тайёрлаган.

Султон Мұхаммад қўчирган қўлёзмалар: Абдулла Ҳотифийнинг «Хамса» достонидан терма байтлар, Саъдийнинг «Бўстон» асари, Низомийнинг «Хамса»си, Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхҳо», «Суҳбат ул- аброр» асарлари, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», Навоийнинг «Девон»и, «Калила ва Димна» асарлари бугунги кунда Британия, Техрон, Нью-Йорк, Истанбул, Лоҳур, Ҳиндистон, Россия давлатлари музейлари ва кутубхоналарида сақланмоқда.

Султон Мұхаммад Хандон (XV аср-XVI аср II ярми). Хиротлик хаттот, шоир ва настаълиқ хати устаси. Султонали Машҳадийнинг шогирди. Ўзи ҳам кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Хандон қўчирган қўлёзмалар: Саъдийнинг «Бўстон» асари, Ҳофизнинг «Девон»и, Ҳусрав Дехлавийнинг «Девон»и ва «Қирон ус-садайин» асари, Жомий ва Навоийнинг «Девон»лари бизгача етиб келган.

Маҳмуд Шаҳзода (XV аср охири-XVI аср). Наққош ва мусаввир. Беҳзод, Оға Мираклардан таълим олган. Беҳзод анъаналарини давом эттириб, ўзига хос мактаб яратган. Мусаввир Ҳофиз Шерозийнинг «Девон»и, Жомийнинг «Тухфат ул-афкор», «Ҳафт ланзар», Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор», Саъдий Шерозийнинг «Бўстон», «Равзат ул-муҳиббин» қўлёзмалариға миниатюралар яратган.

Юсуф Наққош (XV аср охири-XVI асрнинг 30-йиллари). Хирот ва Мовароуннахрда ижод қилган мусаввир. Камолиддин Беҳзоддан таълим олиб, устоз анъаналарини Мовароуннахрда давом эттирган.

Тарихчи Зайниддин Восифий мусаввирининг билими ва маҳоратига баҳо бериб:

«Мавлоно Жалолиддин Юсуф фазилат ва камолот мужассами, бадиий расмлар мусаввири, латиф рақамлар нафис ижодкори, наққошлиқ ва суратгарлик санъатида камолот мартабасида эрди», деб ёзган эди.

Юсуф Наққош шайбонийлар хонларидан Абулмузаффар Султон ва Мухаммад Баҳодир саройида хизматда бўлган.

Мир али Хиравий (XVI аср). Хиротлик хаттот ва шоир. Хаттотлик санъатини Зайниддин Маҳмуд ва Султонали Машҳадийдан ўрганганд. Хиротда Султон Ҳусайн Мирзо ва Бухорода Абдулазизхон кутубхоналарида хизмат қилган.

Мир али нафис хати ва тез ёза олиши билан бошқа хаттотлардан ажралиб турган. Мовароуннахрда настаълиқ хатини тарқалишида хизмат қилиб, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. 1520 йилда «Медод ул хутут» рисоласини ёзиб, унда хаттотлик қоидаларини баён этган. У кўчирган 30 дан ортиқ қўлёзмалар ва 400 дан ортиқ қитъалар бизгача етиб келган. У кўчирган Низомий Ганжавий ва Ҳусрав Дехлавийнинг «Ҳусрав ва Ширин» достонлари, Абдурахмон Жомийнинг «Тухфат ул-ахрор», Ҳусайн Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Ансорийнинг «Илоҳийнома» асарлари Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Мир Ҳусайн (XVI аср). Етук хаттотлардан бири бўлиб, «Жавоҳири рақам» фахрий унвонига сазовор бўлган. У томонидан настаълиқ хатида кўчирилган ва зийнатланган Ансорийнинг «Илоҳийнома», Ҳисрав Дехлавийнинг «Хамса», Али Бин Ҳусайннинг «Рашохоти айн ул ҳаёт» асарлари бугун Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Мир Ҳусайн Кўланкий Бухорий (XVI аср). Хиротлик хаттот ва настаълиқ хатининг устаси. Мир Али Хиравийнинг энг маҳоратли шогирдларидан бири. Абдуллахон Сонийнинг китобдори бўлган. У кўчирган қўлёзмаларнинг 20 дан ортиғи бизгача етиб келган. Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулситон» асарлари, Жомийнинг «Юсуф ва Зулайх», «Тухфат ул-ахрор», «Маснавийлар»и, Ҳофиз Шерозийнинг «Девон»и шулар жумласидандир.

Муҳаммад Мурод Самарқандий (XVI аср). Мусаввир. Самарқанд миниатюра мактабининг йирик вакили. Ўзига хос услуби, юксак бадиий савиядаги асарлари билан Ўрта Осиёда миниатюра санъати ривожига катта ҳисса қўшган. У томонидан Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1556 йилда кўчирилган нусханинг безаги 115 та миниатюраси Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда), Саъдийнинг «Бўстон» (Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) асарларига ишланган миниатюралари бизгача етиб келган.

Устод Муҳаммадий (XVI аср). Мусаввир. Султон Муҳаммаднинг ўғли. Нафис санъатни отасидан ўрганганд. Камолиддин Беҳзод анъаналарини давом эттириб, ўзига хос бадиий услугуб яратган. У «Шаҳзода тасвири» (Бостондаги Голобо мажмуасида, АҚШ), «Шарафнома» (Асар қўлёзмасидаги «Шаҳзода»

расми), Низомийнинг «Хамса»сига ишланган миниатюралар, «Дарвеш ва дехконлар» (Луврда) асари ва бир қатор бошқа асарларни ҳам яратган.

Мұхаммад Дарвиш Самарқандий (XVI аср охири - XVII аср боши). Мусаввир ва хаттот. Асарларида Ўрта Осиё миниатюра мактабига хос хусусиятлар ўз ифодасини топған. Унинг «Достону зебу зевар» қўлёзмасига ишланган 4 расми (Британия музейида), Саъдийнинг «Бўстон» асари қўлёзмасига ишланган миниатюралари (Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) ва ёзган қитъаси (Техрондаги Салтанат кутубхонасида) сакланиб, бизгача етиб келган.

Мұхаммад Нодир Самарқандий (XVI аср охири - XVII аср). Мусаввир, йирик портретчи. Асли самарқандлик, кейинчалик Ҳиндистонга бориб, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон саройида хизматда бўлган. Унинг ижодида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон миниатюра мактаблари анъаналари уйғунлашган. Мұхаммад Нодир «Савдогарлар Юсуфни құдуқдан тортиб олмоқдалар» кўп шакли композициялар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, шаҳзода Дониёл (Британия музейида) ва Хусрав (Луврда), давлат арбоблари Ҳалилуллохон, Иззатхон, Асафхон ўғли Мирзо, Шер Мұхаммад (Британия музейида) портретларини яратган.

Мұхаммад Шариф (XVI аср охири - XVII аср бошлари). Мусаввир. Ўрта Осиё миниатюра мактаби асосчиси. Мұхаммад Мурод Самарқандий билан Саъдийнинг «Бўстон» асари қўлёзмасини (Дублиндаги кутубхонада) безашда қатнашиб, 4 та расм ишлаган. Шунингдек, ҳамкорликда «Йигит расми» (Луврда) ва «Гўзал қиз» (шахсий мажмууда) каби алоҳида асарларини ҳам яратган.

Сайд Абдуллоҳ Бухорий (XVI аср охири - 1647 й.). Бухоролик хаттот. Истамбул, Исфаҳон ва Мирда бўлган. Истанбулда настъалиқ хатини жорий қилган ва султон Мұхаммад IV буйруғи билан «Шоҳномани» тўлиқ кўчирган.

Мұхаммад Муқим (XVII аср). Мусаввир. Аштархоний хонлардан Абдулазизхон (1645-1680) ва Субхонкулихон (1689-1702) кутубхонасида ижод қилган. Мұхаммад Муқим инсонлар тасвирига алоҳида эътибор берган, асарлари тасвирларнинг нафис ишланиши, қиёфалар ифодалилиги, композициялар мутаносиблиги ҳамда шакллар йириклиги билан ажralиб турган.

Ўз даврининг йирик ижодкорлари Ҳожа Гадо, Аваз Мұхаммад, Мулла Беҳзод каби мусаввирлар ва Мирзо Барқий, Мулла Мир Мунший, ибн Арабшоҳ каби хаттоллар билан бирга ишлаб, Низомийнинг «Хамса», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарларини бадиий жиҳатдан безаган. Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», «Наримоннома», «Баённома», «Фарамузнома» қўлёзмалари мажмуасига расмлар ишлашда иштирок этган.

Абдулло Термизий (1625 йил вафоти). Термизлик шоир ва хаттот, тахаллуси - Восифий. Ҳиндистонда Жаҳонгир саройида яшаб ижод этган ва «Мушкин қалам» унвонига сазовор бўлган.

Нодир (XVIII - XIX аср). Қўқон шахрида туғилиб, ижод қилган. Норбўтабийдан Муҳаммад Али давригача саройда китобат соҳасида хизмат қилиб келган. Умархонга аatab ҳам китоб ёзган ва шеъриятда ҳам ижобий натижаларга эришиб, умрининг охиригача (90 ёшларигача) ижод қилган. Нодир шеъридан 4 мисра:

«Саҳар вақтида кўнгил қушлариға ёр келгайму,
Юзидин бода ранг олган ўшал дилдор келгайму,
Сўзинг бошдин оёқ райҳон исидек бўлди то афзо
Жаҳон имулкида Нодир назмидек гуфтор келгайму».

Шарифий - XIX аср бошларида Фарғона водийсининг Косон худудида яшаб, ижод қилган. Асл исми Муҳаммад Амин бўлиб, хусниҳатда, хаттотликда даврининг етуги бўлган. Саройда девон котибиятида хизмат қилган ва шеъриятга ҳам ихлоси баланд бўлган. Шарифий шеъридан икки мисра:

«Эй, Эрам паризоди, кир бу дам хаёл ичра
Жон қуши наво чексун гулшани висол ичра».

Комил Хоразмий (XIX аср). Асл исми Паҳлавон Ниёз. Етук шоир ва мусиқашунос. Хива хони Муҳаммад Рахимхон II Феруз саройида девонбеги (бош котиб) лавозимида ишлаган. Шунингдек, наққошлиқ ва хусниҳатда ҳам етук бўлиб, бу ишлар ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Комил Хоразмий таржимонликда ҳам моҳир бўлиб, 1865 йилда Бархурдор бин Маҳмуд Туркман Фароҳийнинг (таҳаллуси Мумтоз) «Маҳбуб ул-кулуб» ёки «Маҳфилоро» (мажлисга зийнат берувчи) асарини, 1869-70 йилларда Фахриддин Али Сайфийнинг «Латойиф ул-тавойиф» (турли тоифаларнинг латифалари) асарини форсчадан ўзбек тилига таржима қилган. Алишер Навоий «Хамса»сининг биринчи Хоразм тошбосма нашрига сўзбоши ёзган. Комил Хоразмийнинг девони қўлёзмаси Ўз ФА ШИ фондида сакланмоқда.

Исо Маҳдум Бухорий - XIX асрда яшаб ижод этган илмли, серқирра маданият намояндаси. Мадрасада дарс берган, илм, шеърият ва мусиқашунослик билан шуғулланган. Айни вақтда китобат хунарида ҳам мунтазам шуғулланиб, кўплаб китобларни нақш билан безашда ҳамда нашр ишларида ҳам катта из қолдирган.

Возех - асл исми Қори Раҳматилло Возех. XIX асрда Бухорода яшаб ўтган. 27 ёшида мадрасани тугатгач, шеъриятда самарали ижод қилиб, бой мерос қолдирган. Айни вақтда асосий шуғулланадиган касби китобат хунари бўлган. Бутун умри қўлёзма асарларни китоб ҳолига келтириб, нашр қилиш иши билан ўтган. Нақш санъатидан ҳам етарлича хабардор бўлган.

Абдулваҳоб Мирзо - XIX асрда яшаб ижод қилган бухоролик машҳур хаттот. Араб ва форс тилларидаги 100 га яқин қўлёзмаларни шикаста ва насташлиқ хатида кўчирган. У кўчирган асарларидан Жалолиддин Румий маснавийлари, Нозим Хиравийнинг «Юсуф ва Зулайҳо»си Ўз ФА ШИ фондида сакланмоқда.

Абдукарим хаттот. XIX асрда яшаб, ижод этган самарқандлик етук котиб. Алишер Навоийнинг «Хамса» асари нусхаларидан бирини, хиротлик шоир Нозим Хиравийнинг «Юсуф ва Зулайх» достонини кўчирган. Бу қўлёзмалар Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Абдулло котиб (XIX аср). Бухоролик етук хаттот. Унинг кўчирган қўлёзмаларидан Хисомиддин Бухорийнинг «Воқеоти Хисомий», Рукниддин Шерозийнинг «Шарҳ ул-фусус», Абдулқодир Бедилнинг «Чаҳор унсур», Ҳусайн Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна») каби асарлар Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Абдулҳақ котиб. XIX асрда Тошкентда яшаб, ижод қилган хаттот. Бухорода илм ўрганиб, Тошкентдаги мадрасаларнинг бирида мударрислик қилган. Таълиқ, риқоъ, сулс, настаълиқ хатларини яхши билган. Унинг кўчирган 10 дан ортиқ қўлёзмаси Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Корий Хўқандий. 1828-1906 йилларда яшаб, ижод қилган шоир ва хаттот. XIX аср ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларидан бири. Араб ва форс тилларини, сарф, нахв ва луғат илмини чукур ўзлаштирган. Ҳасан қори домладан қироат илмини ўрганган. «Ҳофизи Қуръон» унвонига сазовор бўлган. Ғозиёғлиқ маҳалласидаги катта масжидда узоқ йиллар имомлик ҳам қилган.

Корий хусниҳат ва хаттотликда ҳам етук бўлганлиги сабабли, у кўчирган «Девон»и, Мазжуб Наманганийнинг «Девон»и, Баҳовиддин Нақшбандийнинг рисоласи, Муқимий билан ҳамкорликда кўчирган катта баёзи ва яна бир қанча асарлар бизгача етиб келган.

Отажон Абдалов - XIX аср II ярми - XX аср бошларида яшаб ижод қилган илк ўзбек матбаачиси, ношири, китобат ишларининг моҳир устаси. 1874 йилдан Хива шаҳрида Муҳаммад Раҳимхон II саройида ташкил этилган тошбосмада иш фаолиятини бошлаган. Абдуносир Фароҳийнинг тарихий «Нисаб ус-Сибён» асарини тошбосмадан чиқариб, хонга тақдим этган. 1876-1910 йиллар давомида Абдалов Хива матбаасида ўндан ортиқ йирик ҳажмдаги китобларни босмадан чиқарган. Алишер Навоий «Хамса»сининг «Ҳайрат ул-Аброр» қисми, «Ҳазойин ул-маоний», «Чор дарвеш», Оғаҳийнинг «Тавизул ошиқин» асари, Ферузнинг газаллари ҳамда «Мажмуат уш-шуаро» тўпламлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Абдулманон Котиб (XIX аср охири-XX аср I ярми). Тошкентлик хаттот. У томонидан настаълиқ хатида кўчирилган 20 дан ортиқ қўлёзма Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Дабирий Каттақўрғоний (XIX аср II ярми-XX аср бошлари). Асл исми Остонақул Абдушукур ўғли. Пайшанба қишлоғидан, шоир ва хаттот. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Хиромийнинг «Чор дарвеш» достонини ўз қўли билан кўчириб, муқаддима ва сўнгги сўз билан Когонда нашр эттирган.

Девоний (XIX аср II ярми - XX аср I ярми). Хивалик шоир, санъатшунос ва хаттот. Форс тилини яхши билган ва Феруз саройида бир қанча муддат

котиблиқ ҳам қилган. У ўзидан аввал ўтган ижодкорлар қўл- ёзмаларини маҳорат билан кўчирган. Девонлари Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Муҳаммад Юнус Тоиб (XIX аср - вафоти 1907 й.). Тошкентлик шоир ва хаттот. Ёркент ва Кўқонда ҳам яшаган. Шарқ классиклари асарларига назиралар боғлаган, қасидалари жавоб ёзган, тарих ва марсиялар яратган. Фарғона тарихи ҳақидаги «Ҳадоиқ ул-анвор» асарида Кўқон хони Муҳаммадалихоннинг даври тўлиқ баён этилган. 1905 йилда «Тухфаи Тоиб» асарини ёзган. Муҳаммад Юнус Тоиб қўлёзмалари Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Надимий (XIX аср II ярми-XX аср бошлари). Хивалик хаттот ва шоир. Акаси Матёқуб Харротдан хусниҳат қоидаларини ўрганган. Надимий китобат қилган Абудлоҳит ал Муфтийнинг «Ажойиб ул-қисас» асари таржимаси, замондош шоирлардан Шиносий девони, Табибийнинг 2 та девони ва ўзи таржима қилган «Вомиқ ва Узро» достони ҳамда ўзининг 3 та девони Ўз ФА ШИ фондида сақланмоқда.

Худойберган Муҳркан (1822-1920). Хивалик хаттот, наққош ва бастакор. Тўп қуювчи уста Муҳаммад Паноҳнинг ўғли. Отасидан тўп қуиши, хаттот уста Эрмон халфадан хаттотликни, муҳрчи уста Ислом хўжадан муҳрканликни ўрганган. Худойберган Муҳаммад Раҳимхон II саройи кутубхонасидағи китобларнинг асосий қисмини чиройли, нафис ёзувларда кўчирган. Мармар тахталар, ўратош (пойустун)ларни чиройли ёзув ва нафис нақшлар билан, шеърий тарихларни мармар тошга ўйиб ёзган ва гуллар билан безаган. Хивадаги Саид Моҳрӯйжон мақбараси, Асфандиёрхон харами ва қабулхонаси, Юсуф ясовулбоши ва Полвон қори мадрасалари, Исломхўжа минораси ва мақбарасида Худойберган ишларининг намуналари сақланган.

Юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар қаторида XVII аср миниатюрасидаги портрет санъатининг маҳоратли усталаридан Хожа Маҳаммад Мусаввир, Давлат Муҳаммад каби рассомлар ва уларнинг ижодлари ҳақидаги маълумотлар ҳам айrim манбаларда учрайди. Уларда, айниқса, Хожа Муҳаммад Мусаввир Хирот, Самарқанд, Бухородаги собиқ мактаблар анъаналарининг йирик давомчиси эканлиги таъкидланади.

XVIII-XIX асрларда юртимиизда ижод қилган тасвирий санъат усталаридан Аҳмад Дониш, Мулла Ҳусниддин, Мулла Ортиқ, Раҳматий, Аҳмад Калла, Иброҳим Даврон каби рассомларнинг ижодий фаолиятлари ҳам муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидлаш жоиз.

ШЕРРИЯТ

Шеър – арабчада шуур, сезги дейилиб, у инсондаги фикрнинг қалб туйғуси-хислари билан уйғунлашган ифодаси сифатида вужудга келади ва ҳаяжонли нутқ билан ифода этилади. У маълум бир ички оҳангга эга бўлган бадий асардир. «Шеър» сўзи ўрнида адабиётда баъзан «Назм» сўзи хам ишлатилади. Шеър бадий адабиётнинг қадимги тури бўлиб, инсоният энг қадимги асарларни шеърий услубда яратган. Шеърий ижодда шундай ҳолат хам борки, (замонавий шеъриятда), бу ижодни эркинроқ тушуниш, аввалги шаклий қолипларни ўзгартирган ҳолда янги поэтик кашфиётлар қилишга интилиш кучайиб, қофия, тиниш белгилари ва грамматик қоидалар исканжасида қолиши истамай, қофиясиз, грамматик қоидалар ва тиниш белгиларга риоя этилмай ёзилган шеърлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Шеъриятда фикрлар тартибга солинган, қофияли, бўғинлари сони хам бир хил, грамматик қоидаларга риоя қилиш, унинг ички техникалари бузилмаган ҳолда, сўз ва фикрлар бир-бирини давомчиси ва тўлдирувчиси бўлиши ҳолатларига албатта риоя қилинса, унда ҳақиқий шоирона шеърият вужудга келади. Бу эса илоҳий илҳом, иқтидор, маҳорат талаб қиласи ва шундагина бу шеър санъат даражасига кўтарилади.

Худудимиздаги илқ, дастлабки шеърий ижод намуналарининг яратилиши узоқ даврларга, яъни салкам 3 минг йиллик тарихимиз бошланишига бориб тақалади.

Маълумки, Марказий Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон худудида бронза даврининг охирлари ва илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, шунингдек, маданий-мағкуравий ўзгаришлар Амударёнинг қўйи оқими худудларида вужудга келган «Зардуштийлик» динининг муқаддас китоби «Авесто»да ўз аксини топган. Унда ўзбек, тожик, туркман, форс, афғон, озарбайжон ва бошқа кўплаб халқларнинг ибтидоий ва қадимий илоҳий-диний тасаввурлари, турли маросимлари, ривоят ва афсоналари, ўзига хос фалсафий-ахлоқий қараплари ўз аксини топган. Бу эса ҳозирги шеъриятимизга ҳам худди шу «Авесто» китобида илк марта асос солинганлигини кўрсатади.

«Авесто»да Зардушт томонидан яратилган турли маросимий қўшиқлар, мадхиялар матнлари илк марта шеърий меъёрларда, тўртликларда акс эттирилган, айни пайтда қўшиқ сифатида маҳсус қироат шаклларига бўйсундирилиб, мослаштирилган. Диний қироатдаги оҳангларга ҳам ўша даврларда асос солинган. Масалан, Қуръоннинг 7 хил қироат усули мавжуд бўлган.

Шуниси яна диққатга сазоворки, ўз қавмлари орасида зардуштийлик динини тарғиб қилган Зардушт (Заратуштра) ўз тарғиботини муҳим асоси сифатида гатлар (гоҳлар) деб аталган, аслида қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган шеърий меъёрлар яратганки, «Авесто»нинг 72 бобдан иборат «Ясна» бўлимидағи 17 та қисм ана шу гат ёки гоҳлардан, яъни шеърлардан иборатдир. Ушбу шеърлар кейинги асрларда шеърият ижодига қизиққан аждодларимиз ижоди фаолиятида энг муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз XVI-XX асрлар бошлари даври маданияти тарихининг муҳим ижодий қисми бўлган шеърият ривожи тарихини ўрганар эканмиз, изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, барча ўтган даврлардагидек, шеърий ижод билан ёши, мавқеи, мансаби, касби, соҳаси, ижтимоий келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар, халқнинг барча қатлами вакиллари шуғулланганлигини гувоҳи бўламиз. Шунингдек, кузатишлар ўша даврларда ҳам оддий халқ билан бир қаторда шеърий ижод билан, яъни бу нозик ва нафис санъат тури билан ҳукмдорлар, амалдорлар дин пешволари, шайхлар, муллалар, хўжалар, саидлар, мирлар, ҳожилар, дарвешлар ҳам бевосита шуғулланганликларидан, уларнинг кўплаб шеърий тўплам (девон)лари хаттолар томонидан кўчирилганлигидан далолат бермоқда.

Айнан шуларни назарда тутиб, ушбу китобнинг шеъриятга бағишлиланган бўлимида шеърият билан шуғулланган оддий халқ вакиллари билан бир қаторда юқори ўша давр зиёлилари шеърий ижодлари ҳақидаги маълумотларни ҳам баёнини беришга ҳаракат қилинди. Чунки бу ижод ҳам ўша давр маданий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмидир.

Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш лозимки, биз ўрганаётган даврнинг барча босқичларида ижодда, хусусан, шеърий ижодда юртимизнинг барча худудларига нисбатан Кўқон ҳонлигидаги адабий муҳит ўзига хос ривожланиш ҳолатида бўлганлиги тарихдан маълум. Шу туфайли шаҳар ва шаҳар атрофи барча худудларида шеърий ижод аҳли сони бошқа жойлардагиларга нисбатан анчагина кўп эди. Ҳатто, узоқ худудлардан ҳам Кўқон ва унинг атрофларида келиб яшаб, ижод этиш қўпгина ижодкорларга хос бўлиб қолганлиги ҳам кузатилган.

Шу боис, юқоридагиларнинг барчасини инобатга олган ҳолда ушбу ишимиизда шеърият ижоди ва унинг намояндалари ҳақидаги маълумотларга бир оз кенгроқ ўрин беришни лозим топдик.

Ушбу қимматли маълумотларни жамлаш ва уни баён этишда XVI аср мутафаккир олими, шоири, тарихчиси Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири ахбоб», Пўлатжон домулла Қайюмовнинг III жилдлик «Тазкираи Қайюмий» тўпламлари, Самандар Воҳидовнинг «Бухорийлар бўстони» таржима асари маълумотларидан ва бошқа адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Ҳасанхожа Нисорий - XVI асрда яшаб, самарали ижод қилган бухоролик шоир, ёзувчи, тарихчи ҳамда ҳукмдорлар эътиборига эришган йирик тарихий шахс. Шайбоний хонларидан Искандар султон ва Абдуллахон II даврининг «Малик уш-шуаро»си унвонига ҳам сазовор бўлган. Шеъриятда Мутрибий, Фитратий, Давоий, Ҳажрий, Шўхий, Шоҳид каби ўнлаб машҳур шоирларнинг устози ҳисобланган. Нисорий Баҳовиддин Нақшбанд мақбараси ёнига дафн қилинган. У ўзини машҳур «Музаккири Ахбоб» (Дўстлар ёдномаси) номли асарида XVI асрда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистон ва Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган 288 та шоир ижоди ҳақидаги маълумотларни тўплаган. Асар бизнинг кунгача етиб келган ва 1993 йилда ўзбек тилида нашр этилган.

Дўст Муҳаммад Султон (XVI аср). Тошкент ҳокими Наврӯз Аҳмадхоннинг ўғли бўлиб, кўпроқ олиму фозиллар сұхбатида бўлишга интилган. Шеъриятда тенгдошлари орасида пешқадами бўлган.

Икки мисра форсий шеъридан таржима:

«Ул мушкин холлининг холи тароватини кўрган чин охуси уялганидан эгнига тери ёпиндию, сахрога қочди».

Мирзо Иброҳим (вафоти - 1560 й.) Бадаҳшон подшоҳи Сулаймоннинг ўғли. Олим ва фозилларнинг хомийси бўлган. Саҳоватда ҳам донг таратган. «Вафой» таҳаллуси билан форс ва туркий тилларда шеърлар ёзган. Икки мисра намуна:

«Ҳажр дарду меҳнатини кимга айтай ёрсиз,
Чораи коримни кимдан излайин дилдорсиз».

Бақоий (XVI аср). Бухоролик бўлиб, Бухоро амири Абдулазизхон саройи шоирларидан. Бу вақтда амир саройида Бақоий билан бирга қуидаги етук шоирлар: Ҳофизи Соний, Мавлоно Восифий, Мавлоно Овбаҳий, Мавлоно Кавқабий, Сурудий, Саййидо, Афсарий, Мажлисий II, «Шайбонийнома» тарихий асар муаллифи Муҳаммад Солиҳнинг ўғли Улутбеклар ҳам ижод қилишган. Бақоийнинг девони сақланиб қолган. Шеъриятидан намуна:

«Юз шукрки, ҳар бегам ила ҳамдам эмасман
Ишқинг ғамидин шодмену, бегам эмасман
Мажнунга менинг телбалигим бор Бақоий
Ортиқроқ агар бўлмасам, андин кам эмасман».

Мажлисий – XVI асрнинг ижодкор шоири бўлиб, Бухоро атрофидаги ўзбеклардандир. Унинг Убайдуллахон саройида ижод қилган обрўли шоирлардан эканлиги Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккири Аҳбоб» асарида ҳам қайд этиб ўтилади. Унинг ғазал ва қасидаларидан бизгача фақат «Қиссаи Сайфул-мулук» асаригина этиб келган.

Кишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса,
Гадодур ул агарчи шоҳ бўлса,
Муҳаббат баҳри ошиқлар еридир,
Анга кирган даҳи эрнинг эридур.

Шайбоний. 1454 йилда Туркистонда туғилган, давлат арбоби, шоҳ ва шоир. 1490 йилдан темурийлар билан давлат талашиб, XVI аср бошида Мовароуннахрда шайбонийлар ҳукмронлигига асос солган. Исми Шоҳбаҳт, таҳаллуси Шайбоний. 1510 йилда, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бўлган жангда ўлдирилган. У тарихда Муҳаммад Шайбонийхон номи билан қолган. Муҳаммад Шайбонийхон давлат арбоби бўлиши билан бир қаторда ижод соҳиби, санъат ҳомийси ҳам бўлиб, унинг саройида олимлар, фозиллар, шоирлар тўпланиб турганлар.

Унинг ижодидан намуналар:
Курдинг бари султонлар бу Ийди қиёматни
Мен нечаки тортарман, эй шайх, риёзатни
Ҳақ берди сарафrozий Шайбонийга ҳам туну кун

Бош узра қўюбдур ул бу тожи ибодатни.

Убайдий. Мұхаммад Шайбонийхоннинг жияни. Номи Убайдуллахон. У 1530 йилда Кўчкинчихон вафот этгач, расмий хон этиб сайланган. Тасаввуфга берилган сўфий ва шоир ҳам бўлган. Таҳаллуси Қул Убайдий эди. 1539 йилда Бухорода вафот этган.

Ижодидан намуналар:

Сар сар айтинг, дўстлар, дардимни дилдор олдида,
Айтиб-айтиб йиғлангиз зинҳор-зинҳор олдида.

Эй Убайдий, билган эрмиш дардли ҳолингни ёр,
Хожат эрмас қилғасен, дардингни изҳор олдида.

Азизий (1515-1551). Убайдуллахоннинг ўғли. Отаси вафотидан сўнг хонлик таҳтига ўтирган.

Хуш эрди манга бўлса эрди ёр мусоҳиб,
Ё бўлмаса эрди анга ағёр мусоҳиб.

Бу телба кўнгил бирла, Азизий не қилурсен,
Гар бўлмаса ул шўхи дилозор мусоҳиб.

Мавлоно Сокиний (XVI аср-Бухоро). Ўз даврининг кўзга кўринган шоири бўлган. Ислим Қосим, таҳаллуси Гамза бўлиб, китобат илми билан шуғулланиш билан бирга шеъриятда ҳам самарали ижод қилган. Форсийда ёзилган ғазалининг сўнгги икки мисрасининг мазмуни:

«Сокинийнинг пешонаси ёрнинг ўтиш жойида қолди
у бечорани ишқ шундай йўлга термултириб қўйди»

Мавлоно Ғойибий (XVI аср - Бухоро). Бухоронинг таникли шоирларидан бири. Шеъридан икки мисранинг мазмуни:

«Ул нозанин минган тужа қайси сахро-даштда юрган бўлса,
унинг оёқ изи ер юзининг ойнаси бўлажак».

Девона Ҳусомий (XVI аср - Хива). Бу шоир бегам ва лоқайдлиқда ҳам машҳур бўлишига қарамай, шеъриятда ўз даври шоирлари орасида ҳеч кимдан кам бўлмаган. Ҳатто ҳукмдорлар ҳам унинг шеърлари учун хурмат қилишган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Ҳусомийнинг қонли қўзи чўғ тўла манқалдир,
атрофидаги киприклари жигардан кабоб ўтказилган сихдир».

Мавлоно Касирий (XVI аср - Бухоро). Бу шоирнинг асосий касби најжорлик бўлиб, ўзида инсонийликнинг энг яхши қирраларини мужассамлаштирган эди. Шеъриятда ҳам пешқадамлардан бўлган. Форсий шеъридан сўнгги икки мисранинг мазмуни:

«Эй сабо, ёрнинг оёғи остидаги тупроғдин менга бир чанг
келтир, то қўзимга даво-сурма ўрнида сурай».

Ҳусайн Алоуддин (XVI аср). Бу шоирнинг асл касби савдогарлик бўлиб, Бухоронинг эътиборли одамларидандир. Иш юзасидан султонлар билан ҳам

муомалада бўлиб турган. Унинг шеъриятидан Шайбоний хонларидан Убайдуллахон баъзан баҳраманд бўлиб турган.

Лисоний Марвий (XVI аср). Марвлик. Шеърлари билан ҳалқ орасида шуҳрат қозонган. Форсийда қилган ижодининг икки мисрасининг мазмуни:

«Лисоний ёр ситами қиличидан ўлди,
ҳеч ким у нима гуноҳ қилди, демади»

Нодирий Самарқандий (XVI аср). Самарқандлик бу ижодкор ўз даврининг нодир шоирларидан бўлиб, нафакат шеърият мухлислари, балки шоирларнинг ўртасида ҳам мавқеи баланд бўлган. Тўрт қатор форсий байтининг мазмуни:

«Ёрнинг қадди намунча бўй тортиб турибди,
Банда бўлгай қадду кўринишига

Харобот томон йўл сол Нодирий
Май бошида гаров тик бошу саллангни»

Мавлоно Насибий Андижоний (XVI аср). Яхши фазилатлар соҳиби, ёқимли шеърлар ижодкори Насибий Андижонда яшаб ижод этган. Икки мисра шеъридан намуна (мазмуни):

«Ўрам-ўрам сочингни бир тўп қилиб тараш лозим,
Ғайратга келиб ҳар тарафдан бир телба занжир ташлагуси».

Хоғиз Камол Турбатий (XVI аср). Турбатлик бу ижодкор тиб илмида моҳир бўлиб, отасининг касбини давом эттирган. Айни вақтда у шеъриятда ҳам замонасининг пешқадамларидан бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида ўз ўрнига эга бўлган шоирдир.

Мирзо Ҳинду (XVI аср). Убайдуллахоннинг яқин кишиларидан бўлиб, шеъриятда ўз ўрнига эга бўлган. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Майдан менинг кексалигимга кўп қувват етади,
Гулгун май кўзаси қарилар қўлидаги хассадир».

Мирзо Куйий (XVI аср). Убайдуллахон тұғчисининг ўғли бўлиб, маъноли шеърлар соҳиби бўлган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Гул юз, гул манглай қаерга қадам қўйса,
Ўша гул тупроқдан жаннат боғи ҳиди эсиб келади».

Мавлоно Муҳаммад Жомий (XVI аср). Абдураҳмон Жомийнинг иниси бўлиб, хуштаъб шеърлар ижодкори бўлган.

Шеъридан икки қаторининг мазмуни:

«Кетдингу, айрилиқ дарди менга ёдгор қолди,
Йўқлигиндан юз ҳасрат бу умидга етмаган дилимда қолди».

Мирзо Улуғбек (XVI аср). Шайбонийхоннинг яқинларидан бўлмиш амир Муҳаммад Солиҳнинг ўғли бўлиб, яхши таъбли шоирлардан бўлган. Икки мисра шеъридан намуна:

«Эй хуш ул кунларки кўнглим васлидин хушҳол эди,

Ахтарим фархундаву, баҳтим хумонон фол эди».

Мавлоной Сангий (XVI аср). Фарғонанинг Санг қишлоғидан бўлиб, мазмунли шеълар соҳиби эди. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Бечора Сангийнинг ўз ўрнида қадри йўқ,
Лаълнинг қадри бўлурму Сангдан (тош) ташқари чиқмагунча».

Мавлоно Вакифий (XVI аср). Марв вилоятидан бўлиб, шеъриятдан ўз даврининг таниқлиларидан эди. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Ул ой парвона янглиғ куйганимни билмади ҳаргиз,
Назр шамъи била кўнглимни равshan қилмади ҳаргиз».

Мирак Сайд Фиёс (XVI аср). Ҳиротлик таниқли сайдлардан бўлган.

Курувчи, лойиҳачи хунарларини мукаммал эгаллаган. Бухорода Убайдуллахон учун маҳсус боғ барпо қилган. Айни вақтда шеъриятга ихлоси баланд бўлган. Шеъридан икки мисра намуна:

«Қизиги шуки, бирон кун тўхташ навбати йўқ,
Эртанги кун навбати дағдағасидан қалтирайман».

Мавлоно Афсарий (XVI аср). Кармана вилоятидан бўлиб, узоқ вақт Убайдуллахон хизматида бўлган. Шеъриядта самарали ижод қилган. Икки мисра форсий шеъридан намуна:

«Тонг шамолидан шароб жоми тебранмайди,
Май жомини изтиробга солувчи соқийнинг юзи аксиdir».

Мавлоно Абулқосим Ҳаким (XVI аср). Амир Алишернинг табиби бўлган.

Дарвеш Алининг жияни. Абулқосим табобат илмини мукаммал эгаллаб, ном қозонган эди. Шеъриядта ҳам салоҳиятга эга эди. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Ёр юзи ҳажрида телбаман бу тун,
Мен зораю фарёд этарман бу тун».

Хожа Муҳаммад Қаннод (XVI аср I ярми). Самарқандлик. Хожа

Ахрорнинг назарига тушган. Тиб илмида моҳирлиги билан ном чиқарган. Шеъриядта ҳам яхши ижод қилган. Икки қатор шеъри мазмуни:

«Ошиқнинг умри бўйи дили шод бўлмайдир,
Нолаю, аламу, фарёддан ўзга иши бўлмайдир».

Асомиддин Иброҳим (XVI аср). Бухоролик етук илм соҳиби.

Убайдуллахон унинг ижодига жуда қизиққан. Асомиддин мунтазам дарс ўқитиши билан ҳам машғул бўлган. Шеъриядидан икки мисранинг мазмуни:

«Йўқотган нарсанг аломатини билиб олгинким,
Қўлида на кўзаси бору, на елкасида хум».

Камолиддин Абулхайр (XVI аср). Турли илмларни эгаллаган бухоролик олим. Ҳукмдорларнинг ҳам эътиборини қозонган. Яхши ҳусниҳат эгаси бўлиш

билан бирга шеъриядта ҳам пешқадамлардан бўлган. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Гулшанга бориб кўчанг узоқлигидан йиғлайман,
Гулга қарайману, юзингни кўрмаганлигимдан йиғлайман».

Амир Музаффар Туркман (XVI аср). Бир қанча муддат Убайдуллахон хузурида хизмат қилган, унинг хурматини қозонган. Яхшигина шеърлар ижодкори бўлган. Икки мисра шеъридан намуна:

«Ул пари ҳисолнинг қадди оқ кийимда,
Адл дараҳтли бўстондаги оппоқ гуллаган шохга ўхшайди».

Амир Ҳумоюн Самарқандий (XVI аср). Самарқанднинг машҳур шоирларидан. Танҳоликда яшашни хуш кўрган. Шеъриятга ихлоси баланд бўлган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Ёр кўчасига бордим, унинг юзини кўрай дедим,
Аммо ўзга билан турганин кўриб, кўчасидан ўтиб кетдим».

Ҳаким Шахрисабзий (XVI аср). Шахрисабзнинг машҳур табибларидан бўлиб, турли илмларга ҳам қизиқкан. Шеъриятда ҳам қобилияти юқори бўлган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Ёр олдида йифлаб-қистамоқ менга қоидадир,
Боргум у ёнига бугун амал қилиб қоидага».

Мулло Балойи (XVI аср). Самарқандлик машҳур шоирлардан бири бўлиб, кўп вақтини шоирлар сухбати ва мушоирасида ўтказган. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Ким эшигингга келса ва барча келувчилар соил бўлса,
Аммо, мабодо устига-устак сенга мойил бўлишса, ўлишим аниқ».

Мирзажон Муҳаммад Соний Найман (XVI аср). Бухоролик. Найман амирзодаларидан бўлиб, фаросати, зукколиги билан тенгдошларидан ажралиб турган. Шеъриятга майли кучли бўлган. Шеъридан таржима:

«Қаро кўзларинг бирлашиб бунчалар ноз этишмаса,
Гоҳ фитна эшигин беркитиб, гоҳ намунча очишмаса».

Муҳаммад Соний ўрта ёшга етмай вафот этган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Осмон қайси адл қомат сарвга сув берибди,
Қуриб қолмасин ва илдизидан қўпорилмасин деб».

Мавлоно Зийнатий (XVI аср). Бухоролик. Наққошлик санъатини яхши эгаллаш билан бир қаторда шеъриятга ҳам ихлоси баланд бўлган. Шеъридан намуна (мазмуни):

«Бир бурчакда ўтириб, из қолдирувчилардан бўл,
Шундан бошқа сендан ҳеч бир нишон қолмаяжак».

Мавлоно Комий (XVI аср). Асосий қасби тўқувчилик бўлиб, атрофдагилар билан дилкаш сухбатдош бўлган. Тўқувчилик ишидан бўшаган ҳамоно шеърият билан шуғулланган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Эй жон рохати, ширин лабинг турганда ахир,
Шакар, қанд не бўлибди, нега энди уларни эслай ?»

Мавлоно Ҳусайн Туркистоний (XVI аср). Туркистонлик. Асомиддин Иброҳимнинг шогирди. Нутқ санъатини ва кўплаб билимларни эгаллаган, зукко

шахс. Улуғбек мадрасасида дарс берган. Аруз вазнида шеърлар ёзган. Айни вактда мусикадаги маҳорати ҳам кучли бўлган. Икки мисра форсий шеъридан намуна (мазмуни):

«Мени бу баҳти қаро фалак,
Ул ой ҳажрида баҳти қаро айламуш».

Мавлоно Абдусамад (XVI аср). Турбат вилоятидан бўлиб, узоқ йиллар Тошкентда илм ўргатиш билан машғул бўлган. Ҳаж сафаридан сўнг ҳам Тошкентда, Қашқарда ва у ердан кейин Бухорога ўтган. Илми нужум (астрономия фани) дан ҳам хабардор бўлган. Ҳофиз Девон Мадрасасида ҳам дарс берган. Шеъриятга ҳам меҳр қўйган. Икки мисра форсий шеърининг мазмуни:

«Сен гул юзликнинг боши узра сунбул сояси тушса,
Шул сабаб дилимдан ёлқинли оҳ чиқиб, оташи оламга туташгуси».

Мавлоно Сурудий (XVI аср). Бухоролик. Убайдуллахоннинг тарих ёзувчisi ва хонлик ишига доир маълумотларни ёзиб борувчиши бўлиб хизмат қилган. Иморатлар пештоқларига ҳам ёзувлар битган. Шеърларини форсий ва туркийда ёзган. Шеъридан намуна:

«Куз фаслида гарчи гулдан ному нишон бўлмаса-да,
Хазон бўлган япроқларнинг чиройи ҳам ўзгача».

Мир Муҳаммад Мунисий (XVI аср). Убайдуллахон даврининг етук, зиёли ижодкорларидан бўлиб, шеърият аҳли ўртасида ўзига хос обрў ва эътиборга эга бўлган. Тўрт қатор шеъри мазмуни:

«Динпарвар Абулғози Убайдулло Баҳодирхонга
Шукрки, хонликнинг юқори маснади мақом бўлди.
Пайғамбар дини ҳимоячиси бўлгани учун тарихи,
«Мўйиниддин Убайдулло бин Маҳмуд Шайбоний» бўлди».

Мавлоно Жамолиддин Исматулло (XVI аср). Бухоролик. У эл орасида катта обрў топган мавлоно Маҳмуд Бухорийнинг фарзанди бўлиб, ўз даври олимларининг пешқадами даражасига етган. Самарқандда бир неча вақт талабаларга илм берган. Шеъриятда ҳам ижобий натижаларга эришган. Тўрт қатор шеъри мазмуни:

«Гул юзингдан узоқда қолиб, ҳар доим кўзимдан қон оқизаман,
Сарғайган юзим узра лоларанг кўзёшим оқаётир.
Шокирий қонини ханжар-ла оқиз, эй ой, бир умрки,
Дилимдаги бор қоним ила меҳрингга парваришим кўрасан».

Мавлоно Абдуҳаким (XVI аср). Ўз даврининг машхур табиби мавлоно Султон Маҳмуднинг ўғли бўлиб, отасидан табобат илмини мукаммал ўргангандан бошқа илмлардан ҳам боҳабар бўлган. Шеъриятга ҳам илтифоти юқори бўлган. Ижодидан икки мисранинг мазмуни:

«Сийнадан агар ёр найи ўқи ўтиб қолса,
Дил у ўтгач ҳажрида зор нолалар қилгуси».

Мирзо Машҳадий (XVI аср). Бухоро ҳокими Абдулали Тархон уруғидан. Термиз саййидларига ҳам қариндошлиги бўлган. Мансаб ва бойлика эга бўлишига қарамай, фақирикда яшашни афзал билган. Шеъриятда ҳам ижод қилган. Рубоийнинг мазмуни:

«Лўлибачча мени ишва билан ўлдирди,
Ишваю-ноз билан жонимни ғорат айлади.
Доирасига юрагим пардасидан қоплама ясаб,
Халқалари ўрнига гирён кўзим қорачигини қўйди».

Мир Табиб (XVI аср). Машхур табиб Ҳаким Шахрисабзийнинг шогирди. Ўзи ҳам машҳур табиб бўлиб етишган. Тўрт қатор шеъри мазмуни:

«Эй фалакдаги ой юзлик, эй чиройли санамдек сабза лаб,
Лабинг дилни обқочар, қаддинг эса жон боғининг сарви
Биттаси лолаю насриндек, иккинчиси сабзау райҳон каби,
Учинчиси ғунчадек рангоранг, тўртинчиси бўстонда фитна қўзғотар».

Мавлоно Ҳозирий (XVI аср). Ўз даврининг етук инсони бўлган мавлоно Ғойибийнинг ўғли бўлиб, ҳар томонлама салоҳиятли эди. Шеъриятда ҳам ўткир бўлган. Шеъриятидан тўрт мисранинг мазмуни:

«Ҳар бир қарашингда дилда бир оҳ ўзгача,
Бу оҳ бўлғуси боиси бир нигоҳ ўзгача,
Ҳозирий мен эрсам ишқ юртининг Шоҳсувори
Унинг ғамида бордир ёнимда сипоҳ ўзгача».

Мирзо Нажотий (XVI аср). Тошкентнинг таниқли кишиларидан бўлиб, билим олиш учун Бухорога келган. Айни вақтда шеърият билан ҳам шуғулланиб, яхшигина ижод қилган. Икки қатор шеърининг мазмуни:

«Оятга вақф муҳрини босади мусҳақ юзи,
Ғунча довоти ичра қизил ранги кўп гулнинг».

(Вакф – бағишлиш, назр этиш;
мусҳаф – Қуръони карим)

Мавлоно Дониший (XVI аср). Марвлик бўлиб, ҳаётда ёлғиз яшашни афзал билган. Барча жонлига меҳр-шафқат билан муносабатда бўлиши каби фазилат унинг хусусиятларини асоси бўлган. Шеърият унинг энг яхши кўрган машғулоти бўлган. Тўрт қатор шеъри мазмуни:

«Лола гулу, насрин гулу, райҳон гул
Ҳар қаён боқсанг қиё чандон гул.
Ғунча ёқасидан гул қўл солмиш бил,
Ёр ёқасидан то этаги томон – тамом гул».

Кудсий Фарғонагий (XVI аср). Юқори даражада ораста ва камсуқум киши бўлган. Шеъриятга ишқи баланд бўлиб, шеърлари ҳам маъноли ва ёқимли бўлган. Шеъридан тўрт қаторининг мазмуни:

«Эй, кулганда лабидан шакар сочишга майлдор ёр,
Ул икки лабингдан ширинроқ пинҳоний кулгинг бор.
Кудсий шакар лаблардан шакар талабсан,
Чун сухандонликда шакар чайнар тўтисан».

Мавлоно Фуругий (XVI аср). Бу ижодкор самарқандлик бўлиб, шеърлари маъноли бўлиши билан бирга унинг шеър ўқишда ҳам ўзига хос иқтидори бўлган. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Ойу нурафшон офтоб юзу ёйдек бақбақа осибди,
Бўйин боғидан хайит тунининг ҳилоли кўринибди».

Мавлоно Абдусамад (XVI аср). Бадахшонлик. Шеърият унинг севган машғулоти бўлиб, қуида унинг шеъриятидан икки мисранинг мазмуни:

«Дилбарлик тахтида маъшуқа юз хил ноз ила,
Ошиқ бечора ғам қуида сарғаяр ниёз ила».

Мавлоно Равнақий (XVI аср). Бадахшонлик. Маъноли шеърият соҳиби бўлган. 2 мисра шеърининг мазмуни:

«Бадахшонданману юз хил бало бошимга етмиш,
Ки ул лаъл ҳам қон оқувчи кўзимдан тушмиш».

Тоҳир қози (XVI аср). Мовароуннахрлик. Манбаларда у шеъриядта ёш бўлса ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бораётган шоирлардан деб таърифланган. Икки мисра шеъридан намуна (мазмуни):

«Ағёр қатлима қасд этди, лек у бевафо истамади,
Халқ шуни ижро этмоқ истади, аммо худо истамади».

Мавлоно Пирмуҳаммад (XVI аср). Мовароуннахрлик. Асосий қасби толибларни ўқитиш бўлиб, шеъриятга ҳам ихлоси юқори эди. Машҳур шоир Мирзо Ниёзга бағишлиланган матлаъсининг мазмуни:

«Ким мажозий ишқ сабабли дилини елга берган эса,
У жонини кафтига қўйиб Мирзога ниёз учун берди».

Мавлоно Шукрий (XVI аср). Мовароуннахрлик. У шеъриятга янги кириб келган, лекин ёқимли шеърлар ёзаётган ёшлардан, деб таърифлайди Ҳасанхожа Нисорий. Унинг матлаъси мазмуни:

«Кўчангдан йироқ тушиш токайгача,
Бўлғусими насиб, бир кун сен томон йўл топмоқ».

Мавлоно Нодирий (XVI аср). Моварауннахрлик. Ушбу шоирни ҳам ёшлар орасидаги қобилиятли шоирлардан деб таърифлаган, Ҳасанхожа Нисорий. Ушбу матлаъ унинг қаламига мансуб. Мазмуни:

«Девонага ўхшаб унинг кўчасидан ўта кўрма,
Ёр агар бевафо бўлса, унинг юзига назар сола кўрма».

Аваз Ғози сulton (XVI аср). Хоразм сultonларидан бўлиб, нозик дид соҳиби бўлган ва кўпинча олиму фузалолар сухбатини хуш кўрган. Шеъриятни ёқтириши билан айни вақтда ўзи ҳам шеърлар битган. Ушбу матлаъ унивидир:

«То телбалигим арсаи оламни тутубдур,
Мажнунни, мени кўргали, даврон унугубдур».

Абулғозий Убайдулла Баҳодирхон (XVII аср). Мухаммад Шайбонийхонлар сулоласидан. 1643 йилда Хива тахтига ўтирган. Давлатга

раҳбарлик қилиш билан айни вақтда илм, ижод билан ҳам шуғулланган. Ҳадис илмида мұхаддислар устози бўлмиш хожа Мавлоно Исфаҳонийнинг, ислом ҳуқуқи илмида эса мавлоно Маҳмуд Азизоннинг шогирди бўлган. Қироатда эса мавлоно Ёрмуҳаммад қорийга шогирд тушган. Форсий ва туркийда шеърлар ижод қилган.

Бир-бир айтинг дўстлар дардимни дилдор олдида,
Айтиб-айтиб йиғлангиз зинҳор-зинҳор олдида.
Эй, Убайдий, билган эрмиш дор или ҳолингни ёр
Хожат эрмас қилғасен дардингни изҳор олдида.

Абулмузаффар Абдулатиф Баҳодирхон (XVII аср). Шайбоний хонларидан бўлиб, адолат соҳиби, илм-фан ва ижод ҳомийси эди. Тарих ва илми нужумдан яхши хабардор бўлган. Шоирлар, фозиллар билан кўп сухбат тузган. Шеъриятидан намуна:

Мовий ёрлигини солибтур дилбарим қош устина
Ноз бирлан ҳарна қилса ул пари бош устина

Сайқалий (XVII аср). Номи Мұхаммад бўлган бу ижодкор Хисор ўзбекларидан бўлиб, яшаб ўтган даври ҳакида аниқ маълумотлар йўқ. Ҳар ҳолда XVII аср охири XVIII аср бошларида ўтган деган тахмин бор. «Равзат ул-шухадо» номли шеърий китоби ва «Баҳром ва Гуландом» номли достони бизгача етиб келган. Намуна:

Сайри гулшан этгали, эй гул хиром этсанг нетар,
Сунбулу садбаргу нарғисни ғулом этсанг?

Жумлани шод айладинг, эй нозанинлар сарвари
Сайқалий бечоранинг ҳам шодком этсанг нетар

Оллоёр (XVII- XVIII аср). Номи ҳам, таҳаллуси ҳам Оллоёр бўлиб, Каттақўргон ўзбекларидандир. Абулфайзхон даврида ижод қилган, унинг амирларидан бўлган. Сўнг бу лавозимдан кетиб, тасаввуфга берилиган. Вафоти 1723-1724 йиллар. Бизгача унинг «Саодат ул-ожизин» номли аҳлоққа оид китоби етиб келган ва ўзбек тилида нашр қилинган. «Мурод ул-орифийн» номли девони бор.

Тилди кўксим, эзди бағрим доғи хижроним менинг
Бу оламда бунча ғамда чиқмаған жоним менинг

Айтур Оллоёр йиғлаб зор ҳар лайлу наҳор
Тийри ишқи ёр тўқса кошки қоним менинг.

Машраби Соний (XVII-XVIII аср). Қарши шаҳрида туғилган. Асл исми Рўзибой. Ғазалларига «Машраб», гоҳо «Мабдаи Нур» таҳаллусини қўйган. Аҳлоқ-одобга доир «Мабдаи нур» китоби бизгача етиб келган. XVIII аср охирларида яшаб ижод этган деб тахмин қилинади.

Гавҳари кимё талаб бўлсанг мени олдимга кел
Мавжи бир дарё талаб бўлсанг мени олдимга кел

Зоҳири исмим Рўзибой, Мавлавий ўғлим деган
Машраби Соний талаб бўлсанг менинг олдимга кел.

Утожий (XVIII аср бошлари). Бу шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумот бизгача етиб келмаган. Муқимийдан аввалроқ, XVIII аср бошларида яшаган деб тахмин қилинади. Бизгача етиб келган қуидаги шеъридан намуна:

Юрагимни тифи хажринг тилиб этди пора-пора,
Кима айтайнин бу дардим на даво қилай на чора.
Бу факир, ҳақир Утожий қул эрур надур иложи,
Санга кўпdir эҳтиёжи, карам эт бу шармсора.

Хувайдо (XVIII аср). Марғилоннинг Чимён ҳудудидан. 1780 йилда Ўшда вафот этган. Исми Хўжамназар. Ҳувайдонинг девони ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларга етиб борган. Ғазаллари қуйга солиниб, айтиб келинади.

Қаю ишга қадам қўйсам, манга андин зиён бўлди,
Мани бетолеъим дўстлар, мунча кўп имтиҳон бўлди.

Ҳувайдо айлади золим фалакнинг зулмидан минг дод,
Менга қолганда ул золими чарх каж равон бўлди.

Носех (XVIII аср). Фарғона вилоятининг Чимён ҳудуди шоирларида. Ҳувайдо билан замондош бўлиб, XVIII аср охирларигача яшаган. Ҳувайдо вафотига марсия ёзган.

Фифонким, етмадинг қадрига чандон,
Чиқиб Чимёнимиздан кетди ҳодий.

Демас ўз таъбидин Носех бу сўзни,
Тилиғо қилмағунча фозли ходи.

Залилий. Чоржўй шахри атрофи туркманларида. Манбаларга қўра XVIII аср охири XIX аср яримларигача яшаб ижод этган. Махтумқулининг жияни деган тахмин бор. 1844 йилда вафот этган.

Агарчи булбулам ҳар тарафда боғим бор,
Ғамингда нола сифат юракда доғим бор.

Залилий ҳеч хазина назарга келмайдур,
Жавоҳири йўқотибмен ки, они сўрғум бор.

Шамс I. Ўзганд шахридан бўлиб, номи Шамсиддиндир. Қайси вақтда яшаб ўтганлиги ҳақида маълумот йўқ. XIX асрда яшаган деб тахмин қилинади. Чунки, Қайюмий домулла ўз тазкирасида шоир ҳақидаги маълумотни ўша давр шоирлари қаторида берганлар.

Оло эй Шамс Ўзгандан қамуғ ёронларинг ёнда,
Гуноҳидин бағишланди, мани осий на қилғаймен.

Шамс II – Бухоролик бўлиб, унинг ҳам исми Шамсиддиндир. XIX асрда яшаб ўтган деган тахмин бор.

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Куюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.

Кел, эй Шамси Бухорий, қилмағил дунёда ҳасрат кўп,
Неча бўлса суъбат кўп майл ваҳдат қилур осон.

Мансур (XVIII аср). Пскент худудидан бўлиб, исми Мансурхўжа.

Шайхлардан бўлган. «Тухфат ул-аҳбоб» номли тазкирада Шайх Мансур Пискандий номи қўрсатилган бўлиб, шеърлари хонақоҳларда ўқиб юрилган деб қўрсатилган. У 1775 йилда вафот этган.

Маҳвий (XIX аср). Кўқонлик уламолардан бўлиб, кўп вақт қозилик лавозимида ҳам ишлаган. Умархон даврида яшаб ижод этган.

Қариган чоғда азм этдим етай деб Каъбатуллоҳга,
Етолмай йифладим ҳардам Мадина жойи аълога.

Бу ноқислик билан Маҳвий етармукин ўшал жойга,
Мумсар этгин илоҳо, мени ул жойи аълоға.

Ғозий (XVIII-XIX аср). Кўқон атрофидаги Яйпан қишлоғидан бўлиб, маълум бир муддат қозилик қилган, деган маълумот ҳам бор. Яхши шоир, олим ва донолардан бўлиб, исми Муҳаммадир. Ғозийнинг Навоийга ўхшатиб ёзган шеъридан намуна:

Эй қуёш, субҳи узоринг бирла мағрур ўлмағил,
Бир нафасда шом ўлур, албатта, масрур ўлмағил.
Ғозиё нўш айла меҳнат жомидин заҳроби ғам,
Бенавои шарбати чинийю фагфур ўлмағил.

Мунис (1778-1829). Хоразмлик шоир, исми Шермуҳаммад. Етук шоир, тарихчи олим Мунис Хива хони Элтузархон саройида бош котиблик вазифасида ишлаган. Хон топшириғи билан Хоразм тарихини ёзиб, уни «Фирдавс ул-иқбол» деб номлаган. Кейин хон Муҳаммад Рахимхон топшириғи билан тарихчи Мирхондинг «Равзат ус-сафо» асарини тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, I жилдини тугатган. II жилдини тугата олмай вафот этган. Шеърлари девон қилиб босилган.

Низомий Ҳўқандий (XVIII-XIX аср). Кўқон шаҳридан бўлиб, ўз даврининг илмли, обрўли кишиларидан бўлган. У етук шоир бўлиб, ахлоқ-одобга оид «Мажмуат ул-мақсад» асари ҳамда тўлиқ бир шеърият девони мерос тариқасида қолган. Шеъридан намуна:

«Турсам бу саҳар оламо хуш ис сочилибдур,
Билдимки, чаманда гули раъно очилибдур.
Бундай кечада минг йўли бўлса яна қонмас,
Дилхаста Низомийга ажойиб туюлибдур».

Қиёсий (XVIII-XIX аср). Фарғоналик шоирлардан. Қиёсийнинг ҳаёт йўли хақида кам маълумотга эгамиз. Ғазалидан икки мисра:

«Эй суман юз, қомати тўби масал ёр айланай,
Кўзларинг хумморидан мен ҳаста бемор айланай».

Маъдан (XVIII аср охири - XIX аср бошлари). Фарғоналик шоир, исми Одина Муҳаммаддур. Касби боғбонлик бўлган. Ўз ғазалларини ўзи куйлаб хониш қилиб юрган. Шеъридан намуна:

«Гул юзинг кўрсатма, то кўнгил таманноланмасун,

Ҳар нечук кўз партави хуснингга шайдоланмасун».

Равнақ – XVIII асрда Қўқонда ва Хўжандда яшаб, туркий ҳамда форсий тилларда шеърлар ижод этган. Маълум муддат Хўжандда қозилик мансабида ҳам ишлаган. Икки мисра шеъридан намуна:

«Эй подшоҳи ҳусн, санга жону дил фидо
Инъоми беназир берибдур худо санга».

Фазлий (XIX аср). Наманганилик йирик ижодкор. Ўз даврида яшаб ижод этган 100 га яқин шоир ва шоираларнинг қисқача баёни берилган «Мажмуат уш-шуаро» асарини яратган ва унда ўзбек ҳамда тожик тилида битилган шеърлари ҳам берилган. Фазлийнинг исми Мулла Абдукарим.

Гулханий (XIX асрнинг I ярми). Исми Муҳаммад Шариф. У яратган «Зарбулмасал» китоби ўлмас бир асар бўлиб қолган. Асарда ўз даврининг иллатларини қушлар тилидан маҳорат билан баён этган. Шеъридан икки мисра:

«Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз».

Калтатойи (XIX асрнинг I ярми). Андижоннинг ҳозирги Избоскан туманидаги Калтатой қишлоғидан. Исми Зокирхўжа. Илмли шоир бўлган. Ўз ижоди билан хоннинг ҳам эътиборига тушган. Шеъридан намуна:

«Манам бир гўшаи ишқингда ётган рўдапоингман
Эшикдан урсангу қувсангда кетмас бир гадоингман».

Махзуна – XIX асрнинг I ярмида Қўқон адабий муҳитида етишган йирик шоиралардан. Шоира ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар ниҳоятда кам. Икки мисра шеъридан намуна:

«Дўстлар бир ҳусни бе ҳам тойа ошиқ бўлмишам,
Хур пайкар бир малак сиймойа ошиқ бўлмишам».

Хон (XIX аср I ярми). Қўқон хони ва шоир Умархоннинг катта ўғли. Онаси Комила хоним Нодирадир. Асл исми Муҳаммад Али бўлиб, 1822-1842 йилларда хонлик қилган. Шеъриятидан икки мисра намуна:

«Юзу қаддингга эрмас бу чаманинг сарв раъноси,
Сув ҳайвон чашмасига бўлса бил Исонинг анфоси».

Диловар (XIX аср). Қўқонлик йирик шоирлардан. Шеъридан икки мисра:
«Кел, эй жаллод, тановул этакўр қонимдин
Ишқ тўйдирмиш эди ширин, азиз жонимдин».

Жалолий (XIX аср). Қўқонлик шоир. Бухорода илм олган. Исми Жалолиддин хўжа. Бухордан қайтгач, маълум муддат имомлик мансабида ҳам бўлган. Шеъриятидан икки мисраси:

«Кўрдим бу даҳр ичра улус подшолиғин,
Олдим ўзимга аҳли муҳаббат гадолиғин».

Азимий (XIX аср). Қўқонлик шоир, исми Азимхўжадир. Азимий Бухорда таҳсил олиб қайтгач, 40 йил имомлик қилган. Шеъридан намуна:

«Кун ўлса элдин ўзимни канора айларман,

Тун ўлса замзамини ошиқона айларман».

Мажзуб (XIX аср). Наманганда яшаган. Туғилган жойи эса Қўқоннинг Сармозор даҳасидан. Бухорда илм олган. Исми Абдулазиз. Шеърий девони мавжуд бўлиб, унда 181 бетдан иборат алоҳида соқийномаси ҳам бор. Шеъридан намуна:

«Қилсам баён ҳолим кирмас қулоғи ёра,
Ўлдурди, ҳам куйдирди жононанинг бу доғи.
Дунёйи дунға берма ҳаргиз кўнгулни Мажзуб,
Ишқ аҳлиға керакмас дунёни айши чоғи».

Биймий (XIX аср). Қўқонлик. Асл исми Мулла Абдураззоқ. Ўз даврининг кўзга кўринган шоирларидан. Фақирликда кун кечирган. Шеъридан тўрт қатор намуна:

«Овораи ҳижронлар сахрои маломатда,
Муштоқи висоли ул жонона экан мандек.
Узрони ғами бирлан Вомиқни дилу кўнгли,
Ишқ оғатила Биймий девона экан мандек».

Акмал II (XIX аср). Ҳозирги Тошкент вилоятининг Пскент тумани ҳудудидан. Диний илмни ҳам яхши эгаллаб, имомлик вазифасида ҳам ишлаган. Шеъриятда салоҳияти кучли бўлиб, туркий, форсий ва араб тилларида шеърлар ёзган. Шеъридан намуна:

«Оч такаллум бирла лаб тўти таманноланмасун,
Зулфи тарқаттию мушк бозор ичра савдоланмасун.
Ноз тигин чекма ҳардам халқ қонин тўқмакка,
Кўрқарам Акмал мабодо хажр барноланмасун».

Мушриф (XIX аср). Қўқон шаҳридан. Асл исми Мирзо Қаландардир. Исфара касабасида қозилик қилган. Шеъриятда кучли маҳорат соҳиби бўлган. Шоир Абдукарим Фазлий билан бирга «Мажмуот уш-шуаро» номли тазкира чиқарганлар. Шеъриятидан намуна:

«Манга, эй боди сабо зулфи сулmansодин гапур,
Жон лабимга етди ул лаъли шакарходин гапур.
Бир кун ул маҳвашни кўрсанг бўлма хомуш, эй кўнгул,
Мушрифи девонаи мажнуну шайдодин гапур».

Музниб (XIX асрнинг I ярми). Қўқонда яшаб, ижод қилган шоирлардан. Шоир Фазлий ўзининг «Мажмуот уш-шуаро» асарида шоир Музнибни тилга олиб, уни ижобий таърифлаган. Шеъридан икки мисра намуна:

«Бўлди жабрим кисвати ишқинг олинда ёралар
Ханжари абрў билан бағримни қилди поралар».

Муштоқ - XIX асрнинг I ярмида Шаҳрисабзда туғилган ва Қўқонда яшаб, ижод қилган шоир. У илмли бўлиб, Тўракўрғонда қозилик қилган. Шеъридан намуна:

«Кўйдию қул бўлди ғурбат гулханида қосидо
Чин сўзим ҳоқонаким, Муштоқи расводин гапур».

Адо (XVIII аср охири-XIX аср I ярми). Самарқандлик шоир, Хожа Ахрор авлодидан. Кўқон шахрида ҳам яшаган. Амир томонидан унга «Малик уш шуаро» унвони берилган. Самарқандга Шайхулислом этиб ҳам тайинланган. Асл исми Султонхожаи Ахрорий бўлган. Шеъридан икки мисра:

«Коматингдек йўқтуур ашжор гулистондин бири,
Мандек эрмас булбули қумрию нолондан бири».

Махзун (XIX аср I ярми). Кўқонда яшаб, ижод этган. Уйчида туғилган ва шу ерда қозилик ҳам қилган. Илмли шоир бўлган. Икки мисра шеъри:

«Қиё боқфайму деб Махзун кўп интизор ўлди
Биҳамдиллоҳки мужгон новакидан баҳраманд этди».

Мунший (XIX аср I ярми). Шоирнинг номи Мулла Қодир қули бўлиб, Кўқон шахрида туғилган. Хон идораси котибиятида ишлаган. Шеъридан намуна:

«Шиква қилсам айб эмас бу чархи кажрафтордин,
Тийра бўлмиш табъи покам ушбу бадкирдордин».

Файзий (XIX аср I ярми). Марғилон шахрида туғилиб, Кўқонда яшаб, ижод қилган шоирлардан. Исми Мулла Мирза Ниёздир. Шеъридан икки мисра:

«Неча кун сарв қаддинг гардунга бош чекди,
Кўнгил оҳини Файзий сийна чокидин баланд этди».

Хотиф (XVIII аср II ярми-XIX аср I ярми). Кўқон атрофи қишлоқларидан бўлиб, Кўқон шахрида таҳсил олган. Ўзбек қишлоқларидан бирида имом бўлган. Исми Абдунаби бўлиб, яхши фазилатлари кўп бўлган. Нихоят сарой шоирлари қаторидан ҳам жой олган. Шеъридан намуна:

«Эй сочинг саргаштаси Чин мулкида мушки Хито,
Наргизингдантур Хўтган даштида оҳу бенаво».

Комил I (XIX аср I ярми). Бухорода туғилган ва шу ерда таҳсил олган. Кўқон шахрида яшаган. Қоғоз ишлаб чиқариш билан шуғулланган ва шеъриятда ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Исми уста Муҳаммад Комил. Шеъридан икки мисра намуна:

«Тўккали қонимни ул қотил ижоб устиндадур,
Неча мендек бенаволар изтироб устиндадур».

Вафоий (XIX аср). Фарғона ҳудудида туғилган. Мирлар наслидан. Исми, вафоти ҳақида маълумот йўқ. Икки мисра шеъридан намуна.

«Солди бошима савдо кокили паришонлар,
Жаъди нафъай зулфи анбар афшонлар».

Фоний (XIX аср II ярми). Асли балхлик бўлиб, Бухорода таҳсил олган, сўнг Фарғонага келган. Кўқонда табобат ишлари билан шуғулланган. Олиму доно киши бўлган. Шеъридан намуна:

«Алифму қадму ё гулшандаги сарви равондур бу
Ва ё кўнглумда маъво айлаган жисм ила жондур бу».

Рамзий (XIX аср бошлари). Фаргоналик бўлиб, Кўқонда яшаб, ижод этган шоирлардан. Исми Муллажон Хўжа. Рамзий шеъридан намуна:

«Субҳ чоғи гул юзида бода осорин кўринг,
Бўйла обу ранг бирла хусни гулзорин кўринг».

Касрат (XIX аср бошлари). Кўқонлик етук шоир. Умархон билан яхши муносабатда бўлган. Саройда шахсий хос котиби вазифасида ишлаган. Хушсуҳбат, латифагўй, шеъриятда ҳозиржавоб киши бўлган. Шеъридан икки мисра:

«Кўйдим ишқинг тобидин, эй сарви нозу хуш адо,
Оташи хижронида куйганни кўйдирма яно».

Амирий (XIX аср). Асл исми Умархондир. 1810 йилда акаси Олимхон вафотидан сўнг Кўқон хонлиги таҳтига ўтиради. Хонлик мансабидан ташқари шеъриятга ихлоси баланд бўлган. Саройда илм-фан, адабиёт ахлига ҳомийлик қилган. Унинг девони бизгача етиб келган.

Тўрт қатор шеъридан намуна:

«Қизартиб чехра майдин ошиқи зорингни кўйдирма,
Юзингга бодадин ўт солма гулзорингни кўйдирма.
Амир ошиқлара яъсу муҳаббат ҳам вафодиндур
Боқиб ҳар дилрабоға рашқдин орингни кўйдирма».

Мужрим (XVIII аср охири-XIX аср). Бухоролик. Исми Мулла Обид. Нихоятда фақирликда кун кечирган. У ўз даврининг атоқли шоирларидан эди. Шеъридан тўрт мисра:

«Замона ҳар кима бир тарзи рўзгор қилур,
Бирорни восили давлат, бирорни хор қилур,
Чу ошно ҳаммага бегараз эрур Мужрим,
Анинг учун ҳамоно ҳолис эътибор қилур».

Киромий (XIX аср). Хоразмлик бўлиб, машхур шоир Мунис Хоразмийнинг устози. Навоий, Фузулий, Лутфийлар услубига эргашувчи шоир бўлган. Шеъридан икки мисра намуна:

«Киромий бандасига раҳмати довар қариб ўлғай,
Шифоат ҳоҳ маҳшар арсасида ул хабиб ўлғай».

Нишотий (XVIII аср). Хоразм шоирларидан. Қози Муҳаммадниёз Нишотий ўз даврининг кучли, қобилиятли ижодкорларидан бўлган. Бизгача «Хусну дил» достони, ғазаллари, муҳаммас ва мусаддаслари етиб келган. Шеъриятда Навоий, Лутфий, Атоий анъаналарига эргашиб ижод қилган. Фазалидан намуна:

«Нозаниним, қадду рухсорингга қурбон ўлайин,
Сўзлагил ноз ила, гуфторингга қурбон ўлайин.
Эй Нишотий, аёғи туфроғидин уйрулоубон,
Мен дахи сен каби дилдорингга қурбон ўлайин».

Хижрат (XIX аср I ярми). Тошкент шаҳрида туғилган ва Кўқон шаҳрида яшаб, ижод қилган шоирлардан. Тўрт қатор шеъридан намуна:

«Хасратингда эй қотил, тўқди кўзларим қонлар
Ўқларинмидур билмам теграсинда мужгонлар
Нисбат этма эй Ҳижрат шоҳ сўзига шеърингни
Нуқтасини қадрига етмади суҳандонлар».

Шавкий I (XVIII-XIX асрлар). Каттақўрғон шаҳрида яшаб, ижод этган. Исми Мухаммад Шариф. Бухорода таҳсил олган. Фақирона ҳаёт кечирган, илмли, зиёли адабиётчи шоир бўлган. Туркий, арабий ва форсийда шеърлар ёзган. Тўрт қатор шеъридан намуна:

«Чиқди боғдин бир гул мен сари шитоб айлаб,
Бурқаъин илиб юздин бағрими кабоб айлаб.
Тарки хонумон этдим, гўшада макон этдим,
Васфини баён этдим, Шавқида китоб айлаб».

Нисбатий (XIX аср). Марғилонлик шоир. Муқимий ва Фурқат билан замондош бўлган. Кўплаб баёзларга шеърлари киритилган. Икки мисра шеъридан намуна:

«Ишқ назмида бўлур тавсифи жонон ўзгача
Шеър хўб рангин ғазал ҳам шўх девон ўзгача».

Маъюс (XIX аср бошлари). Асли Хўжандлик бўлиб, Қўқонда хон саройида ижод қилган. Исми домулло Тўрахондир. Шеъриятидан тўрт мисра:

«Сўрмади ҳолимни ёраб ошноларимдан бири,
Бир назар ҳам солмади ул бевафолардан бири.
Қилмағил Маъюслиқ бирла фифону нолаким,
Кўнглига таъсир қилмас бу наволардан бири».

Макнун (XIX аср I ярми). Қўқонда яшаб, ижод қилган шоир. Умархон саройидаги эътиборли аъёнлардан бўлган. Исми Эрназардир. Кўп вақтлар қозилик ҳам қилган. Шеъриятидан намуна:

«Ғамза ёйини қурди, турманг, эй мусулмонлар,
Берди ғората динин сиздек аҳли имонлар.
Офтоби ҳовардек шеър то аён бўлди,
Сўз элига эй Макнун бўлди мушкил осонлар».

Манзур (XIX аср). Андижонда туғилиб, Қўқонда ижод қилган шоир. Исми ҳам Манзур бўлиб, сарой ходимларидан эди. Шеъриятга ихлоси юқори бўлган. Шеъриятидан тўрт қатор:

«Ўртаган мани ҳардам орази дураҳшонлар,
Бахтимни қаро қилған кокили паришонлар.
Яхшилар жамолига кўзгудек назар солдим,
Манга бўлмади Манзур сендин ўзга жононлар».

Афсус (XIX аср). Шоир Жиззах шаҳрида туғилган ва Қўқонда яшаб ижод қилган. Номи Тўрахон Маҳдум. Хоннинг аъёнларидан бўлган. Афсус тахаллуси билан шеърлар ижод қилган. Намуна:

«Тоза қилдим аҳд ул ёр бирла паймон устина,
Ноз ила айдики, ёлғон дема ёлғон устина.

Ўз диёридин адашган бир ғарип Афсусдур,
Чуғз бевайрона янглиғ Тўра Кўрғон устина».

Дабир (XIX аср). Асли Ўра тепа атрофи ўзбекларидан бўлиб, исми Мирзо Шарифжон. Амирнинг хос котиби вазифасида ҳам ишлаган. Саройда яшаган. Ҳусниҳат эгаси бўлган. Шеъридан тўрт қатор намуна:

«Мавсуми баҳор ўлди тоза ру гулистонлар
Сабза хурраму хандон сахни боғу бўстонлар
Айладим Дабир иншо бир ғазал бу маънода
Шоҳ сўзига тобеъдур зумраи сухандонлар».

Дарҳақиқат, Пўлатжон домулло Қайюмийнинг «Тазкираи Қайюмий» асарига синчилаб эътибор берилса, юртимизда хонликлар даври маданияти, хусусан адабиёт, шеърият соҳаси ривожи ўзига хос ижобий йўналишга чиққанлигини гувоҳи бўламиз. Ушбу китобдаги ижодкорларнинг айримларинигина номларини ва ижодларидан қисқача намуна келтирдик, холос. Қолганларини эса қуидаги рўйхатда номларинигина эслаб ўтишга карор қилдик. Булар:

Шавкий II, Фаёз, Фаноий, Гулшаний, Риндий, Хислат I, Ошиқ I, Беҳжат, Нусрат, Мир Умид, Ҳозик, Маҳмур I, Чўбин, Муҳиб, Улфат, Ирфон, Ахрор, Қорий, Зорий, Ёрий, Рожий II, Мирий, Мунтазир, Тоиб II, Камина, Ноқис, Алмайй, Нодим, Тажаллий, Садоий, Маҳдий, Девона I, Девона II, Ҳазин, Зокир, Ҳижлат II, Насимий I, Ғурбатий, Роғиб, Толий, Пир, Юсуф II, Хисрав II, Маҳзун III, Висолий, Солех, Мирзо II, Дилафкор, Муҳсиний, Ҳилватий, Аваз, Камий, Ҳомуш, Шаҳзода, Зарра, Узнаб, Шавкат, Ҳайратий, Дилкаш, Фалоний, Нозил, Риёзий, Рожий, Обид, Қорий II, Омоний, Бегий, Мавлавий Охунд, Ибрат, Васфий, Ҳавоий, Роиқ, Иффат, Сабрий, Ҳоиб, Ҳожи, Мақсад, Фикрий, Шоиқ, Ҳилмий, Носир, Важҳий, Нажмий, Қурбий, Сафий, Ҳожи II, Фанойи, Асирий, Нодир III, Сидкий, Васлий, Маҳжур II, Зореъ, Салоҳий II, Хислат II, Аҳқар, Толиб, Рамзий, Мурасааъ, Хотий, Қайюм, Салимий, Боқий, Ожиз, Ҳавоий II, Роиқ II, Ибрат II, Файзий II, Акмал I, Нодир, Ноли I, Шарифий, Маҳфий, Нозик, Ниёзий I, Вазир, Излат, Зоҳид, Ҳожа II, Файёз, Ошиқ II, Восиф, Насриддин I, Мискин, Найирий, Рашидий, Зариф, Рожий VII, Сўфизода, Даврон, Завқий, Сирожий, Соҳиб, Ғурбат, Мажруҳ, Маҳмур II, Бердиёр, Рамзий II, Фитрат, Юсуф, Ғизолий, Арший, Ғарипий, Азко, Шуҳрат, Девона, Қурбон, Мунис II, Ваҳҳож, Вола II, Партауий I, Олим, Пирим Қори, Таслим, Мирзо I, Писандий, Фақирий, Мұтасим, Ҳодимий, Қуҳий, Валий, Ҳокий, Мұхаййир, Котиб, Маҳзун II, Муҳий, Азизлархон, Ҳазиний, Соқий, Насимий II, Зулулий, Муazzам, Нозима, Ҳоний, Ушшоқ, Асирий, Комий, Котиб II, Замирий, Ҳижрон, Мустағфар, Партауий II, Шайдо, Манзилий, Субхий, Жазбий, Ҳайратий II, Оразий, Ниёз, Фақирий I, Мутриб, Баёний, Чокар, Ҳижрат II, Бобо Рожий, Тавалло, Ҳаёлий, Аҳтарий, Ғофил, Лайли, Лутфий II, Машқий, Мұхлис, Үмарий, Мұслимий, Ниҳоний, Собир, Фақирий III, Равнақий, Сулаймон, Ғарипий II, Равшан, Жоний, Доий, Андалиб, Юсуф Сарёмий ва бошқалар.

Навбатда эса бухоролик таниқли шоир Самандар Воҳидов томонидан форс-тожик тилидан таржима қилиниб, нашр қилинган «Бухорийлар бўстони» китобида келтирилган шоирлар фаолияти ва ижодидан айримлари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз. Бу ижодкорларнинг яшаб, ижод этган вақтлари ҳам хонилклар даври ва ҳудудларига тўғри келади:

Абдураҳмон Мушфиқий (XVI аср II ярми). Бухорода туғилиб, илм эгаллаган. Умрининг охирларида Абдуллахон саройида хизмат қилган. Яхши шоир сифатида эътибор қозонган. 1557 йилда илк «Девони мутойибот» шеърий тўпламини эълон қилган. 1571 йилда «Гулзори эрам» достонини ёзган. Шунингдек, унинг ижодига мансуб «Девони ғазалиёт», «Девони қасоид» тўпламлари, «Соқийнома», «Жаҳоннома» асарлари бизгача етиб келган.

Наҳлий Бухорий XVII аср II ярмида машҳур бўлган лирик шоир. Тўлиқ исми маълум эмас. Имомқулихон саройида хизматда бўлган. Унинг ижодига мансуб шеърлар тўплами 5613 байтдан иборат бўлиб, уларни қасидалар, ғазаллар, қитъалар, маснавийлар ташкил этади.

Муҳаммад Исоқ Шавкат Бухорий. Бухорода туғилган. XVII аср тожик адабиётининг намояндаларидан бири. Асосий қасби саррофлик бўлиб, шеърият билан ҳам шуғулланган. Ўз шеърларини девон қилиб тўплаган ва у бугунги кунгача етиб келган.

Саққо Бухорий. Бухорода туғилган. Баҳром Дарвеш Саққо XVI асрнинг таниқли шоирларидан. Бутун умри фақирлик ва дарвешликда ўтиб, саққолик (мешкоблик) қасби билан шуғулланган. Шеърлари билан эътибор қозонган. Ундан иккита тўлиқ бўлмаган девон мерос қолган.

Имло Бухорий. Тўлиқ исми Охунд Мулло Муҳаммад Имло Бухорий. XVIII аср I яримларида ижод қилиб ўтган ўз даврининг таниқли шоирларидан бири. Ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. Имло Бухорийдан ғазал ва рубоийлардан иборат ягона девон мерос бўлиб қолган.

Мулҳам Бухорий. Мулло Абдулло Мулҳам Бухорий XVII аср охири ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган шоирлардан. Асосий қасби косибчилик ва чодир тикиш бўлиб, шеъриятда ҳам самарали ижод қилган. Бизгача унинг адабий меросидан шеърлар «Девон»и ва «Лайли ва Мажнун» асари етиб келган.

Киром Бухорий. Абдулатиф Киром Бухорий XVIII аср Бухоро шоирларининг пешқадамларидан бўлган. Шеъриятда устоз даражасига етган. Шоир умрининг кейинги йиллари ҳақида маълумотлар жуда кам. Ундан бизненинг кунгача мукаммал ғазал девони етиб келган.

Ворас – Аштархонийлар хукмронлиги даври, яъни, тахминан XVII аср II ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ўтган. Исми Муҳаммад бўлиб, Ворас таҳаллуси билан 5 минг байтдан зиёдроқ турли жанрлардаги шеърлари бугунгача етиб келган. Унинг «Шоҳномаи Мансур» асари ҳам машҳур бўлган. Ижодидан намуна:

«Нигоҳи нарғизинг, эй сарв, қилар бехуш,

Қаро сурманг этиб банди, қилар хомуш.
Неча минг сарв бўлур девона ҳуснингдан,
Бўйинг қўмсаб, кезиб юргум очиб оғуш».

Мирзо Содик Мунший XVIII аср II ярми-XIX аср бошларида яшаб, ижод этган. Тахаллуси Содик. Шоир манғит амирларидан Дониёл, Шоҳмурод, Хайдар саройларида хизматда бўлган. Содикдан кўплаб қасида, ғазал, муҳаммас, рубоий, фардлар бизгача этиб келган. Газалидан икки мисра намуна:
«Чехраси гул, шамъи ҳар маҳфилигингни истамам,
Ҳар тараф гул шохидай мойиллигингни истамам».

Мирзо Ато. У тахминан XVIII аср охири-XIX аср бошларида яшаб ижод этган. Шоирнинг тўлиқ исми ва ҳаётига оид аниқ саналар маълум эмас. 500 га яқин ғазални ўз ичига олган девон ёзган. Икки мисра ғазалидан намуна:
«Агар ул шўх олар эрса қўлига дили шайдони,
Қилар банда бари гул юзли зебои Бухорони».

Сўфий – XIX аср шоирларидан бўлиб, исми Сўфиҳўжа, Самарқанд ва Бухорода қози калон мансабида ишлаган. Кейинчалик Бухородаги Кўкалдош ва Гавкушон мадрасаларида дарс берган. Шоирнинг девони ғазал, муҳаммас, мустаҳзод ва рубоийлардан ташкил топган. Икки мисра ғазалидан намуна:
«Эй ёри хуш хиром, банди жафо қилдинг мани,
Кулфатингда рангу рўйимни хино қилдинг мани».

Фитрат Вардонзехий – XIX аср II ярмида ижод қилган таникли шоир Мулло Курбон Фитрат Вардонзехий умрининг охирларида хонлик туманларидан бирида қозилик мансабида ишлаган. Унинг девони ғазал, муҳаммас, рубоийлардан тузилган. Шеъридан икки мисра намуна:
«Дил кетар ёдинг билан, ўзидан барҳам егай,
Жон ютар дардингда ғусса ва ҳажрда ғам егай».

Самандар Воҳидовнинг ушбу таржима китобида, шунингдек, XIX асрда ва XX аср бошларида, яъни юртимизда хонликлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларда яшаб, самарали ижод қилган Возех (Қори Раҳматилло), Савдо (Мирзо Абдуқодирхўжа), Аҳмад Дониш, Шоҳин (Шамсиддин Муҳаммад), Мулло Абдумажид Музтариб, Абдуллобоқийхўжа Нозим Бебок, Муҳаммад Сиддиқ Ҳайратий, Мирзо Сомий Бўстоний, Мирзо Ҳайит Саҳбо, Абдураҳмон Тамкин ва машҳур Садриддин Айнийлар ижодларидан ҳам намуналар келтирилган. Бу ижодкорлар ўзларининг яратган адабий асарлари ва шеъру ғазаллари билан маданиятимиз тарихи хазинасига салмоқли улуш қўшганлар. Булар ҳам юртимизда XVI-XX аср бошлари хонликлар даври маданий ҳаётида ўзига хос юксалиш бўлганлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Диний илм намояндадали ижоди

Шайх Худойодод - Ўрта Осиёлик машҳур тасаввуф олимларидан бири (вафоти 1532 йил). Ўта саҳоватли бўлиб, доимо камбағалларга назр-ниёз

улашиб турган. Шеърият билан ҳам шуғулланган. Форсийда ёзилган шеъридан икки мисрасининг таржимаси:

«Тонг маҳал чин дилидан оҳ чеккан банда
Ўша оҳ туфайли ўз худоси томон катта йўл очади».

Қосим Шайх Азизон (вафоти 1578 йил). Мовароуннаҳр ҳалқи ва Шайбоний сultonлари учун катта эътиборга, хурматга эга бўлган тасаввуф олими. Ушбу йўналишда кўплаб шогирдлар етиштирган. Етук шоир ҳам бўлган.

Мавлоно Шамси Халаф Диний ишларни яхши билган олим. Айни вактда дунёвий ишларга ҳам қизиқиши катта бўлган. Шайбоний хонларидан Рустамхон унинг катта муҳлиси ва муриди бўлган. Форсий шеърининг икки мисраси таржимаси:

«Шамси Халаф ҳеч ким билан дўст эмас,
Бу гадога “Оллоҳу дўст” кифоядир».

Абдулазизхон бин Абулғози Убайдулло (XVI аср). Шайбоний Убайдуллахоннинг катта ўғли бўлиб, отаси вафотидан сўнг Бухорода хонлик қилган (1540-1550). Дарвешларнинг муҳлиси бўлиб, уларга эътиқод қўйган. Устоз Шайх Жалолнинг муриди ҳам бўлган. Хадис илми билан ҳам шуғулланган. Шеъриятидан икки мисра:

«Эй раъно қомати хусн гулистонининг сарви,
Юракка оро берувчи юзинг ҳусннинг лолаю бўстони».

Шайх Жалол (вафоти 1549 йил). Ўз даврининг йирик хадисшунос олими, алломаси, ўнлаб шогирдларнинг устози бўлган. Шеъриятда ҳам барчага маъкул бўлган. Форсий шеъридан тўрт қаторининг мазмуни:

«Ишқ жомидан сармаст бўлганлар
Ёр юзин қўрмай туриб қўл-оёқдан қолганлар.
Бошлири билан талаб йўлида қадам қўйдилар,
Аҳли дил йўлида тупроқдек йўлга тўшалдилар».

Шайх Ҳусайн Хоразмий (вафоти 1551 й.). Ўрта Осиёлик йирик тасаввуф олими бўлиб, унинг аждодларининг кўпчилиги шайх даражасига етганлар. Шеъриятидан икки мисра намуна:

«Ширин сўзлик, кўнглингни беҳуда ранжитма,
Ажабмас, шу он кўчангга Кўҳкан келса».

Шайх Ҳожи Муҳаммад Ҳамушоний (XVI аср - Хоразм). Тасаввуф аҳли, хусусан дарвешлар орасида обрўси юқори бўлган. Кўплаб шайхлар ҳам унинг муриди бўлишган. Шеъриятда ҳам самарали ижод қилган. Шеъридан икки мисрасининг мазмуни:

«Ҳожи, дўст харамин тавоф қилган эдинг, шунинг шарафидан
дўст эшигининг гадолари қаторига эришдинг».

Хожа Муҳаммад Али Таҳурӣ (XVI аср - Тошкент). Машҳур Шайх Ҳованд Таҳурнинг авлоди, ҳожа Аҳрор валийнинг қариндоши. Тасаввуф йўналишидаги олимлар қаторидан жой олиши билан бирга, унда илоҳий

фикрларни шеърга солиш билан ҳам ифода этиш қобилияти кучли бўлган. Икки мисра шеърининг мазмuni:

«Малакут дengизлари қаърининг балиқларимиз, занжирларни шақирлатиб, тўрга ташланиб, қирғоққа чиққанмиз».

Мавлоно Фахриддин Али Воиз (XV аср II ва XVI аср I ярми). Машхур Хиротлик ваъзхон, олим, шоир, бир нечта аҳлоқий асарлар муаллифи Мавлоно Хусайн Воизнинг ўғли. Фахриддин Али маълум муддат Ҳазрат хожа Ахрор хизматида ҳам бўлган. У «Рашаҳот» (асал томчиси маъносида) номли асарининг муаллифи. Шеъридан тўрт мисра намуна:

«Ёр юзи нур ойнасидир бу тун,
Эй ой, девор орқасида тур бу тун,
Бир озгина рақиблардан қутулдим бу тун,
Эё тонг, бирпас ўзингни тўхтатиб тур бу тун».

Хожа Айюб (XVI аср). Шаҳрисабзнинг улуғ ва эътиборли кишиларидан. Айни вақтда вақти хушлик ва ҳазил-мутойибага ҳам мойиллиги кучли бўлган. Ғазаллари ҳам кўпчиликка маъқул бўлган. Тўрт мисра шеъридан намуна (мазмuni):

«Тонгда чаман саҳни гулу шақоикла тўлғуси,
Ошиқ булбул ундан мақсадин хосил этғувси.
Мақсад йўлида инон-ихтиёр излаб юргурган эсам,
Бу гал ҳам эл бўлмас рақиблар йўлдошим бўлғуси».

Мавлонзода Абдулғаффор (XVI аср). Тошкент вилоятининг улуғларидан бўлиб, бир неча вақtlар қозилик мансабида ҳам ишлаган. Илмли, ижобий фазилатли киши бўлган, ёқимли шеърлар ижод қилган. Яхши фазилатлар соҳиби бўлишига қарамай кейинчалик рақиблар уни қозилик мансабидан туширганлар.

Тўрт қатор шеърининг мазмuni:

«Бахту давлат ишибилармонликка қараб эмас экан,
У ҳам бир дуч келганига касб қилғувчи тақдир экан.
Кимёгар олтин хосил қиласман деб азоб-ғуссада ўлиб кетади,
Харобада эса абраҳ ганж топади».

Мавлоно Муҳаммад Али (XVI аср). Фарғоналик. Шайх Ҳожагий Косонийнинг хизматида бўлиб, илм-маърифат олган, халқни оллоҳ йўлида даъват қилиб, дарвешлик қилган. Айни вақтда шеъриятга ҳам ихлоси кучли бўлиб, шеърлари халқ орасида машхур бўлган. Икки мисра шеърининг мазмuni:

«Эй, ҳаёт сувидан ҳам тиникроқ ёр,
Нега бизга насиб этмасдан ўтиб кетасан?»

Мавлоно Ҳамидиддин Шоший (XVI аср). Тошкентлик. Камолотли дарвешлардан бўлиб, одамлар унинг ширин, ёқимли сухбатига интилган эканлар. Шеърлари киши ҳиссиётида тугён қўзғатувчи даражада бўлган. Форсий шеъридан намуна (мазмuni):

«Агар най товуши ҳаддан ташқари таъсир этса,

Лекин май аломатларининг ўзгача ҳолати бор.
Бу гулшан ичра қайси гулга назар ташламайин,
Улар бағрида лолага ўхшаб ишқ ғамининг қора доғини кўраман».

Қози Саид (XVI аср). Шахрисабзда бир неча муддат қозилик қилган. Билимли ва яхши фазилатлилиги билан ном чиқарган. Шеъриятда қобилияти кучли бўлган. Замонаси ҳукмдори уни ўз вазифасидан четлаштирган бўлсада у ўз диёрида яшаб қолган, бошқа ёқларга бош олиб кетмаган. Шу ҳолатни назарда тутиб ёзган шеъридан икки мисранинг маъноси:

«Ҳарам атрофига йўл бермаса ҳам ул инсон,
Унинг мамлакат яшовчисиман, шу бас бизга».

Мавлоно Фозил Андижоний (XVI аср). Диний ва дунёвий билимларни яхши эгаллаган мўътабар кишилардан бўлиб, уни ўша давр султонлари ҳам ҳурмат қилган. Шоирликда ҳам етук бўлиб, самарали ижод қилган. Нотиқлик ва сўзамолликда чечан бўлган. Икки мисра форсий шеъридан таржима:

«Дил мақсадларини берувчи Каъбадир, ғофил бўлма ундан,
Дил атрофида айлан, тавоф эт, ундан мақсадинг ҳосил бўлади».

Қози Бурхониддин (XVI аср). Карманада туғилган. Бир неча муддат шу жойда қозилик мансабида турган. Адолат ва инсоф билан иш юритган. Шеърият билан ҳам шуғулланган. Айрим шеърларида киноя тарзлари ҳам учрайди. Икки мисра намуна:

«Муқтадомен деб чиқардинг халқ ичинда яхши от,
Сен дегандек бўлмаса холиқ қошида на уёт».

Дарвеш Ҳошимий Самарқандий (XVI аср). Самарқандлик эътиқоди кучли дарвешлардан. Касби хаммомгарчилик бўлган. Шеърлари, айниқса мухаммаслари кўпчиликка маъқул келган. У Шайх Ҳожай Косонийнинг мухлиси ва муриди эди. Унга атаб ёзган шеъридан икки мисранинг мазмуни:

«Халқ сенинг меҳрин давоси учун тил очдилар,
Мен тили билан дили бир одамнинг қулиман».

Дарвеш Жамол Қаландар (XVI аср). Мовароуннахрлик. Жамол Қаландар бутун умрини ёлғизлик ва танҳоликда ўтказган. Шеърият билан ҳам шуғулланган. Ёлғизликка ишора қилиб ёзган ушбу икки мисранинг мазмуни:

«Қаландар сандалининг тоши ёлғизлик кемасига, саргардонлик денгизида салгина тасалли бўлсин учун бир лангардир».

Мавлоно Фардий (XVI аср). Турбатлик. Диний илмларни ҳам яхши эгаллаган. Ҳазрат Мулла Жомийнинг матлаъсига татабуъсининг мазмуни:

«Пичоқнинг санчиқларидан сийнамда тилимлар бор,
Яра устида доим ўша тилимдан гулзорлар очилмиш».

Камолиддин Зиёйй (XVI аср). Бухоролик ижодкор, шеъриятда ўзига хос маъноли ғазаллар соҳиби бўлган. Кўп вақтини Оллоҳ йўлига баҳшида этиб, дарвешлар жамоаси билан ўтказишга ҳаракат қилган. Икки мисра байтининг мазмуни:

«Яширин ғамимни ошкор этди чақимчи,

Шу сабаб қанийди тилимни кессаму, сиримни бутунлай яширсам».

Мавлоно Құдсий Термизий (XVI аср). Термизлик бўлиб, Оллоҳ йўлига кирган ва ҳаётини ёлғизликда ўтказган. Айни вақтда шеъриятга ихлоси баланд бўлган. Шеъридан икки мисра таржима:

«Ҳақдан сенинг висолингни тилайман.

Узлатга чекинган Мисру, Шому, ироқликлар ҳурмати учун ҳам».

Мавлоно Толибий (XVI аср). Толиблар орасида ном қозонган, сўнгра дарвешликни ихтиёр қилган. Шеъриятдан ҳам хабардор бўлган. Шеъридан намуна:

«Ул парда ортида ёр юзидан пардани очдим,

Парда ичида не бор бўлса томошо қилдим».

Қози Ризоий (XVI аср). Хоразмлик бўлиб, Ҳиротда таҳсил олган. Бир қанча муддат Хоразмда қозилик қилган. унинг ижодидан икки мисра:

«Наврўз куни майни ичиб роса бехудуд маст бўлибман,

Мен майпараст учун кечаю-қундуз баб-баравардир».

Хожа Жамолиддин Ҳошимий (XVI аср). Бухоронинг улуғ ва мўътабар кишиларидан. Бухоро вилоятининг шайхулисломи бўлган. Нотиқлик санъатидан хабардор ва мазмунли шеърлар соҳиби бўлган. Убайдуллахонга вазир ҳам бўлган. У Бухоро адабий муҳитининг ташкилотчиси ҳам эди. Шеърининг сўнгги икки мисраси таржимаси:

«Қабрим тавоғ этма, бехушлик келтирур,

Лавҳ тошим ўқима, фаромушлиқ келтирур».

Хуш Муҳаммад Азизон (XVI аср). Ғиждувонлик бўлиб, диний машойихлардан. Туркийларнинг қўпчилиги унга мурид эди. Шеъриятидан икки мисранинг мазмуни:

«Икки қошинг қачонгача ўзаро жанжаллашиб, талашади,

Холга буюр, ўртага тушиб ҳакамлик қилсин».

Шайх Обид (XVI аср). Бухоролик. Турк машойихи. Халқни художўйликка тарғиб қилган. Шеъриятидан намуна:

«Билмасмисан ахир, бу даҳр аро ажаб мукофот: -

“Кимга нима ичирдинг, энди ўзинг ҳам шундан tot!”».

Ҳофизи Калон (XVI аср I ярми). Самарқандлик мўътабар, зукко ҳофизлардан ва яхши қироатли қорилардан. Юқори даражали илм соҳиби бўлган. Бир қанча муддат имом хатиблиқ ҳам қилган. Шеъриятга ихлоси, шоирлар орасида обрўси баланд бўлган. Шеърининг сўнгги икки мисраси таржимаси:

«Айтгил ўз ёрингга, эй Қорий, нолаю-зор билан,

Кел, келгил, сенсиз битмади ҳеч корим бу оқшом».

Мавлоно Султон Али Убахий (XVI аср). Машҳур диний фозиллардан. Бухоронинг ҳурматли кишиларининг эътиборини қозонган. 109 йил умр кўрган. Шеъриятидан намуна:

«Юзинг ойи устида қошингга ёлғиз ҳилол эмас,
Қошингдаги ҳар бир тук ўзи ҳилолдур».

Шайх Муфаззал Мехна (XVI аср). Қашқадарёда туғилган. Хушчақчақ, чехраси очиқ киши бўлган. Шайхлик даражасига етган. Шеъриятда ҳам яхши ижод қилган. Шеъридан икки мисранинг мазмуни:

«Яна ул лаби майгун ва кўзи мастнинг орзузи,
Кечки қадаҳни берди ва сахар хуморини бузди».

Мирак Ҳусайн Бухорий (XVI аср). Бухоронинг машҳур кишиларидан. Шеъриятда ўз қобилиятини намоён эта олган. Бир қанча муддат Бухорода мутавалли бўлиб ҳам хизмат қилган. Салкам 90 йил умр кўрган. Машҳур шоир Ҳилолий қатлига бағишлиб ёзган шеъридан тўрт мисра:

«Зуҳру таассубдан йироқ мулла Ҳилолийни кўрки,
Исён номаси доимо қўлида эди.
Хирот шаҳрида Сайфулло қўлида ўлдирилди,
Шу сабабли йили тарихи “Сайфулло ўлдириди” бўлди» (1529).

Хожа Мирак Шайх (XVI аср). Бухоролик. Илму-санъатни мукаммал эгаллаган, кўркам ва дилкаш киши бўлган. Тўққиз йил давомида Шайхул-исломлик мансабида турган. Шеърият соҳасига ҳам иштиёқи кучли бўлиб, кўпчиликка маъқул шеърлар битган. Шеъридан икки мисранинг мазмуни:

«Кўзингдай қаро бўлди кунимиз, сен эса бехабарсан,
То ўз кўзинг билан кўрмагунча бунга хеч ишонмайсан».

Фатхулло хожа қози (XVI аср). Фиждувонлик. Ниҳоятда тақводор киши бўлиб, бир неча йиллар қозилик мансабида ишлаган. Камтарлик билан умр кечирган. Кейинчалик қозилиқдан воз кечиб, дарвешлик йўлини тутган. Икки мисра шеъридан намуна:

«Лоларанг кўз ёшимдан этагим боғ аро гулга тўлди,
Мени гул ёнида кўриб булбул юраги бетоқатлик ила тўлди».

Шайх Абдулатиф (XVI аср). Бухоролик. Шайх Ҳожи Муҳаммад Ҳамушонийнинг яқин мухлиси ва муриди. Форсий ва туркий тилларда яхшигина газаллар битган. Шеъридан икки мисра намуна:

«Лолалар чиқти қизил тож ила шоҳлар каби,
Чекти савсан тиғлар сунний сипоҳлар каби».

Маъсумхожа - (XVI аср). Кешлик. Бухорода яшаган. Қуръонни ёд олиб, қироати кучли ҳофизи қуръон бўлган. Саҳоват соҳасида ҳам машҳур бўлган. Икки мисра форсий шеъри таржимаси:

«Баҳор булути кўклам фаслида гавҳар сочган маҳал,
Гавҳар сочувчи назмим қаламини ёд этинг».

Хожа Муҳаммад Вазир (XVI аср). Хуросонлик, Марвда яшаган. Вазирлик лавозимида ишлаган. Охири ёлғизликни ихтиёр қилиб, шеърият билан шуғулланган.

«Лоладек бағримни чок этажакман,

Шу йўл ила эски ғамим боғин кўрсатажакман».

Хожа Низомиддин Яҳё Хошимий (XVI аср). Бир неча муддат Бухорода шайхулислом мансабида ўтирган. Қизифи шундаки, бу мансаб бир неча марта бошқа кишилар қўлига ўтиб, яна унинг ўзига қайтиб келаверган. Шеърият билан шуғуланиш унинг хуш дамлари ҳисобланган. Шеъридан икки мисранинг мазмуни:

«Ишқ ҳажри ерга тубан ногаҳон кўтариб ташласа,
Ким уни ердан кўтариб у томонга ётқизиб қўяркин?»

Хожа Абдулазиз қози (XVI аср). Бухорода қозилик мансабида ишлаган. Кўплаб яхши фазилатлар соҳиби, кўп соҳалардан хабардор, зукко, хушёр одам бўлган. Ёқимли шеърлар ижод қилган. Намуна:

«Ғурбатда на оромим бор, Ватанда на қарорим,
Бу бекарорлик мандадир, то жоним тандадир».

Мавлоно Кепак (XVI аср). Туркистонлик. Дин йўлини маҳкам ушлаган. Хадис илми билан ҳам шуғулланган. Талабаларга сабоқ ҳам берган. Шеъриятда ҳам ўз йўналишини топган. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Ул адл қоматлиқ, бу ситамдидага,
Бултурги зулм солигини солмоқда»

Мавлоно Дўст Муҳаммад (XVI аср). Бухоролик олим ва дин илми соҳиби. Мир Араб мадрасасида дарс бериш билан машғул бўлган. Гоҳо назмга ҳам мурожаат қилиб турган. Шеъридан намуна:

«Лабинг устидаги яшил чизиқ билина бошлаган ҳамон,
Менинг баҳорим тугаб, куз фаслига айланди».

Хофиз Иброҳим (XVI аср). Карманалик. Убайдуллахон даврида яшаб, ижод этган. Кўпроқ дарвешлар мулоқотида, халқ эътиборида бўлган. Шеъридан намуна:

«Ҳажринг ғами ўти мени уд дарахтидек тутатди,
Ўзи асли ишқинг оташидан мақсадим ҳам шу эди».

Шайх Шарифий (XVI аср II ярми). Машхур Ҳусайн Хоразмийнинг фарзанди бўлиб, диний ва дунёвий билимлари ҳамда ўзининг хуш ҳулқу одоби билан эл орасида шайх даражасигача етишган. Айни вақтда, худди отасидек шеъриятда ҳам мазмунли ғазаллар соҳиби бўлган. Форсийда битилган шеърининг тўрт қатори мазмуни:

«Мушкин қаламинг менинг исмим ёзибди
Гўё Увай таровати Қаран тарафдан келибди
Сўз мулкида “Калом подшоҳи”ман, сенчи, Ҳусравшоҳсан
Ва юз Ҳожа Ҳасан сенга банда бўлибди».

Шайх Закариё Яссавий (XVI аср). Ҳасанхожа Нисорийнинг таъкидлашича, у ҳазрат султон Аҳмад Яссавийнинг авлодидан бўлиб, ўзининг мақтовга лойиқ хислатлари билан нафақат атрофдагиларнинг, балки сultonларнинг ҳам эътиборида бўлган. Шунингдек, нафис шеърият билан ҳам шуғулланган. Икки мисра шеъри мазмуни:

«Зебо юзингга, эй ёр, назар солгач,
Бошқа барча хўблардан назаримни уздим».

Мавлоно Ҳофиз Мирак (XVI аср). Отаси Абдураҳмон Жомий билан яқин сухбатдош бўлган. Ҳофиз Мирак қуръони Каримни ёддан билган ва унга таснифлар ҳам ёзган. Замонавий илмлардан ҳам яхши хабардор бўлган. Шеърлар ёзиб, ўз девонини ҳам яратган. Шеъридан икки мисранинг мазмуни:

«Шаҳарда сен каби шоҳ ким бўлибди ва ким бўла олғуси
Хуснда сендеқ ой жамол ким бўлибди ва ким бўла олғуси».

Мавлоно Солих Муфти (XVI аср). Самрақандлик йирик дин пешвоси. Диний илмларни ўқитиши билан шуғулланган. Кармана вилоятида яшаган. Эл орасида обрў-эътибори ҳам юқори бўлган. Ёзган шеърларидан икки мисранинг мазмуни:

«Ўзингга ҳеч томондан ғамга йўл берма
улуғ дуолар ила, ўзингга дам солишни канда қилма».

Шужоиддин Дўстмуҳаммад Ҳожи (XVI аср). Шайbon сулоласи амирларидан бири Жон Вафоий Дўрмоннинг ўғли. Шужоиддин барча сultonларнинг ҳурматини қозонган. Ҳаж зиёратидан қайтиб яна амирлик мансабига ўтиради. Жозибали шеърлар соҳиби. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Эй дил, меҳнат аҳли юкини торт демайман,
Лек юк кўтарсанг, муҳаббат аҳли юкин енгиллат».

Сайд Ҳоди Нақшбандий (XVI аср). Бухоро вилоятидан. Ҳожазода Махмуд Нақшбандийнинг ўғли бўлиб, насаби Баҳовиддин Нақшбандийга бориб тақалади. Кўп яхши фазилатлар соҳиби, айниқса саҳовати билан кўпчилик меҳрини қозонган. Бу хусусиятни ўзи ёзган шеъридан ҳам кўриш мумкин. Икки мисра шеърининг мазмуни:

«Асл хунар саҳийликдир, бошқасининг бари қўлнинг кири,
агар ҳар бармоғингда юз хунар бўлсада, саҳоват бўлмаса, бефойда».

Сайд Иброҳим (XVI аср). Бухоролик. Баҳовиддин Нақшбандий авлодларидан бўлиб, ўзининг хуш хулқи, эзгу фазилатлари ва юқори диний эътиқоди билан атрофдагиларнинг обр-эътиборини қозонган. Садрлик мансабида ишлаган. Бўш вақтини шеърият билан шуғулланишда ўтказган. Ғазалидан икки мисранинг мазмуни:

«Кипригинг хазин юрагимдан жой олгани сабабли,
Бу кун ғамидан озод бўлиб, эртанинг ғами тушди».

Мавлоно Муҳаммад Амин Муфти (XVI аср). Ёшлигидан шариат илмларини эгаллаб борган. «Хидоя» ҳамда «Виқоя» таълимими тўлиқ ўзлаштириб олганлиги натижасида фатвочилик мансабига эришган. Бошқа илмлардан ҳам яхши хабардор бўлган. Фарзанди туғилишига бағишилаб ёзилган тўрт мисранинг мазмуни:

«Худо фазли ва меҳрибонлигидан келди –
Канъон ойи Юсуф алайҳиссаломга ўхшаш хушрўй,

Туғилиш куни, ойи ва йили тарих бўлди,
“Жума Тонги, жумадуссоний ойининг иккинчиси”».

Мавлоно Яқиний (XVI аср). Умрининг кўп қисмини Мовароуннахрда, факирликда дарвешлар либосида ўтказиб, тез-тез уларнинг даврасида бўлиб турган. Шеърларига “Яқиний” тахаллусини қўллаган. Унинг бир рубоийси мазмуни:

«Сабо елидан сенинг ҳидингни топқуси дил,
Гулда сенинг юзинг асарини топқуси дил.
Унга тенглашмоққа на мушку анбар ҳадди сиққан,
Уни фақат сени кўчанг тупроғидан топқуси дил».

Мавлоно Савтий (XVI аср). Убайдуллахон хукмронлиги даврида бир қанча муддат арк масжидида муаззин бўлиб ишлаган. Шеъриятга ошно бўлиб, ўз давридаги кўпгина шоирлар шеърларига татаббуълар қилган.

Амир Бокий Косоний (XVI аср). Ҳозирги Қашқадарё вилоятидаги Косон ҳудудида яшаб ижод қилган. Сайидлар авлодидан. Ушбу байт мазмуни қуидагича:

«Қаламим неъмати - бу барча тар гуллардир,
Йўқса, қуруқ қамиш гуллаганини ким кўрибди».

Муҳаммад Шариф Садр (XVI аср). Андижонлик бўлиб, садрлик вазифасида ишлаган ва ажойиб фазилатлари билан ҳукмдорлар ҳурматига сазовор бўлган. Унинг матлаъси мазмуни:

«Ҳажринг ханжаридан қон устида ўтириб қолдим,
Ағёр ила ошнолигинг мени оёқдан олди».

Хожа Зиёиддин Юсуф (XVI аср). Абдураҳмон Жомийнинг суюкли ўғли. Яхши фазилатли, аҳлоқли бўлиши билан бирга, шеъриятга ҳам ихлоси баланд бўлган. Икки мисра байт мазмуни:

«Эшикдан рақиб келяпти, девор оша эса ёрнинг маломат тоши
ёғилмоқда,
Қаранг, дардли ошиқлар бошига бало, ҳам эшикдан, ҳам тешикдан
ёғилмоқда».

Хожа (XVI аср). Олтин ўрда ва Бухорода юқори диний лавозимларда ишлаган, Шайхул ислом мансабида бўлган. Номи Подшоҳ хўжа бўлиб, Хожа тахаллуси билан етук шеърлар ёзган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан яқин алоқада бўлиб, шеърларидан Қобул орқали Деҳлига юбориб тургани ҳақида маълумотлар бор. Ҳикоялари ва шеърлари тўплами мавжуд. Икки мисра шеъридан намуна:

«Манда йўқдир подшоҳлик орзузи даҳр аро
Ондин ўтиб халқ ила машгулман ҳар субҳу шом».

МУСИҚА-ҚҮШИҚЧИЛИК ИЖОДИ, МУСИҚА НАЗАРИЯСИ НАМОЯНДАЛАРИ

Ўтмиш алломаларимиз, ижодкорларимиз мусиқа санъатининг жамиятдаги, инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида кўплаб ижобий фикрларни ёзиб қолдирганлар. Мусиқа инсоннинг турли кайфиятларини, жумладан, кўтаринкилий, шодлик, завқланиш, ғамгинлик, хавф-қўрқув ва бошқа ҳолатларини ўзида мужассамлаштиради. Мусиқанинг ушбу ифодавий-тасвирий имкониятлари қадимги юонон олимлари, Шарқ мутафаккирлари, тасаввуф арбоблари ва бошқалар томонидан юқори баҳоланган, шарҳланган ва илмий тадқиқ қилинган. Мусиқада асосий восита куй, оҳанг, наво ҳисобланади. Мусиқа ва унга басталанган ғазал қўшиқ дейилади. Мусиқа қадим-қадимдан, ҳар қандай шароитда ҳам инсонлар ҳаётининг, қундалик турмуш тарзининг ажralmas таркибий қисми бўлиб келган. Барча даврларда ҳам унинг илоҳий истеъдод ва қобилият соҳиблари етишиб чиққанлар. Чунки мусиқа инсонни ҳаётга, яшашга, меҳнатга, эзгу орзу-ниятларга, умуман барча яхшиликларга етаклайди. Юртимиизда барча ўтган тарихий даврларда мусиқа-қўшиқчилик аждодларимиз маданий ҳаётининг муҳим қирраси бўлган. Айнан бу даврда ҳам ушбу ижод йўналишининг машҳур намояндалари билан бир қаторда, унинг назарий томонларини, илдизларини, таҳлилини баён этган бир қатор назариётчилари ҳам етишиб чиқиб, самарали ижод қилганлар ва маданиятимиз хазинасига бебаҳо ҳисса қўшганлар. Тарих - ўтмиш кўзгуси дейдилар. Айнан шу мақсадда қуйида ушбу соҳа ижодкорлари номлари, фаолиятлари ҳақидаги айrim маълумотларни умумлаштиришга ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этишга ҳаракат қилдик.

Али Жўн Нойи (XV-XVI асрлар). Марвлик созанда-бастакор, машҳур най устаси. Жўн - унинг таҳаллуси бўлиб, қудуқ кавловчи маъносини беради. Марв ҳукмдори Қозоқхон саройида яшаб ижод этган. Мусиқа илмини шу ерда устозлардан ва ўзи ҳам маҳсус шуғулланиб ўрганган. Ўзбек мусиқаси тарихида ўзининг қатор пешров ва нақшлари билан машҳур бўлган.

Амир Али Акбар Самарқандий (XVI аср). Ўзбек созанда-бастакори. «Илми Одоб», «Илми Ахлоқ» асарларининг муаллифи. Санъат соҳасида жуда кўп савж ва нақшлар басталаган. Устоз мураббий сифатида ўз даврининг таниқли, машҳур созандаларидан Маҳдумзодаи Хоразмий, Дарвеш Бўзгала, Мири Хокий, Мавлоно Пирмуҳаммад Кулол, Устод Тўлак Наий, Устод Абдусаттор Қонуний, Устод Арабий Навоий, Маҳдумзодаи «котиб» кабиларни тарбиялаб етиштирган.

Дарвиш Шайхим Қаландарий (XVI аср-Хирот-Балх). Созанда, хонанда, бастакор. Дарвешали Чангий унинг санъатини таърифлаб, «Наво даштининг хушхон булбули»³ деб атаган. Унинг мусиқага оид яратган асари бизгача етиб келмаган. Лекин, устоз санъаткорлар Абдуллоҳ Наий, Ҳофиз Қонуний, Устод

³ Дарвиш Али Чангий. Среднеазиатский трактат о музыке. Перевод с персидского проф. А.А.Семёнова. Ташкент. 1946.

Илёс Найи, Устод Поёндаи Қобузий, Устод Мұхаммад Сурнаий, Усто Ўзбек Фижжакийлар унинг асарига юксак баҳо берганликлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Дарвиш Бўзгала (XVI аср-Самарқанд). Созанда, хонанда, халқ бастакори. Дарвишали Чангийнинг «Тухфай ус-сурур» рисоласида Дарвиш Бўзгаланинг кўплаб куйлар басталагани ҳамда юксак маҳорат эгаси бўлганлиги таъкидланган.

Дарвиш Мақсуд Андижоний (XV аср охири-XVI аср бошлари. Бухоро). Созанда, бастакор. Хиротлик машхур санъаткор, Ахийи Хиравийнинг шогирди. Мусиқий истеъдоди Хиротда камолга етган. Мұхаммад Шайбонийхон Хиротни эгаллагач, Ҳофиз Ушшоқий, Ҳожа Бобойи Чангий, Ҳожа Ҳамзаи Тошкандий, Ҳофиз Мироқий Бухорий ва Ҳофиз Боқий Рудий каби машхур санъаткорлар билан бирга Дарвиш Мақсадни ҳам Бухорога олиб кетган. Дарвишали Чангийнинг мусиқа рисоласида келтирилишича, Дарвиш Мақсад Жомийнинг кўпгина ғазалларига савж ва нақшлар басталаган.

Зайнулобиддин Ҳусайнний (XV аср II ярми-XVI аср бошлари. Хирот). Мусиқа назариётчisi, бастакор, созанда ва шоир. «Ихлосия» мадрасасида риёзиёт, фалсафа, мусиқа назарияси ва бадиъ илмидан таҳсил олган. «Қонун» (Замонавий адабиётда «Қонуни илми ва амали мусиқий» - «Мусиқа илми ва амалий қонунлари») асарини ёзган. Асар Навоийга бағишлиланган қасида ва 24 бобдан иборат. Рисоланинг ягона нусҳаси ЎзРФА ШИ да сакланади. Асарда муаллиф ўзи яшаган давр мусиқа санъатининг назарий ва амалий масалаларини ёритади. Унда 12 мақом, овоза ва шўъба тушунчаларига қатор аниқликлар киритилган. Рисола охирида чолғу созларига ҳам таъриф берилган. Асар мусиқа назарияси ва амалиёти бўйича қимматли манбадир.

Омоннисохоним Нафисий (1534-1567. Шарқий Туркистон). Уйғур мақомшуноси, шоира, хаттот. Ёшлигидан сато ва танбур чалишни ўрганган. Ёркенд хони Абдурашидхоннинг рафиқаси. Бу эса унинг мусиқашунос олима, шоира, уста хаттот бўлишига ва хонлик маданияти ривожига катта ҳисса қўшишига имкон берган. Нафисий хотин-қизларга насиҳат мазмунидаги «Ахлоқи жамила», санъат ва хаттотликка оид «Шуруҳ ул- қулуб» («Қалблар шарҳи») номли асарлар ёзиб қолдирган. Шунингдек, 12 мақомни тиклаш ишига ҳисса қўшган.

Мавлоно Боки Жарроҳ - XVI асрда Шайбоний ҳукмдорлардан Самарқанд хони Сайдхон даврида Самарқандда яшаб ижод этган машхур санъаткор, ёқимли овоз соҳибидир. Табиб, созанда, бастакор. Боки Жарроҳ бошқа тенгкур ва даврдош қўшиқчи ва ҳофизлардан овозининг дардлилиги ва ширалилиги билан ажralиб турган. У машхур мусиқа назариётчisi Нажмиддин Кавқабий - Бухорийнинг қобилиятли шогирди бўлган. Ўзи ҳам бир қанча мусиқа асарларини (Рост ва Наво мақомлари ҳамда Сегоҳ шўъбаси асосида пешрав, нақш ва амаллар) яратган. Ҳукмдор Сайдхон бу санъаткорга алоҳида меҳр ва ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унга ижод билан шуғулланиши учун

ҳомийлик қилган. Боқи айни вақтда тажрибали жарроҳ ҳам бўлган. Умрининг охирларида Хисор ҳокими Темурхон саройида ижод қилган.

Хожа Маҳмуд ибн Исҳоқ Шаҳобий (XVI аср). Шайбонийлардан бўлган Убайдуллахон саройида хизмат қилган етук мусиқачи. У дутор чалишда тенги йўқ қобилиятга эга бўлган. Шаҳобий машҳур мусиқа ва хаттотлик устози Мир Али Котибининг шогирди бўлиб, хаттотлик санъатини ҳам яхши эгаллаган. Шу боис учун мусиқачилик билан бир вақтда хаттотлик билан ҳам шуғулланган.

Мавлоно Ҳусайн Охун (XVI аср). Абдуллахон даврида яшаб ижод этган етук олим, машҳур мусиқачи. Туркистонда туғилиб, Бухорода ижодий фаолиятини юритган. Уни серқирра билимлар соҳиби бўлганлигидан даврдошлари ўз даврининг Афлотуни ва Буқрот ҳакими деб санашган. Санъатда, хусусан мусиқада ўз даврдошларининг энг пешқадами бўлган. Ҳакимлиқда ҳам, мусиқачилик соҳасида ҳам кўплаб етук шогирдлар тарбиялаган. Улардан Мавлоно Маҳмуд Гиляний, Поёндий Мухаммад Миёнқалъий, Али Дўст каби мусиқа усталари ўз даврининг машҳурлари бўлганлар.

У шунингдек, йирик шоир ҳам эди. Кўпгина савт, амал, тароналарга ўзи ғазал ёзиб куйга солган.

Мавлоно Қосимий Коҳий (XVI аср–Самарқанд). Бу кишининг даврдошлари унга олимларнинг «етуги», «даврнинг нодири» деб юқори баҳо берганлар. Коҳий ниҳоятда ёқимли, ширали овоз соҳиби бўлганлиги учун тез орада машҳур бўлиб кетган. У кейинчалик Қобул шахрига боради ва у ернинг табиати, хуш хавоси ёқиб қолиб Комрон Мирзо саройида хизматда бўлади. У Хиндистонда Хумоюн саройида ҳам бўлган.

Юсуф Мавдуд - Дуторий - Ҳиротий (XVI аср). Ҳиротда таваллуд топган бетакрор санъат соҳиби. Айниқса дутор чалишда тенги йўқ моҳир бўлган. Умрининг сўнгги йилларини Хиндистонда Хумоюн хузурида ўтказган.

Маҳзумзодаий Хоразмий (XVI аср). Машҳур шайх Сайд Ҳусайний Хоразмийнинг ўғли. Мусиқа соҳасида донг таратган бастакор бўлган. Кўплаб савтлар, нақшлар ва бошқа мусиқий асарлар муаллифи. Маҳзумзода басталаган мусиқа асарлари XVI-XVII асрларда Бухорода жуда оммалашган. Машҳур мусиқачи Ҳофиз Чангий ҳам Маҳзумзода билан яқиндан танишиш мақсадида Самарқандга келган. Ҳофиз Чангий Маҳзумзодадан кўплаб мусиқа билимларини ўрганади ва улар асосида ўлмас мусиқий асарлар яратади.

Нажмиддин Кавқабий (XV аср II ярми - 1529). Асли Ҳиротлик йирик олим, созанда, мусиқа назариётчisi. Кавқабий Убайдуллахон саройида хизмат қилган. Хон Кавқабийни ниҳоятда қадрлаган. У бир қанча мусиқий рисолалар муаллифи. Улардан бизгача сақланиб келганлари орасидан насрда ва назмда ёзилган «Мусиқа рисоласи» ва «Ўн икки мақом ҳақида» асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу асарлар маданиятишимиз тарихи хазинасини бойитиб келмоқда.

Ноиний Бокияйи (XVI аср II ярми - XVII аср). Ўрта осиёлик созанда, шоир ва мусиқашунос. Ўрта Осиё ва Шимолий Хиндистонда яшаган. Мусиқа

назариётчиси Нажмиддин Кавкабийнинг издоши. У яратган «Замзамайи ваҳдат» (Муштарақ наволар) номли мусиқий рисоласи Ўз Р ФА ШИ да сақланмоқда. Унда Шарқ мусулмон маданиятида ривож топган ўн икки мақом тизими ва ҳинд мумтоз мусиқаси ҳақида қимматли маълумотлар баён этилган. Рисолада муаллифнинг Ўрта Осиё ва Шимолий Хиндишон минтақалари мусиқий анъаналарининг ўзаро яқинлиги масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Дарвишали Чангий (XVI аср Хирот - XVII аср Бухоро). Мусиқашунос, бастакор, созанда, ҳофиз, шоир ва олим. Ҳожай Жаъфар Қонуний, Али Дўст Наий, Амир Масти Қобузий, Ҳасан Кавкабий каби ўз даврининг машҳур ва моҳир санъаткорларидан таълим олган. Унинг Ҳусайн Охун номли ўз даврининг машҳур ижодкори устози бўлган. Чангий кўпгина маълумотларни устозидан олган. Ўша вақтларда Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг маданий марказлари бўлмиш Бухоро, Тошкент, Андижон, Самарқанд каби шаҳарларида бўлган ва элга хизмат қилган. Чангий таҳаллуси билан ғазаллар битган. «Тухфат ус-суур» ёки «Рисолайи мусиқий» каби қўлёзма асари бизгача етиб келган. Ушбу асар XVI-XVII асрларда мусиқа маданиятининг ривожидан, унинг намояндаларидан хабар берувчи ягона қимматли манба ҳисобланади. Дарҳақиқат, Чангий кўпроқ ўз замонасининг ижодкорлари, айниқса мусиқашунос олимлари даврасида кўпроқ ҳаёт кечирган ва улар ҳақида ҳамда ўзидан аввал яшаб, ижод этган мусиқа вакиллари ҳақида бебаҳо маълумотлар қолдирган. Бу маълумотлар XVI-XVII асрлар даври маданияти, санъатининг ўзига хос юксалиш даражасини аниқ далил ва манбалари бўлиб хизмат қиласиди.

Али Дўст Наий (XVI аср охири - XVII аср бошлари). Мусиқашунос, созанда-бастакор. XVI асрнинг йирик мусиқашуноси Маҳдумзода Хоразмийнинг шогирди. Кўпгина амаллар ва мустаҳил (янги ой) номли чолғу асарларининг муаллифи. Ҳисорда, Балхда, сўнгра Термиздаги санъаткорлар ҳомийси Мирааб ҳузурида ижод қиласиди.

Ниёзжон хўжа (XVIII аср II ярми - XIX аср бошлари). Хоразмлик мақомчи хонанда, созанда ва бастакор. XIX аср бошларида Бухорога бориб устозлардан Шашмақомнинг ашула ва чолғу йўлларини ўрганган ва уларни Хоразмда кенг тарқалишида мухим роль ўйнаган. Унинг ўзи бир қанча куйлар басталаган. Унинг ижодий ишини етук шогирдлари Мақсумжон Қози, Уста Муҳамаджон Сандуқий, Комил Хоразмий, Аҳмаджон Табибий ва бошқалар давом эттирганлар.

Мискин Қилич (1847-1906). Хивалик. Асли исми Мулла Қилич. Туркман халқ шоири, бастакор ва созанда. Унинг қўшиқлари халқ орасида шухрат қозонган. 100 га яқин ишқий, ахлоқий, ижтимоий мавзулардаги қўшиқлари, «Ботир Напис», «Бекзода Қурбон», «Товқи» каби достонлари шогирдлари ва халқ қўшиқчилари томонидан ёзиб қолдирилган.

Мадумар Ҳофиз (1850-1930). Исфаралик. Диапазони кенг, кучли ва баланд овозли хонанда. Қўқон ижрочилик мактаби ривожига муносаб ҳисса қўшган. Мақом, Фарғона-Тошкент қўшиқчилик йўлларини ҳамда катта

ашулани маҳорат билан ижро этган. Тўйчи Ҳофиз, Ҳамроқул қори, Юнус Ражабий каби машҳур ҳофизлар Мадумар Ҳофизнинг шогирдлари эди.

Рустам Мехтар (1860-1933). Андижонлик. Мехтар-ногорачилар бошлиғи маъносида. Соз чалишни отаси Юсуфали меҳтардан ва Бухоролик Ҳожимат меҳтардан ўрганган. Ёшлигидан ногора, карнай ва дуторда машқ қилган бўлсада, асосан, сурнайда моҳир ижрочи бўлган. Репертуаридан халқ мусиқаси йўллари ҳамда мақом йўллари ўрин олган. Унинг ижрочилик анъаналарини шогирдлари - Ашурали меҳтар ва ўғли Одилбек Рустамовлар давом эттирган.

Содирхон Ҳофиз (1847-1931). Хўжандлик. Ҳофиз, созанда, бастакор. Пошшо Охун ва Сайд Бузрукхўжалар қўлида тарбияланиб, хонандалик, созандалик ва мақом сирларини ўзлаштирган. 20 ёшида «Хонақои ҳофиз» мақомига мұяссар бўлган. Ҳусусан, Кўқон хонақоҳларида ижодий фаолият кўрсатган. Эрка кори, Мадумар ҳофиз, созандалар - Каримқул беги, Исмоил найчи, Домла Ҳалим, Ҳожи Абдулазизлар билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилган.

У 20 дан ортиқ мумтоз асарлар ижод қилган. «Ушшоқи Содирхон», «Талқинчай Қашқарчай Ушшоқи Содирхон», «Савти Чоргоҳ Муножоти», «Шаҳноз» ва бошқалар шулар жумласидан. «Шашмақом» заминидаги ўзига хос мақом йўллари талқини ва унга асосланган бастакорлик мактабини яратган.

Уста Шоди Азизов (1878-1943). Ғиждувон туманида туғилган. Хонанда, созанда, раққос. Бухоро-Самарқанд мусиқа услуби вакили. Болаликдан миллий рақс, масхарабозликка қизиқиб, халқ сайиллари, тўйларида қатнашиб юрган. Ижоди орқали шуҳрат қозониб, 1895 йилда Бухоро амири саройига чақирилган. Шашмақом йўлларини Ота Жалолдан ўрганган ва ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган.

Фарзинхон Ҳофиз (1840-XX аср бошлари). Тошкентлик хонанда ва созанда (дутор, танбур). Дастлаб Тошкент тўй-томушаларида, «Шарқия» кечаларида иштирок этиб, кейинчалик Исфара, Ўш, Туркистон ва бошқа жойларда бўлиб ўтадиган сайлларда, қўшиқ беллашувларида қатнашган. Ўзининг кенг диапазон, ёқимли, ширали, дардли, ҳис-туйғуларга бой ижро услуби билан шуҳрат қозонган. Муқимий унга ҳофизларнинг «беки» сифатида нисбат берган. Фурқат Фарзинхон Ҳофиз исмини ўз шеърида тилга олиб бундай ёзган:

«Кўярсан анда Фарзинхон дегонни,
Менга бир ошнойи меҳрибонни ... ».

Унинг репертуаридан Фарғона-Тошкент мақом йўллари, катта ашулалар ва ўзи басталаган ашулалар жой олган. У шунингдек, Ҳазиний, Виждий, Яссавий ва бошқаларнинг шеърларига айтиладиган диний ашулалар билан ҳам довруғ қозонган. Унинг ижросидаги ашулалар XX аср бошида граммофонга ёзиб олинган.

Шоир Пир Комил (XIX аср II ярми - XX аср бошлари). Хивалик. Исми Абдурасул. Ёзувчи оиласидан чиққан. Эски мактаб, мадраса илмини эгаллаган.

Айни пайтда истеъдодли хаттот, етук санъаткор бўлган. Нота мақомларини, Хоразм 6 ярим мақомини тўлиқ эгаллаган.

Абдусоат Ваҳобов (1875-1934). Фарғоналик. Мусиқа билан ёшлигидан мустақил равишда, кейинроқ тошкентлик машҳур дуторчи Илҳомжон билан бирга шуғулланган. У ижрочилик фаолиятини Каримбекхўжа ғижжакчи, Шобарот ва Каримбекхон танбурчилар, Илёс Ҳожи чангчилар билан бирга ҳаваскорлик ҳалқ чолғулари аснсамблида бошлаган. 15 йил давомида жамоа сайилларида, ишчи клубларда, концертларда чиқишилар қилганлар. Репертуарини асосан рақс куйлари, Фарғона-Тошкент мақомларидан парчалар ташкил қилган.

Юсуф Ҳаррот Чокар (XIX аср II ярми - XX аср боши). Хивалик. Исми Муҳаммад Юсуф, адабий таҳаллуси Чокар бўлиб, санъаткор оиласида таваллуд топган. У Хоразм 6 ярим мақомини тўлиқ эгаллаган. Шунингдек, хаттотлик санъатидан ҳам хабардор бўлган. Кўплаб шеърлари шу кунгача қўшиқ қилиб айтиб келинади.

Мадали Ҳофиз (1876-1931) - Марғilonлик машҳур ҳофиз Мадалихон Раҳматиллаевдир. Ҳазиний, Муқимий, Рожий каби шоирлар билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Ёшликтан катта ашула ижрочиларига эргашиб, улардан ижрочилик маҳоратини ўзлаштирган ва кейинчалик бутун Фарғона водийсидаги энг машҳур ҳофизлардан бирига айланган.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, XIX аср охирида яшаган фарғоналик ашулачи ва созандаларнинг кўпчилиги серқирра санъаткор бўлишган. Бир кишининг ўзи икки-уч чолғу созида чалишни пухта эгаллаган созанда, бастакор, ҳофиз, қизиқчилар кўпчиликни ташкил этган. Баъзилари ўzlари учун доимий керак бўлган чолғу созларини ясаш хунаридан ҳам хабардор бўлганлар. Уларнинг ноёб истеъдоди яна шу жиҳатдан қадрлики, улар нота ёзувларисиз қанчадан-қанча ҳалқ мусиқа бойликларини, шашмақомларни ёдаки ўргангандар ва эсда сақлаб қолиб, ўз навбатида шогирдларига ўтказганлар. Фарғона водийсида ҳалқ профессионал мусиқаси жанрига кирувчи «Шашмақом»нинг Фарғона-Тошкент йўллари ва айниқса катта ашула кенг тарқалган.

Ўзбек санъаткорларининг донғи фақат Туркистон ўлкасида гина эмас, балки қўшни, чет мамлакатларга ҳам етиб борган. Масалан, самарқандлик машҳур ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Расулов Эрон, Афғонистон, Арабистон, Ирок, Ҳиндистон ва Юнонистон мамлакатларида ўз санъатини намойиш қилган. Тошкентлик Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг овозини Ёркент, Ғулжа, Чугучак ҳалқлари севиб тинглаганлар.

Фарғона водийсининг бир гурӯҳ санъаткорлари машҳур қизиқчи, мусиқачи, раққос Юсуфжон Шакаржонов бошчилигига ўз санъатларини Қашқарда ҳам намойиш этганлар.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Россиянинг марказий шаҳарларидан ва чет эллардан келган машҳур санъаткорлар, Тошкент, Самарқанд, Кўқон Андижон, Марғilon каби шаҳарларда спектакллар, концертлар кўрсата бошлаганлар.

Вилоят маркази бўлган Фарғона шаҳрида ва бошқа шаҳарларда мусиқа созлари савдоси учун маҳсус дўконлар очилган, уларда рус чолғу асбоблари билан бир қаторда чет эллардан келтирилган чолғу созлари ҳам сотилган.

Левича Ҳофиз Бобохонов (1873йил Бухоро – 1926 йил Самарқанд). Бухоро яхудийлари оиласидан чиққан атоқли ҳофиз. Ҳофизлик санъатини бухоролик Борух ва Юно Исмоиловдан, чоржўйлик Ҳожихон Ҳофиздан, кейинчалик Ота Жалол Носиров каби устозлардан ўрганган. Мақом йўлларини танбур ва доира билан ўзига хос маҳорат билан ижро этган. Диапазони кенг, тиник ва ёқимли овози бўлган. 1890 йилдан Бухоро амири саройида хизмат қилган. 1909 йилда Рига граммафон ёзуви фирмаси таклифи билан унинг ижросида бир неча мақом ашулалари ёзиб олинган. Машхур қўшиқчилар Шоназар Соҳибов, Борух Зикриев, Михаил Толмасовлар унинг шогирдлари бўлганлар.

Муҳаммад Раҳимхон II Феруз. (1844-1910). 47 йил ҳукмдорлик қилган Хива хони. Адабиёт, санъатнинг фидоий ҳомийси, кўплаб санъат соҳибларига, шоир-ёзувчиларга ижод қилишлари учун шароит яратиб берган ҳукмдор.

Феруз ўзбек маданияти тарихида ўзига хос ўринга эга. У давлат арбоби бўлиши билан бирга истеъодли шоир, зукко мусиқашунос ва санъатшунос, моҳир созанда, фан ва маданиятни, Хоразмнинг машхур 6 ярим мақомини такомиллаштиришда раҳбарлик қилган. Унинг раҳбарлигида мусиқа тарихи ва назариясига оид рисолалар ёзилди. Хоразмда миниатюра мактаби ташкил этилишининг ташаббускори бўлди. Унинг ҳомийлигида Туркистонда биринчи матбаа (нашр иши) ва Хоразмда илк дорушшифо ташкил этилди. Ўз саройида эса салоҳиятли адабий муҳит барпо этди. «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасини тузишга раҳбарлик қилди. Феруз ўзи басталаган куйлар, яратган ажойиб шеърлари билан ҳам маданиятимиз меросига улкан ҳисса қўшган бетакрор, серқирра ижодкорлардандир.

Девоний (XIX - XX асрлар). Хоразмлик. Ислим Комилжон, отасининг исми Исмоил Муҳркан девон бўлган. У ёзувчи ва мусиқашунос оиласидан чиққан.

Девоний беш хил илм-хунар: милтиқ тузатадиган уста, хушхат котиб, моҳир шоир, уста наққош ва ниҳоят соз чалувчи хунарлари соҳиби эди. Бундан ташқари 6 ярим мақомни мукаммал билган. 15 ёшидан шоирлик билан шуғуллана бошлаган ва кўпинча хоннинг ҳузурида бўлган.

Мутриб хонаиҳароб (XIX - XX асрлар). Шоирнинг асл исми Муҳаммад Ҳасан, отасининг исми Ҳожи табиб бўлган. Эски мактабни тугатган. Ота касби бўлмиш табибчиликдан, хаттотлиқдан яхши хабардор бўлган. Шунингдек, у шеърлар ёзиб, моҳир созанда ҳам бўлган. Мутриб 6 ярим мақомни тўлиқ билган ва уларни айта олган. У мансабдор шахс бўлиб, Муҳаммад Раҳимхон даврида девонда ишлаган ва шеърларини девон ҳолига келтирган. Тахминан 70 ёшларида вафот этган.

Шоир Отабек тўра (XIX аср II ярми - XX аср бошлари). Хон амалдорларидан Ҳасанмурод Күшбегининг фарзанди эди. Муҳаммад Раҳимхонга эса жиян (опасини ўғли) бўлган. Таҳаллуси Оқил. 1 йил ҳокимлик

ҳам қилган. 25 ёшидан шоирлик билан шуғуллана бошлаган. Соз чалишга моҳир бўлиб, 6 ярим мақомни мукаммал чала билган. У кишининг санъатдаги устози Мухаммад Ёқуб позачи бўлган. Ҳам танбур, ҳам ғижжак дойра, дутор чалган. Шеърларидан девон ҳам ҳам тузган. У қатнашган зиёфатлар, албатта унинг сози иштирокисиз ўтмаган. Бобожон таррохнинг ёзишича, улар Ёқуб позачи билан деярли ҳар оқшом Отабек тўраникига бориб, шеърият ва санъат билан шуғулланганлар.

Шоир Мирзо (XIX аср охири - XX аср бошлари). Асл исми Мухаммад Расул, Полвон Мирзабошининг ўғли бўлган. Отаси вафотидан кейин у Мирзабоши қилиб сайланган. М.Расул эски мактабни ва мадрасани тўлиқ битирган, хаттотликни эгаллаган. Отаси 12 мақомни 6 мақомга ноаталаштирганда Мухаммад Раҳимхон, Худойберган Муҳркан билан бирга Расул ҳам иштирок этган ва 6 мақомга ярим мақомни қўшган. Шунинг учун Хоразмда бу мақом 6 ярим мақом ҳисобланади. «Мусаббих» мақомини яратган. Ярим мақомни ишлашда унинг билан бирга Худойберган Муҳркан Девон, Отаниёз Охунлар ҳам ҳисса қўшганлар. Шеърларини девон қилдирган. Салкам 70 йил умр қўрган.

Отаниёз қори Хўжаниёз ўғли (1844-1928). Таҳаллуси Ниёзий. Руҳоний оиласидан чиққан ва турли илмлар соҳиби бўлган. Санъатга, хусусан созандачиликка қизиқиши катта бўлиб, Полвон Мирзабошининг олти мақомига ярим мақом қўшишда Мирзога ёрдамлашган. Ўзи ҳам 6 ярим мақомни тўлиқ билган. Шунингдек, у моҳир хаттот ҳам бўлган. Унинг санъатдаги қизиқиши ўғли, машхур Комилжон Отаниёзовга ҳам ўтган. Шеърларини девон ҳолига келтирган. 70 ёшларида вафот этган.

Исмоил Найчи (1847-1904). Кўқонлик. Най созида моҳир бўлган. Ўзбек, тожик, уйғур ва Туркистоннинг бошқа ҳалқлари орасида Исмоил Устоз, Исмоил Кўса номлари билан ҳам машҳур бўлган. Фақирона хаёт кечирган. Баёт, Чоргоҳ, Ушшоқ, Сувора сингари мумтоз куйларни най созида ўзига хос услубда ижро этган ва эл орасида машҳур бўлган.

Ўз санъатини Шарқий Туркистон, Эрон, Афғонистон, Хиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатларда намойиш этишга мушарраф бўлган.

Комил Хоразмий (1825-1899). Хивалик. Асл исми Паҳлавон Ниёзмуҳаммад. Шоир, таржимон, хаттот, мусиқашунос. Араб ва форс тилларини мукаммал билган. Шарқ адабиёти вакиллари ижодини яхши ўрганганди.

Хива хони Саид Мухаммад Раҳимхон II даврида мирзабошилик қилган. У давлат арбоби сифатида ҳам фаолият кўрсатган, бироқ реакцион гурӯҳлар томонидан илғор фикрли кишилар қатори Комил Хоразмий ҳам таъқиб қилинган. Шунга қарамай, ўз ижодий ишини ташламаган. У Россияга - Москва ва Петербургга саёҳат қилиб, рус маданияти, мусиқаси билан ҳам танишган. У ўзбек куйларини ёзиб олиш соҳасида ҳам янги йўналиш - танбур чизигини яратган. 1897 йилда Комил Хоразмий Тошкентга келган. Театр ва гимназияда бўлган. Кейинчалик, ўғли Мухаммад Расул отасининг ижодини давом эттирган.

Ориф Гармон (Орифжон Тошматов) (XIX аср охири - XX аср I ярми). Андижонлик. Ўзбек актёри, созанда, гармончи. Отаси Тошмат ҳофиз номи билан Андижонда машҳур бўлган. Ориф отасидан дутор, амакисидан гармон чалишни ўрганган. Унинг амакиси Ҳожи гармон номи билан танилган эди. 1905 йилдан бошлаб Ориф сайдёр труппаларда актёрик ва созандачилик қилган.

У Андижонда Т.Жалилов бошчилигига ташкил этилган «Санои нафиси» номли тўгаракнинг фаол иштирокчиси бўлган.

Ота Жалол Носиров (1845-1928). Бухоролик. Мақомчи, хонанда, созанда, бастакор. Онаси мақомларни моҳир ижрочиси бўлганлиги сабаб Ота Жалол дастлабки мақом сабоқларини онасидан, сўнг мақом йўлларини эса отасидан ўрганган. Ота Жалол ўша даврларда Шахрисабз begi бўлган Музаффархон саройида, сўнгра Карманада (Ҳозирги Навоий) Амир Аҳадхон саройида, кейин эса амир Олимхон (Бухоро амири) саройларидағи санъаткорларга раҳбарлик қилган. Ота Жалол Носиров ўзбек ва тожик мақом йўлларини моҳир билимдени ва ижрочиси бўлган. Унинг ўнлаб машҳур шогирдлари Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз, Усто Шоди Азизов, Ш.Соҳибов, Б.Файзуллаевлар устоз ишини давом эттиридилар.

Матёқуб Харратов (1867-1939). Хоразмлик. Мақомчи, хаттот, дутор ва ғижжак созларининг моҳир ижрочиси. Худойберган Мухркан, Ниёзжон Хўжа ва Комил Хоразмийларнинг шогирди ва издоши. У Комил Хоразмий ихтиро этган «Хоразм танбур чизифи»ни такомиллаштирган ва унинг воситасида Хоразм мақомларини нотага олишда ижрочи, тадқиқотчи ва хаттот сифатида Муҳаммад Расул Мирзабоши билан ҳамкорлик қилган. Муҳаммад Раҳимхон II саройида созанда ва мақомчиларнинг устози бўлган.

Матпано Худойберганов (XIX аср охири - XX аср I ярми). Таҳаллуси Сухонвар (нотик). Лирик тенор овозли, созанда, танбурчи, дуторчи, мақомчи ва шоир. Созандаликни, халқ мусиқаси ва Хоразм мақомларини отаси Худойберган Мухркан ва Матёқуб Харратовлардан ўрганган.

Болтабой Ражабов (1878 й. Фарғона-1960 й. Марғилон). Хонанда, ўзбек халқ ҳофизи. Асосан катта ашула тури билан ном қозонган. Бу йўналишни бобоси Матҳолиқ Ҳофиздан, тоғаси Маҳсуд ҳофизлардан ўрганган. Кейинчалик эса Ҳамроқул қори, Турғун сарик, Холқора ота каби ҳофизлардан таҳсил олган.

Рустам Мехтар Юсуфализода (1860-1933). Андижонлик. Халқ созандаси, меҳтар (сурнайчи). Лақаби Рустам соз. Отаси Юсуфали меҳтардан ва Бухоролик Ҳожимат меҳтардан соз чалишни ўрганган. Ёшлигига ноғора, карнай ва дутор чалиб, халқ сайилларида фаол иштирок этган. Айниқса, сурнайда тенги йўқ бўлган. Сурнайда «Ҳаққоний», «Лайзонгул», «Кўча боғи», «Чарх» каби куйлар ва кўплаб мақом йўлларини моҳирлик билан ижро этган.

Андижон ноғорахонасининг меҳтари бўлган.

Толмасов Михаил Жўрабекович (1887 й. Бухоро - 1969 й. Самарқанд). Мақомчи, хонанда, созанда (танбур, дутор, доира). Ота Жалол Носиров ва Леви

Бобохоновлардан Шашмақомнинг ашула ва чолғу йўлларини ўрганган. Санъаткор Толмасовлар сулоласининг йирик вакили.

Тўйчи Ҳофиз (1868-1943). Тошмуҳамедов Мулла Тўйчи. Тошкентлик. Ўзбек ашулачилик ва қўшиқчилик санъатининг йирик вакили. Касби тўқувчилик бўлган. Тўйчи Ҳофиз ёшлигига амакиси Қўчкор отадан ашула айтиш сирларини ўрганган. Айниқса, 1890 йилда Шожалил ҳофиз ва Шобарот танбурчи жўрлигига «Шахноз-Гулёр» ашулалар цикли Тўйчи Ҳофизга катта шуҳрат келтиради. Кейинчалик эса унинг довруғи Туркистон ўлкасининг шаҳарлари (Наманганд, Хўжанд, Ўш, Марғилон, Андижон, Исфара ва бошқалар) га тарқалган.

Тўйчи Ҳофизнинг ўзи ижро этган ашулалардан 25 таси 1905 йил Рига шаҳрида, 1911 йил Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида грампластиинкага ёздирилган. Тўйчи Ҳофизнинг ўзи ҳам 1908-1910 йилларда Фарғонадаги Адолатхон, Мозидахон номли аёл хонандалар ижросидаги қатор қўшиқларни ҳам биринчи марта грампластиинкага ёздирилган.

1906-1912 йилларда Тўйчи Ҳофиз ташаббуси билан Андижон, Фарғона, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда граммафон ва пластинкалар дўконлари ташкил этилган. Бу дўконларда ўзбек, рус ва европача куй, қўшиқ ва ашулалар ёзилган пластинкалар сотилган.

Тўйчи Ҳофиз 1900 йилда Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистонда, 1913 йилда Шарқий Туркистондаги Қашғар, Гулжа, Ёркент каби шаҳарларда, 1914 йилда эса Чугучак шаҳрида бўлиб, ўз санъатини намойиш этган.

Уста Олим Комилов (XIX аср II ярми - XX аср I ярми). Созанда (доира, ногора, куй ва усуллар билимдони), педагог, ўзбек рақс санъати ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Ўзбек халқ рақс санъатини ҳам биринчи бўлиб саҳналаштирган. Камбағал тўқувчи оиласидан. Марғилонда Масайд отадан доира чалишни ўрганган.

У Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева каби рақс усталарининг устози.

Уста Рўзиматхон Исабоев (XIX аср охирлари - XX аср I ярми). Намангандик. Машхур созанда (танбур, ғижжак, чанг). Октябрь тўнташигигача темирчилик ва созандалик қилган. Ўша даврда Фарғона водийсида машхур бўлган Жалолхон Ҳофиз ва Рамазон Охундан танбур, ғижжак ва чанг чалишни, чолғу созлари ясашни, «Ажам тароналари», «Наврўзи ажам», «Насруллои» куйларини ўрганган. Бухорода Ота Жалолдан «Шашмақом»нинг баъзи йўлларини, Самарқандда Хожа Абдулазиздан «Самарқанд ушшоги», «Каримқулбеги», «Гулузорим» ашулаларини ўрганган.

Исо Маҳдум Бухорий XIX асрда яшаб ижод этган етук мусиқашунос ва шоир. Шунингдек, китобатчилик билан ҳам шуғулланган. Исо Маҳдум, айниқса мусиқа ижодида машҳур бўлган. Садриддин Айнийнинг ёзишича, у Шашмақомни танбурда тўлиқ чала олган. Шу хусусда нота ҳам битгани маълум.

Абдуқодир Найчи Исмоилов (1888 й. - XX аср I ярми). Қўқонлик. Отаси Исмоил найчидан 13 ёшиданоқ халқ куйларидан «Тановар», «Ёввойи Чоргоҳ»,

«Сувора», «Сарбозча», «Мирзадавлат», «Ажам» кабиларни тўлиқ ўргана бошлаган ва най созининг моҳир устаси бўлиб етишган. 1908 йилда Фарғонада ташкил этилган қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасида ўша давр машҳур санъаткорларидан бўлмиш Ҳамроқул қори, Содирхон ҳофиз, Тўйчи ҳофиз, Ёдгорхўжа, Султонхон танбур, Нурали қозоқ, Абдуғаффор, Абдуқаҳхор ҳофизлар билан бирга ёввойи мақом йўлларини граммофонга ёздирган.

Эрка қори Каримов (1877 й. - XX аср I ярми). Кўқон яқинидаги Тумор қишлоғида туғилган. Ўзбек ашулачиси, асқиячи, катта (патнусаки) ашула санъатининг иирик вакили. 2 ёшлигига касалланиб, кўзи ожиз бўлиб қолган. Муқимий, Фурқат, Камий, Хазиний, Чархий ғазалларига мослаб, катта ашулашар ижро этиб халқقا машҳур бўлган. Унинг репертуарини мумтоз, мақом ва замонавий ашулашар ташкил этган. Ўзи ҳам шеърлар ижод қилган.

Султонхон танбур (XIX аср охирлари - XX аср I ярми). Чимкентлик. Ўзбек халқ созандаси, танбурчи. Ўзбек ва бошқа халқ қуйларини танбурда моҳирлик билан ижро этган. 1905-1907 йилларда бир қанча ўзбек халқ ашула ва қуйлари, ҳамда Тошкент ва Фарғонада машҳур бўлган мақом йўлларини Султонхон танбур ва Тўйчи ҳофиз ижросида Москва шаҳрида граммофонга ёзиб олинган.

Ашурали Махрам (1825 - 1863). Марғилонлик. Созанда, хонанда, меҳтар, ипакдўз. Ўзининг ёқимли ва таъсири хуш овози билан Фарғона водийсида ва Тошкентда машҳур бўлган. Овозаси хон саройигача етиб, Худоёрхон уни саройга чақириради ва ўзининг яқин маҳрами даражасига кўтаради. Шунинг учун ҳам уни номи ёнига маҳрам сўзи қўшиб айтилган. Лекин хон саройидаги зиддиятли ҳаёт Ашуралига ёқмайди ва бир йўлини қилиб Тошкентга қочади. Тошкентда ўз санъати билан халқقا хизмат қилиб юради. Ашурали басталаган «Дугоҳ Ҳусайн», «Чоргоҳ», «Баёт», «Гулёри Шаҳноз» мақом йўллари айниқса халқ орасида унинг номини янада машҳур қилган. У Фарғонада «Катта ашула», «Патнусаки ашула» турлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Тошкент ва Фарғона водийсидаги бир неча ўнлаб машҳур санъаткорлар унинг издошлари ва шогирдлари дидир.

Бобоҷон Тарроҳ Ҳодим (1878 - XX аср II ярми). Хивалик. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз саройида 10 йилдан ортиқ шоирлар раҳбари бўлиб ишлаган. Ижтимоий келиб чиқиши ҳам ёзувчи оиласидан. Бобоҷон шоир, ёзувчи, хушхат соҳиби, эски мактаб билимига эга ва айни вақтда Хоразм 6 ярим мақомини тўлиқ эгаллаган санъаткор бўлган. Соз чалиб, қўшиқ айтган. Шоирлар шеърларини девон қилиб тузиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Муҳаммад Ёқуб позачи Бобоҷонга санъатда устозлик қилган. Бобоҷон тарроҳ ўзининг «Хоразм навозандалари» рисоласида Муҳаммад Раҳимхон саройида ижод қилган бир неча ўнлаб санъаткор ва шоирлар ҳақида қимматли маълумотларни баён этган. Китоб бизгача етиб келган.

Аҳмаджон Қўшнай Умрзоков (1888 й.). Кўқонлик. Ўзбек халқ созандаси. XIX асрнинг машҳур санъаткорлари Рўзимат меҳтар, Ҳамроқул сурнайчи, Ҳолик қўшнайчиларнинг иқтидорли шогирди. Муҳаммад Умар, Абдуқаҳхор

ҳофиз, Абдурахмон ҳожи, Назирхон, Шобарот танбурчилар билан жўровозлиқда «Баёт», «Ушшоқ», «Дугоҳ Ҳусайнин» каби мақом йўлларида ижролари халқ орасида машҳур бўлган.

Дилкаш Кори Мулло Каромат Танбурий. Туғилган йили номаълум. 1912 йилда вафот этган. Бухоролик шоир ва мусиқачи. Шеър ва мусиқада Аҳмад Донишнинг шогирди. Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тожик» асарида Танбурийни Бухоро халқи ўртасида ўзининг шеърлари ва ёқимли кўйлари билан катта ҳурмат қозонгандигини ёзади. У Амир Абдулаҳад саройида мулозим лавозимида ҳам хизмат қилган. Бироқ бир йилча ўтмай сил касалидан вафот этган. Девони сақланмаган. Тазкира ва баёзларда шеърлари учраб туради.

Хожи Абдулазиз Абдурасулов (XIX аср II ярми - XX аср бошлари). Самарқандлик. Йирик бастакор, созанда ва ашулачи. Самарқанд ашула ва чолғу йўлларини тўлиқ ўрганиб, кейин Бухорода Шашмақомнинг мақом йўлларини ўрганган, ўзи ҳам кўплаб кўйлар басталаган.

1887-1888 ва 1907-1908 йилларда икки марта хорижда саёҳатда бўлган. Эрон, Ҳиндистон, Арабистон, Афғонистон халқларининг мусиқа маданияти ва ижро йўллари билан танишган ва у ерларда ўзбек, тожик санъатини намойиш этган. «Самарқанд ушшоғи» қўшиғининг муаллифи. Унинг репертуарини 200 дан ортиқ халқ қўшиқлари ва мақом йўллари ташкил этган. 1909 йилдан бошлаб унинг қўшиқлари грамплатинкаларга ёзила бошлаган.

Хожи там-там (XIX аср охирлари - XX аср I ярми). Самарқандлик. Асл исми Ҳожи Қурбон Ҳамидов. Халқ қизиқчиси, хонанда ва созанда (доирачи). У қўшиқни кўпинча созсиз, ўзига-ўзи дуторга хос тақлидий оҳанг билан «там-там» сўзларини жўр қилиб айтганлиги учун, унга шу лақаб берилган. Репертуарида ўзбек, тожик, уйғур, озарбайжон, рус халқ қўшиқлари, шунингдек лапарлар ва латифалар бўлган.

Домла Ҳалим Ибодов (1878-1940). Бухоро - Тошкент. Устоз хонанда ва созанда. Тўқувчи ҳунарманд оиласида туғилган. 10 ёшдан бошлаб доира чалиб, халқ қўшиқларини ижро эта бошлаган. Дастреб Шароғхон устоздан, сўнгра эса Ота Жалол Носиров, Ота Фиёс каби етук устозлардан таълим олган. Ўзи ҳам устоз даражасига етган. Домла Ҳалим ўзбек ва тожик мақом йўлларини ёшлигидан мукаммал ўрганган. Санъат аҳли ўртасида авж қилувчи, «Савтхон» деган ном олган.

Абдулла Булбул исо Ҳофиз ўғли - XIX аср II ярмидан-XX аср бошларигача яшаб ижод қилган тошкентлик ҳофиз. Ўзбек хонанда ва созандаси. Ғижжак, дутор, танбур каби миллий чолғуларда чалинадиган кўйларнинг моҳир ижрочиси. Халқ орасида ёқимли овози учун «Булбул» лақабини олган.

Халқ орасида Навоий, Фузулий, Фурқат ғазалларини кўйлаган. «Баёт», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Шаҳнози Гулёр» каби мақом йўлларини Мадумар Ҳофиз талқинидаги эркин («ёввойи») усуудан соз усулига ўтказган.

Абдураҳмонбек (XIX аср). Шахрисабзлик моҳир хонанда, созанда ҳам бастакор бўлиб, ўзбек миллий қўшиқлари таркибидан жой олган машҳур

«Абдураҳмонбеги» ашулалар туркуми ва бошқа санъат асарларининг муаллифи ҳамда етук талқинчидир. Бу туркум ашулалар тўплами кейинги асрлар миллий қўшиқчилигимиз ривожида ўзига хос асос бўлиб хизмат қилган.

Отағиёс Абдуғаниев (1858-1927). Бухорлик машҳур ва моҳир танбурчи. Шашмақом чолғу йўлларини мукаммал эгаллаб, уларнинг ҳар бирини ўзига хос услугда ижро этган. Бу ижролар Шашмақомнинг кейинги асрлардаги ривожида ва такомиллашуvida муҳим аҳамият касб этган.

Мақомлар ва Шашмақом ижоди

Ўтган аждодларимиз ижодига мансуб, бир неча юз йиллик тарихга эга бўлган Мақом ва Шашмақом санъати мусиқа-қўшиқчилигимизнинг бебаҳо ва бетакрор гултожиси ҳисобланади. Улар кейинги асрлар ҳамда ҳозирги замон миллий санъатимизнинг мустаҳкам пойдевори ва асоси, битмас-туганмас сарчашмаси бўлиб келмоқда. Кўрилаётган даврларда юртимизнинг барча ҳудудлари халқлари маданий ҳаётига, хусусан, мусиқа-қўшиқчилик йўналишига синчиклаб назар солинса, бу даврларда ҳамма ўтган даврлардагидек, санъат ўша давр аждодларимиз ҳаётининг ҳам доимий ажралмас қисми бўлиб қолаверганини кузатиш мумкин. Ўрта Осиё минтақасида тарихан шаклланган Мақомот дейилганда – Бухоро Шашмақоми, Хоразм Мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари ҳамда улар заминида юзага келган ва келаётган замонавий навлар назарда тутилади.

Бухоро Шашмақоми

Юртимизда XVI-XX аср бошлари даврининг дастлабки ўн йилликларида ёқ халқ маданий ҳаётида, хусусан, ижод соҳасида, темурийлар давридаги Самарқанд, Ҳиротда ривожланган бой маданий анъаналарнинг навбатдаги вориси сифатида Бухоро майдонга чиқди. Ўша давр ҳукмдорлари шаҳарга кўзга кўринган илму маърифат, адабиёт ва санъат аҳлларини интилишига сабаб бўлган шароитни вужудга келтирдики, натижада шеърият, мусиқа ва тасвирий санъатнинг «Бухоро мактаби» деб ном олган услуби тараққий этди. Бу даврларда ҳукмдорлар хонлар саройларида хизматда бўлган йирик санъатшунослар, олимлар, бастакорлар бўлмиш Нажмиддин Кавқабий, Дарвиш Али Чангий ва бошқа мусиқа назариётчилари ўзларининг мақомлар тарихи ва тавсифи назариясига бағишлиланган йирик мусиқий рисолаларини яратдиларки, бу асарлар ҳозирги кунгача ўзининг аҳамияти ва салоҳиятини йўқотмай, айниқса санъатнинг мақом йўналиши мутахассислари ва муҳлислари учун муҳим қўлланма бўлиб келмоқда. XVIII аср II ярмидан эса Бухорода вужудга келган халқ санъатидаги маҳаллий, ўзига хос услублар асосида Бухоро Шашмақоми пайдо бўла бошлади.

Бу, аввалги мақом йўлларининг Шашмақом тизимиға айланиши шунчаки юзаки ҳолат бўлмай, балки - қадимий мақом анъаналарини янги ижтимоий-

маданий мұхитда ижодий ўзлаштириш, уларни маҳаллий күй ва қўшиқларнинг ўзига хослиги билан тўлдирилиши жараёни эди. Ўща даврлардан ҳозирги кунгача «Шашмақом» ҳам «Мақом»лар қаторида ўзбек ва тожик халқлари санъатининг бебаҳо, ўлмас маданий бойлигига айланиб қолди.

Хоразм мақомлари ва Хоразм нота чизиги

XVI аср бошларида вужудга келган Хива хонлигига то хонлик якун топгунга қадар 40 га яқин хукмдорлар раҳбарлик қилган бўлса, улар орасида давлатчилик, иқтисод ва маданият тараққиётига катта хисса қўшиб ном қолдирганлари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Абулғозий Баҳодирхон, Шерғозихон, Муҳаммад Раҳимхон I, Оллоқулихон, Муҳаммад Аминхон, Сайд Муҳаммадхон, Муҳаммад Раҳимхон II Ферузлар шулар жумласидандир.

Хоразмда халқ орасидан етишиб чиққан етук санъаткор Ниёзжон Хўжа Бухорога бориб, Шашмақом йўлларини, уни танбурда ижро этишни устозидан ўрганиб, Хивага қайтиб уни тарғиб этишда катта хизмат қиласди. Авваллари Хоразмда мумтоз мусиқалар асосан дуторда ижро этилиб келинган бўлса, энди танбур ҳам ўзига хос ўринга эга бўла бошланди ва шу даврдан эътиборан танбур ва дутор мақомларига ажратиш тушунчалари ҳам вужудга келади. Янги танбур мақомларини аниқлаштириш ва мунтазамлаштириш асосида янги туркумлар вужудга кела бошлайди. Натижада Мақомотда янги, мустақил оқим - Хоразм «б яrim мақоми» кўринишидаги йўналишга асос солинди.

Бу эса юртимизнинг Хива хонлиги худуди халқи мусиқа-қўшиқчилик санъатида ҳам янги йўналишнинг пайдо бўлиши эди.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода томонидан XX аср бошларида яратилган ва 1925 йилда Москвада нашр этилган «Хоразм мусиқий тарихчаси»да Хоразм 6 яrim мақоми ҳақида ҳам зарур маълумотлар баёни берилган.

Хива хонлигига 47 йил ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) даврнинг ўзига хос томони шундаки, бу давр ўтган даврлардан ўзининг маданий ҳаётдаги юксак равнақи билан анча ажралиб туради. Хон саройида Ферузнинг ташаббуси ва ҳомийлигига яратилган маданий мұхит, яъни ташкил этилган ўзига хос «маданий марказ», унинг аъзоларининг ижоди Хоразм санъатини янада юксакларга кўтарди. Феруз ташаббуси билан Хоразм мақомларини ноталаштириш ишига қўл урилди ва бу вазифа энг етук олим, шоир, мусиқашунослардан бири Комил Хоразмийга топширилди. Бу иш муваффақиятли амалга оширилгач, уни созандалар орасида «Танбур чизиги», илмий манбаларда эса «Хоразм танбур нотаси» ва «Хоразм табулатураси» деб номланди (табулатура - маҳсус нота ёзуви демакдир).

Комил Хоразмий нота ёзувининг танбурга мосланган маҳсус янги услубини яратди. Бу, албатта, ўша даврда Хоразм маданий ҳаётидаги, хусусан санъатидаги мұхим, ўзига хос кашфиётлардан эди.

Фарғона - Тошкент мақомлари

Мақомотнинг учинчи йирик йўналиши Фарғона ва Тошкент воҳалари билан боғлиқ бўлиб, бу ҳудудларда вужудга келган мумтоз мусика тизими умумлаштирилиб «Фарғона-Тошкент мақом йўллари» деб аталади. XVIII асрда шаклана бошлаган ушбу йўналиш XIX аср охирлари-XX аср бошларида Тошкент ва Фарғонада ҳар бири алоҳида мактаб сифатида кўрилиб, мустақил номлар билан юритилган. Жумладан, «Тошкент мақомлари», «Туркистон мақомлари» ва «Фарғона мақомлари».

Ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра Фарғона-Тошкент мақом йўллари Шашмақом, Хоразм мақомлари ёки бошқа бир тизимнинг кўчирмаси эмас, балки маҳаллий созандалар томонидан ишланган шаклдир. Тарихий асарлар, мусиқий рисолалар ва адабий тазкираларда Фарғона водийси ҳамда Тошкентдан чиққан етук созандаларнинг номлари қўплаб тилга олинади. Уларнинг XIX асрдаги энг йирик устози Худойберди устоз бўлиб, унинг ижоди йўналишида Фарғона ва Тошкент воҳаларида бир неча ўнлаб шогирдлар ижод қилганлар. Ўз навбатида улар ҳам бу анъанани давом эттириб, бу ижодни ўз шогирдлари орқали кейинги авлодга етказганлар. XX аср бошларида эса ушбу йўналишда машҳур Ашурали Махрамнинг йирик мактаби вужудга келди ва унинг ҳам бир неча ўнлаб шогирдлари Фарғона, Тошкент, Кўқон, Исфара, Андижон, Марғилон, Наманган, Чимкент, Қашқар, Самарқанд, Урганч каби қатор шаҳар-вилоятларда, қишлоқларда самарали ижод қилдилар.

Кўқондаги сарой санъаткорларига Худойберди устоз раҳбарлик қилган бўлса, унинг шогирди Ашурали Махрам эса саройдан ташқарида эркин ижод қилди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Худоёрхон ҳукмронлиги даврида маълум бир муддат санъатни ва санъаткорларни таъқиб этиш, тазиик ўтказиш каби жуда нохуш муносабатлар вужудга келиб, бир қатор машҳур санъаткорларнинг марказ (Кўқон) дан узокроқ жойларга бориб яшашларига тўғри келди. Бу давр санъатининг йирик вакили Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедовнинг ижоди ҳам жуда диққатга сазовор бўлиб, унинг устоз-шогирд муносабатлари ривожига қўшган ҳиссаси Фарғона-Тошкент мақомлари авлоддан-авлодга ўтказиш анъаналарини давом этишида муҳим ўрин тутди.

Шу тариқа, XVI-XX аср бошлари хонликлар даври маданияти тарихида, жумладан мақомлар санъати тарихида ушбу давр ижодкорлари, хусусан шу йўналиш намояндлари бу санъатни келажак авлодга, етказиш йўлида ўз ижодлари билан салмоқли ҳисса қўшдилар.

МЕЬМОРЧИЛИК МАДАНИЯТИ

(мадрасалар, мақбаралар, масжидлар, мажмуалар, йирик савдо расталари, хонақохлар, қалъалар ва бошқа иншоотлар)

Меъморчилик – қадимдан юртимизда аждодларимиз томонидан яратиб келинган моддий маданиятнинг энг муҳим ижодий маҳсуллариданdir.

Меъморчилик ўтмишда ҳам ва ҳозирда ҳам ҳалқ амалий ижодиётида турли бино ва иншоотларнинг қурилиши санъатини ифодаловчи, катта маҳорат ҳамда меҳнат талаб қилувчи ижод тури бўлиб, ҳалқнинг бу соҳадаги ўзига хос тарихини, маданиятини, ижтимоий-сиёсий қудратини, диний ва дунёвий қарашларини, майший ҳаётини маълум шаклларда мужассам этади.

Меъморчилик шаҳарсозликнинг асоси ҳисобланади. Чунки меъморчилик асарлари қаторига турли-туман катта-кичик бинолар, уй-жойлар, меъморий мажмуалар, майдонлар, турли монументал қурилишлар, усти очиқ ва ёпиқ турли соҳа, йўналиш, касбларга мўлжалланган иншоотлар киради.

Айни вақтда меъморчилик ижоди ва меҳнати ўзида турли хил санъат намуналарини ҳам мужассам этади. Қадимги дунё тарихида машҳур бўлган «Етти мўжиза»нинг барчаси ҳам инсон даҳоси билан яратилган меъморий санъат асарлари бўлгани бежиз эмас.

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон меъморчилиги ҳам жуда қадимиyllиги, турли-туман меъморий ёдгорликлари, юксак нафосат мужассами бўлган маҳобатли осори-атиқалари билан доимо барчани дикқат-эътиборини тортиб келган.

Юртимизда ўтган бир неча юз йиллilar давомида, жумладан, XVI аср бошларидан бошланган ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даврларида ҳам меъморчилик маданияти ривожида ўзига хос юксалиш жараёнлари рўй бериб борди.

Тўғри, ушбу асрларда ҳар уччала хонликлар ўртасида тез-тез бўлиб турдиган урушлар, зиддиятлар, шунингдек, ҳар бир хонликнинг ўзидағи турли мақсаддаги ички курашлар маданиятнинг барча соҳалари қатори меъморчилик соҳаси ривожига ҳам салбий таъсир этмай қолмаган. Лекин, шунга қарамай, ҳалқ меъморчилигига Ўрта Осиё меъморчилигининг ажойиб анъаналари тўхтаб қолмади. Бу улкан ҳудудда яшовчи ўзбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ҳалқларининг яшаш ва турмуш тарзи бу меъморчиликнинг ўзига хос миллий томонларини белгилашда ва давом эттиришда муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистон меъморчилигининг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана ва қонун-қоидалари хонликлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўзига хос йўналишда давом этди, юзлаб турли меъморчилик маданияти асарлари бунёд этилди. Биз қуйида ушбу меъморчилик ривожи ҳақида жамланган маълумотларни беришни ҳам жоиз деб ҳисобладик.

Абдуллахон банди. XVI асрнинг 80-йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II қурдирган қадимги йирик сув омбори. Бу иншоот қолдиқлари

Нурота тумани марказидан 65 км. шарқдаги эски Оқчоб қишлоғи яқинидаги Бекларсой даrasида ҳозиргача сақланиб қолган.

Абдуллахон мадрасаси (XVI аср). Бухородаги Қўш мадраса ансамблиниң шимолий қисмида жойлашган меъморий ёдгорлик. Меъмори номаълум. Ўша давр меъморчилигининг етук намунаси бўлган бу мадраса Бухоро меъморчилигининг XVI асрда эришган барча ижодий ютуқларини намойиш этади.

Баланд масжид (XVI аср). Масжид Бухорода харсанг тошли шоҳсупа устига қурилган. Ўйма ва бўяма нақшлар ҳамда кошин ва парчин қоплаб безатилган.

Банди күшод масжиди (XVI аср). Масжид Қашқадарёда пахсадан қурилган, хонақоҳи икки устунли, безаксиз. Сомон сувоқ қилинган. Ҳозиргача сақланган.

Бароқхон мадрасаси (XVI аср охири-XVII аср бошлари). Тошкентдаги Ҳазрати имом мажмуасидаги бино. Тошкент ҳокими Наврӯз Аҳмад (Бароқхон) томонидан қурдирилган.

Биби Бувайда мақбараси (XV-XVI асрлар). Фарғона вилояти, Бувайда туманида қурдирилган меъморий ёдгорлик бўлиб, зиёратхона ва икки гўрхонадан иборат. Мақбара безаксиз бўлиб, ичкари қисми ганч билан сувалган.

Говкушон мажмуаси (XVI аср). Бухородаги меъморий ёдгорлик. Жўйбор хожалари қурдирган мадраса, масжид, минора, ҳовуз ва саройдан иборат мажмуа. Говкушон - қассоблар бозори маъносида.

Искандар кўпприк (1557-1598). Сурхондарё вилоятининг қадимий савдо йўлида Бандихонсой устида қурилган. Умумий узунлиги 70 метрдан ортиқ. Баландлиги сой тубидан 12 метрдан ортиқ.

Касби Намозгоҳи (XVI аср). Қашқадарёда. Ўзаро бир-бири билан боғланган равоқли бешта хоналар гумбазли бўлиб, марказий хона катта, беш қиррали меҳроби эса ташқарига туртиб чиққан.

Кокилдор хонақоҳи (XVI аср). Термизда. Баланд ва чукур равоқли пештоқ марказий хонага киришда қурилган. Марказий хона ён томонларида бир неча бир хил хоналар. Хона саҳнида бир неча қабрлар сақланиб қолган.

Кўкгумбаз масжиди (XVI аср 90-йиллари). Қаршида. Намозгоҳ услубида қурилган гумбазли бино. Хонақоҳ қўшгумбаз билан ёпилган. Безагида яшил, феруза, оқ рангли кошин ва сирланган ғишт қўлланилган.

Кўкалдош мадрасаси (XVI аср II ярми). Бухорода. Абдуллахон II нинг яқин амалдорларида бири Қулбобо Кўкалдош ташаббуси билан бунёд этилган. 160 та ҳужра ва дарсхона ҳамда масжиддан иборат. Очик айвончали болохоналари ҳам бор.

Кўкалдош мадрасаси (1551-1575). Тошкентда. Тошкент ҳокими Кўкалдош қурдирган. Пештоқлар парчин ва гириҳ билан нақшланган. Дарсхона ва масжид мавжуд. Бинодан XVIII асрда карvonсарой сифатида ҳам фойдаланилган.

Лангар ота мажмуаси (XV-XVI асрлар). Қашқадарёда. Масжид ва мақбарадан иборат. Хонақоҳлар гириҳ ва нақшлар билан безатилган. Мақбара пештоқ ва гумбазли.

Масжиди Калон (XV-XVI асрлар). Бухорода. Эски масжид қолдиқлари (XI-XII асрлар) ўрнида қурилган. 288 гумбазли гиштин устунларга таянган. Масжиднинг етти эшиги бор. Асосий бино баланд қилиб қурилган.

Модарихон мадрасаси (XVI аср II ярми). Абдуллахон мадрасаси билан қарама-қарши қилиб қўш мадраса тарзида қурилган. Ҳовли атрофида айвон, хужралар ва бурчакларида дарсхоналар жойлаштирилган.

Абдуллахон тими - 1577 йилда Абдуллахон II томонидан қурдирилган. Бухородаги энг катта усти берк савдо растаси. Ўтмишда бу ерда шойи, жун, газлама билан савдо-сотиқ қилинган. Савдо растаси мураккаб, айни вақтда хушбичим қурилган. Бир неча бор таъмирланган, савдо дўконлари жойлашган.

Абдулазизхон мақбараси - Бухородаги йирик меъморлик ёдгорликларидан бири бўлиб, 1652 йилда машҳур меъмор Мимҳоқон ибн Хўжа Муҳаммад Амин томонидан қурдирилган. Улуғбек мадрасасининг қаршисида жойлашган. Мадраса безаклари юксак санъат ва маҳорат билан ишланган. Мадраса XVII аср Бухоро маҳобатли меъморчилигининг етук намунасиdir.

Араб Муҳаммадхон мадрасаси (1616 - 1838). Хивада. Араб Муҳаммадхон мадрасани бир қаватли, оддий синчли қилиб қурдирган. Оллоқулихон даврида мадраса биноси қайта ва яна бир қанча қўшимчалар билан қурилган ва такомиллаштирилган.

Хива хони Анушахон (Асл исми Абулмузффар Муҳаммад, Абулғозий Баҳодирхоннинг ўғли) хукмронлиги даврида (XVII аср) меъморий бинолардан Кот ва Шоҳбод қалъалари қурилган. Қорақалпоғистондаги Султон Вайс бобо ва Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари, Оқ масжид таъмирланган. «Шажараи Турк» асари охирига етказилган.

Анушахон ҳаммоми - 1657 йилда Хивада бунёд этилган меъморий ёдгорлик. Иchan қалъадаги Оқ масжид ёнида Абулғозий Баҳодирхон томонидан ўғли Анушахоннинг Карманадаги ғалабаси шарафига қурилган. Ички томони сувалган бўлиб, ҳеч қандай безак йўқ. 1984 йилда таъмирланиб, ишга туширилган.

Бўстон Бува Мақбараси (XVI аср охири - XVII аср бошлари). Фарғонада. Афсонавий саркарда Шоҳ Жалилнинг акаси Бўстон бува дағн этилган деб тахмин этилади. Безаксиз, бироқ меъморий таъсирчанлиги юқори. Безаксиз.

Девонбеги мадрасаси (1622-1623). Бухорода. Нодир девонбеги мадрасаси. Бухоро ҳукмдори Имомқулихоннинг вазири бўлган. Мадраса дастлаб карvonсарой сифатида қурилган. Сўнг эса мадрасага мўлжаллаб битказилган.

Девонбеги хонақоҳи (1619-1620). Бухорода. Нодир девонбеги хонақоҳи пештоқи кошин ва парчин билан безатилган. Айвон, хонақоҳ ва икки қаватли ҳужралардан иборат.

Ёдгор Валлома мақбараси (XV - XVII асрлар). Қашқадарёда. Мадраса маҳаллий бек номи билан аталган. Масжид гумбаз билан қопланган. Дарсхона ва китобхоналар ҳам бўлиб, барчаси безакли.

Иброҳим ота мақбараси (XVII аср). Тошкентда. Мақбара бир хонали, пештоқи гумбазли. Тагига ғишит ётқизилган ва безаксиз. Унинг ғарбида ер сатҳидан 1,5 метр чуқурликда чиллахона бор.

Лабиҳовуз ансамбли (XVII аср). Бухорода. Дастлаб бозор майдони бўлган. Ўртада катта ҳовуз қазилиб, атрофига харсанг тошлардан зинапоялар ишланган. Мармардан тарновлар қилинган. Ғарб томонида Девонбеги хонақоҳи, шарқида Девонбеги мадрасаси, шимолида Кўкалдош ва Эрназар элчи мадрасалари қад кўтарган.

Маҳдуми Аъзам мажмуаси (XVI-XIX асрлар). Самарқандда. 1542 йилда вафот этган «буюк ҳоким» Маҳдуми Аъзам қабри атрофида барпо этилган. Мажмуа масжид, дарвозахона, чиллахона, ҳужралар, Маҳдуми Аъзам ҳазираси, ғишигин минора, ҳовуздан ташкил топган.

Музробшоҳ Хоразмий мақбараси (XVI-XVIII асрлар). Хоразм вилоятида. Мақбара ривоятга кўра VIII асрда яшаган Хоразм ҳокими ва дин арбоби Музробшоҳга аatab қурилган. Бино бир хонали, пештоқли, безаксиз.

Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида Бухоронинг Жўйбор мавзесида Абу Бақр Саъд мозори атрофига мадраса, масжид, хонақоҳ ва чорбоғ қуриган. Чор Бақр номи билан машхур бўлган бу мажмуа юртимиздаги нодир иншоотлардан биридир. Шунингдек, Абдуллахон II даврида Бухорода мадраса, ҳаммом, Говкушон, Фатхулла қушбеги, Миракан, Хожа Муҳаммад Порсо, Янги Чорсу, Тим ва Зарафшон дарёси устига кўприклар ҳам қурилган. Бундай иншоотлар ва карvonсаройлар Самарқанд, Тошкент, Балх ва бошқа шаҳарларда ҳам қурдирилган.

Болоҳовуз масжиди (XVII-XX асрлар). Бухорода. Катта гумбазли хонақоҳ, масжид (1712), ҳужралар (XIX аср) айвон, минора (1911-1917) ва ҳовуздан иборат.

Исмамуд ота мажмуаси (XVII - XX асрлар). Туркманистанда, Кўхна Урганч худудида. Авлиё Исо Муҳаммад ва шаҳар ҳокими Султон Муҳаммад (Исмамуд) номи билан аталган. Мақбара уч хона - гўрхона, қорихона ва тиловатхонадан иборат. Мақбара шарқида 15 гумбазли долон (усти берк кўча) - «Тош кўча» қурилган. Сағаналар бор. Масжид кўп хонали бўлиб, унда айвон, ошхона, шайх уйи ва хонақоҳ кабилар мавжуд.

Косонсой жоме масжиди (XVIII аср). Наманганда. Атрофи деворли майдонга қурилган. Масжид эшиги нақшинкор. Бино безагида оқ ва новвот ранглардан унумли фойдаланилган.

Кўхна Арк (1686-1688 йиллар ва XIX аср). Хивада. Анушахоннинг ўғли Арангхон кўхна Аркнинг деворларини 1686-1688 йилларда қурдира бошлаган. Қурилиш XIX асрда ҳам давом этган. Аркда тўрт ҳовли, зарбхона, масжид, ҳарам, Оқ Шайх бобо кўшки, мулоғимлар хоналари, омборхона ва отхоналар бўлган.

Миён ҳазрат мадрасаси (XVIII аср). Кўқонда. Мадраса кўп ҳовлини. Кўп устунли масжид ҳам бор. Ҳовлилар атрофи ҳужралардан иборат. Безаклари оддий.

Мавлонбува мақбараси (1806). Наманган. Шоир Мавлонбува мадрасаси жануброғида пештоқ-гумбазли зиёратхона қад кўтарган. Зиёратхона ичи ганч сувоқли, мойбўёқ билан гул солинган.

Модарихон мақбараси (1825). Кўқонда. Модарихон (хон онаси) ҳазирасига хон авлодларига мансуб аёллар кўйилган. Ҳозир мақбаранинг гумбазли хонаси, икки минораси сақланиб қолган.

Мозори Шариф мадрасаси (1882). Хивада. Муҳаммад Раҳимхон II Феруз буйруғи билан уста Қаландар Кўчим қурган. Мадраса бир қаватли. Кошинлар билан безатилган. Ҳовли атрофида ҳужралар жойлашган.

Каптарли мажмуаси (XIX аср). Марғилонда. Масжид, минора, мақбара ва унинг ҳовлисида гумбазли дарвозахона ҳамда тўрт бўлакли каптархонадан иборат бўлган бино ва иншоотлардан иборат.

Иморатбобо мажмуаси (XVIII - XIX асрлар). Хоразм вилоятидаги Сайд Шапоат Азиз мақбараси. Мирмуҳаммад Азиз мақбараси ва яна бир номсиз мақбара ҳамда қабристон шимолидаги масжиддан иборат. Мақбаралар икки хонали, гўрхона ва зиёратхонадан ташкил топган.

Иchan қалъа (Ичкари қалъа, асоси милоддан аввалги V аср, ташқариси XVIII-XIX асрлар). Хиванинг ичкари қисми. 26 гектарга яқин майдон девор билан ўралган ва 4 та дарвозаси (Боғча, Тош, Полвон ота, Даشت) бор. Қалъада асрлар мобайнида қурилган ансамбллар бўлиб, саройлар, маъмурӣ бинолар, турар жойлар, мадрасалардан иборат.

Калта минор - Кўк минор (1852). Хивада. Энг катта ва баланд қилиб қуришга мўлжалланган (таксиминан 70-80 м.) иншоот. Афсуски, хоннинг вафоти билан чала қолган. Ҳозирги ҳолатида баландлиги 26 метр, асосининг диаметри 14,2 метр. Оқ, яшил, феруза рангли кошинлар билан безатилган.

Камол қози мадрасаси (XIX аср). Кўқонда. Дарсхона, айвонли масжид ва ҳужралардан иборат. Безакли, ҳашаматли қурилма. Дарсхонанинг томи гумбазли.

Гул масжид (1875). Қашақадарёда. Гулдор безаклар билан безатилган. Чорток тархли, бир устунли хонақоҳдан ва уч айвондан иборат масжид. Безаклар ганч ўймакорлигига бажарилган.

Даҳмаи шоҳон. (XIX аср). Қўқонда шоҳлар даҳмаси (ҳазира). Норбўтабий ва унинг авлодлари дағн этилган даҳма-сағаналар бор. Масжид айвони чиройли, нақшинкор безатилган.

Девона Бува мақбараси (XIX аср). Намангандаги Зиёратгоҳ - ҳазира. Гўрхона ва айвондан иборат. Олди пештоқли, томи гумбазли, тўрт томонида эшик ўрни бор. Накш ва ўймакорликдан яхши фойдаланилган.

Зудмурод Масжиди (XIX аср). Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Хўжа Зудмурод қабристонида жойлашган. З томони айвонли хонақоҳ ва минорадан иборат. Масжид қурилишида усталардан нажжорлар Мухтор ва Абдурауф, нақошлар Маҳмуд, Наим, Шариф, гилкорлар Саъдулла ва Камоллар катнашган.

Абулқосим мадрасаси (XIX аср). Тошкентдаги меъморий ёдгорлик. Мадраса, масжид ва хонақоҳдан иборат. Шайх Абулқосим томонидан бунёд этилган. Эски биноси - хонақоҳ Мўйи Муборак 1820 йилда қурилган, мадраса эса 1850 йилда барпо этилган. 1983 йилдан буён Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг Тошкент бўлими ҳамда халқ ҳунармандчилиги устахоналари жойлашган.

Абдуллахон мадрасаси XIX аср ўрталарида Хиванинг Иchan қалъасидаги Оллоқулихон ва Қутлуғ Мурод иноқ мадрасалари оралиғида қурилган меъморий ёдгорлик. Абдуллахон хотирасига онаси томонидан қурдирилган.

Амир Тўра мадрасаси (1870). Хивадаги Иchan қалъа таркибида. Муҳаммад Раҳимхон II нинг акаси Амир Тўра қурдирган. Масжид, дарсхона, хужралардан иборат.

Адолбобо мақбараси - XVIII-XIX асрларда Хивада бунёд этилган меъморий ёдгорлик бўлиб, Иchan қалъанинг шарқий дарвозаси ташқарисида жойлашган. Мақбара атрофида минора, масжид, ховуздан иборат мажмуа барпо қилинган. Ўша даврнинг ўзига хос санъати билан қурилган ушбу мақбара ҳозир ҳам мавжуд.

Абдулазизхўжа мадрасаси - 1909 йил Қаршида бунёд этилган меъморий ёдгорлик бўлиб, у маҳаллий меъморий анъаналарнинг соддалаштирилган шаклида ғишт ва ганчдан қурилган. Масжид дарсхоналар, хужралардан иборат. Мадраса деярли безаксиз. Ҳозир унда Қашқадарё вилояти тарих – ўлкашунослик музейи жойлашган.

Абдурасулбой мадрасаси - 1606 йил Хивада барпо этилган меъморий ёдгорлик. Икки ҳовлили бу мадраса масжид ва кўплаб хужралардан иборат. Пештоқ ва данданаларига кошиндан безаклар ишланган.

Аҳмадбек ҳожи меҳмонхонаси (1905-1907). Андижонлик пахта заводи эгаси Аҳмадбек ҳожи қурдирган. Асосан безакли олди айвонли хоналардан иборат. Идора вазифасини ўтайдиган қисми европача услубда пардозланган.

Дишан қалъа (ташқари қалъа) - Хиванинг рабод қисми. 1842 йилда Хива хони Оллоқулихон Хивани ташқи хужумдан сақлаш мақсадида девор билан ўраган. Унинг узунлиги 6250 метр, баландлиги эса 7-8 метр, девор қалинлиги 5-6 метр бўлган Дишан қалъа 10 та дарвозали бўлган. Ўтмишда Дишан қалъада шаҳарнинг Тим ва расталари жойлашган. Ҳозирда эса маъмурий-маиший бинолар ва хиёбонлар барпо этилган.

Бекмир мадрасаси (1903). Қаршида. Икки қаватли қурилган, дарсхона, масжид, юқорисида хужралар жойлашган.

Боғбонли масжид (1809). Хивада. Дарвозахонаси гумбазли, икки ёнида хужралар жойлашган. Олди айвонли гумбазли масжид юқорида жойлашган. Ўйма нақшлар эшик, айвон шипи ва устунларга ишланган.

Жаҳонобод масжиди (1912). Андижонда. Маҳаллий Мадалибай буюртмаси билан Исабой ҳожи бошчилигига қурилган. Масжид хонақоҳ ва айвондан иборат. Манзарали нақш гуллар билан безатилган. Бугунги кунда таъмирланган.

Исломхўжа мадрасаси (1908-1910). Хивада. Исфандиёрхоннинг вазири ва қайнотаси Исломхўжа қурдирган. Тор ҳовли атрофига бир қаватли 42 та хужра қурилган.

Исфандиёр қабулхонаси (1912) Хивада. Олди боғ, чорток тархли бино. Ганч ўймакорлиги билан безатилган. Деворларига кўзгулар ишлатилган. Европа меъморчилигининг таъсири бор.

Исҳоқ Шайх масжиди (1912-1914). Намангандада. Исҳоқ Шайх раҳбарлигига қурилган. 5 устунли, 19 устунли айвон ҳамда бири гумбаз томли, иккинчиси текис томли кичик хоналардан иборат. Турли нақшлар билан безатилган.

Муин халфа бобо мақбараси (XIX аср). Тошкентда. Муин халфа ўзи учун қурдирган деб тахмин қилинади. Мақбара гумбазли, бир хонали, пишиқ ғиштдан қурилган. Хонадаги икки сағанага Муин халфа бобо ва унинг ўғли дағғи этилган.

Дўсти худо масжиди (XX аср бошлари). Фарғонада. Эшон Алихон буюртмаси билан уста Ёқуб раҳбарлигига қурилган. Хонақоҳ ва икки ёни айвондан иборат. Нақшлар билан безатилган.

Яна шуни алоҳида фахр билан таъкидлаш мумкинки, хонликлар даврида аждодларимиз томонидан бунёд этилган моддий маданиятилизга доир тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳақида яна талайгина маълумотларимиз бор. Юқорида эса уларнинг айримлари ҳақида қисқача бўлса ҳам таъриф бериб ўтдик. Китоб ҳажмининг бирозгина бўлсада чекланганлигини инобатга олиб, ушбу бобга

тегишли бўлган амалий ишлар ҳақидаги навбатдаги маълумотларни фақатгина номлари, бунёд этилган йиллари, жойларинигина қуидаги рўйхат орқали кўрсатиб ўтишни жоиз деб билдирилган. Улар қуидагилардир:

- Мавлоно Лутфулло мажмуаси (XX аср боши). Наманган.
- Матниёз Девонбеги мадрасаси (1872). Хива.
- Матпанобой мадрасаси (1905). Хива.
- Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1851-1855). Хива.
- Муҳаммад Мухаррам мажмуаси (1903). Хива.
- Нисбатдор масжиди (1901). Самарқанд.
- Нодир Девонбеги мадрасаси (1630-1631). Самарқанд.
- Норбўтабий мадрасаси (XVIII аср). Кўқон.
- Нуруллабой саройи (1865-1912). Хива.
- Оллоқулихон мадрасаси (1834-1835). Хива.
- Оллоқулихон карвонсаройи ва тими (1832-1833) Хива.
- Ота Валихон тўра масжиди (XX аср боши). Наманган.
- Ота дарвоза (1828-1829) Хива.
- Отамурод Матриза қушбеги масжиди (1800). Хива.
- Отажон бой мадрасаси (1884). Хива.
- Отакўзи мадрасаси (XX аср боши). Андижон.
- Оқ масжид (XVIII-XIX асрлар). Хива.
- Пансод масжиди (XX аср боши). Шаҳрихон.
- Пахлавон Маҳмуд мақбараси (1701). Хива.
- Пандран масжиди (XV-XVI асрлар). Қашқадарё.
- Полвон дарвоза (1806). Хива.
- Сайд Аҳмадхўжа мадрасаси (XIX аср охири). Марғилон.
- Сайд Маҳрумжон мажмуаси (1884). Хива.
- Сайд ота масжиди (XVIII аср). Хива.
- Сайд ота масжиди (1766). Хоразм вилояти.
- Сайд оталиқ мадрасаси (XVI аср). Сурхондарё вилояти.
- Сайд Шоликорбой мажмуаси (1842). Хива.
- Самарқанд намозгоҳи (1630). Самарқанд.
- Саррофлар ҳаммоми (XVI аср). Бухоро.
- Сирли масжид (XIX аср боши). Наманган.
- Ситораи Моҳи хоса (1825-1920). Бухоро.
- Сўфи Оллоёр масжиди (1713). Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани.
- Толиб маҳсум мадрасаси (1910). Хива.
- Тошдарвоза (XVIII-XIX асрлар). Хива.
- Тоқи заргарон (XVI аср). Бухоро.
- Тоқи саррофон (XVI аср). Бухоро.
- Тоқи телпакфурушон (XVI). Бухоро.
- Тўрамурод минораси (1888). Хива.
- Тўрт Шаббоз мажмуаси (1874-1885). Хива.
- Усмон Сайд бобо мақбараси (XVI – XIX асрлар). Хоразм вилояти.
- Уч авлиё мақбараси (1549, 1821). Хива.
- Файзобод хонақоҳи (1598-1599). Бухоро.

Хайробод эшон мақбараси (XVIII аср). Тошкент.

Халифа Худойдод мажмуаси (1777). Бухоро.

Халфа Тилло мажмуаси (XX аср боши). Кўқон.

Харисбобо мақбараси (XVIII - XIX асрлар). Хоразм вилояти.

Хива жума масжиди (1788). Хива.

Худоёрхон саройи (XIX аср II ярми). Кўқон.

Хуржун мадраса (1688). Хива.

Хўжа Аъламбардор мадрасаси (XIX аср). Тошкент.

Хўжа Амин қабри (XVIII аср). Наманган.

Хўжа Баҳридин мақбараси (XIX аср). Тошкент.

Хўжа Дониёр мақбараси (XX аср боши). Самарқанд.

Хўжа Зайниддин Хонақоҳи (XVI аср I ярми). Бухоро.

Хўжа Имконагий хонақоҳ (XVI - XVII асрлар). Қашқадарё вилояти.

Хўжа Мағиз мақбараси (XVIII аср I ярми). Марғилон.

Хўжа Муҳаррам мадрасаси (1839). Хива.

Чадоқ масжиди (XVIII аср). Наманган.

Чақар масжиди (1911). Марғилон.

Чил авлиё минараси (XIX аср). Хива.

Чор минор (1807). Бухоро.

Чор бакр ансамбли (XVI - XIX асрлар). Бухоро.

Чўпон ота масжид мақбараси (XVIII - XX асрлар). Тошкент.

Шайх Қаландарбобо мақбараси (XVI аср). Хива.

Шайх Ҳусайнбобо мақбараси (XVI - XVIII асрлар). Хива.

Шайхонтоҳур мажмуаси (XV - XIX асрлар). Тошкент.

Шарифбой мадрасаси (XVIII аср). Қарши.

Шердор мадрасаси (1619-1636). Самарқанд.

Шермуҳаммад мадрасаси (XVII - XVIII асрлар). Қарши.

Шерғозихон мадрасаси (1719-1726). Хива.

Шоводхўжа бобо мақбараси (XVII - XVIII асрлар). Хоразм вилояти.

Шоҳи Зинда ансамбли (XI - XX асрлар). Самрақанд.

Шоҳи Мардон мажмуаси (XIX аср). Хоразм вилояти.

Юнусхон мақбараси (1559). Фарғона вилояти.

Юсуфхон эшон мақбараси (XVIII аср). Фарғона вилояти.

Юсуф Ясовулбоши мадрасаси (1906). Хива.

Ўғлонжон ота мақбараси (XVIII - XIX асрлар). Қамаши.

Қаландархона масжиди (1909-1910). Каттақўргон.

Қамаши сардобаси (1892). Қашқадарё вилояти.

Қарши намозогоҳи, кўк гумбаз (1590-1591). Қарши.

Қаффол Шоший мақбараси (XVI аср). Тошкент.

Қози қалон мадрасаси (1905). Хива.

Қорихона (1863-1877). Хива.

Қорихона хонақоҳи (XVII - XVIII асрлар). Фарғона вилояти.

Қосим шайх хонақоҳи (XVI - XX асрлар). Навоий.

Қутлугмурод Иноқ мадрасаси (1804-1812). Хива.

Қўшдарвоза (XX аср боши). Хива.

Кўқон жоме масжиди (1809-1822). Кўқон.
Фиштили масжид (XX аср боши). Кўқон.
Фойибназар мадрасаси (XIX аср). Наманган.
Ҳазрати Имом мажмуаси (XVI - XX асрлар). Тошкент.
Ҳазрати Хизр масжиди (XIX аср). Самарқанд.
Ҳасанмурод Қушбеги масжиди (XVIII - XIX асрлар). Хива.
Хофиз Кўҳакий мадрасаси (XVI аср). Тошкент.

Ушбу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, XVI-XX асрлар бошлари маданияти, айниқса моддий маданият соҳасида ниҳоятда улкан бунёдкорлик таъмирлаш ишлари амалга оширилганки, уларнинг барчасини амалдаги исботи ва далилини кўришимиз, кузатишимиз мумкин.

Юқорида номлари келтирилган хонликлар даври моддий маданиятининг бебаҳо дурдоналари бўлмиш меъморий ёдгорликларнинг барчасини бунёд этилишида ўзларининг заҳматли, заргарона, маҳоратли санъатлари ва фидокорона меҳнатлари билан улкан ҳисса қўшган меъмор усталарнинг ўрни, меҳнати ва санъати алоҳидадир. Ушбу даврларда ҳалқ орасидан етишиб чиқсан юзлаб бундай меъморлар яшаб, ижод этиб, ўзларига ўлмас ҳайкал ясад кетганлар деб айтилса, муболаға бўлмас. Қуйида улардан айримларининг номлари ва хизматлари ҳақида ҳам қисқача таъриф беришга жазм қилиндики, мақсад, азиз ўкувчи улар ҳақида ҳам бир оз маълумотга эга бўлсинлар.

Абдужаббор меъмор (XVII аср). Шердор мадрасасининг меъмори (1619-1636). Мадраса пештоқи ичидаги равоқ тепасига «Устод мулла Абдужаббор меъмор» деган ёзув оқ кошинлар билан терилган.

Абдураҳим тоштарош - Нурота тумани, Ғозғон қишлоғида туғилган (1870-1938). Машҳур тоштарош, ҳалқ устаси, меъмор. Бухородаги Ситораи Моҳи хоса саройидаги икки шер ҳайкали Абдураҳим уста санъатининг нодир намунаси. Карманадаги Султонобод-Олчин боғи безаклари, Ғозғондаги Шоҳимардон мармар масжиди безакларида Абдураҳим уста фаол иштирок этиб, ўз санъатини намойиш этган.

Абдуқодир муҳандис (XIX аср II ярми-XX аср бошлари). Самарқандлик ҳалқ меъмори, кошинсоз уста. Бир неча ўнлаб меъморий ёдгорликларни кошинлаган, таъмирлаш ишларида мунтазам фаол иштирок этган. Бир неча хориж давлатларида ҳам ўз санъатини намойиш этган. Самарқанд Регистонида тошдан «Қуёш соати»ни қурган.

Абдуқодир чалdevor (XIX аср ўрталари-XX аср боши). Самарқандлик меъмор, ғишткор, дурадгор ва тоштарош. Самарқанддаги кўплаб машҳур моддий маданият иншоотларини таъмирлашда раҳбарлик қилган ва шахсан ўзи бу ишда мунтазам намуна кўрсатган.

Абдужаббор хитойли (XVIII аср охири-XIX аср ўрталари). Хивалик кошинкор уста. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Кўҳна Арк мажмуаси ва бошқа биноларни безашда қатнашган.

Абдулла жин (XIX аср). Хивалик кошинкор. Ижоди нафис, гулдор нақшларга бой бўлган. 1832-1838 йилларда Хивадаги бир қатор иншоотларни турли хил нақшлар билан безаган.

Юнус Азизов (1860-1924). Самарқандлик меъмор, ганчкор уста. Мадраса, масжид, ҳаммом ва бошқа бинолар устаси сифатида машхур бўлган. Каттакўрғондаги Абдуҳакимбой мадрасаси (1903), Жиззахдаги мадраса (1908), Самарақанддаги Хўжа Юсуф масжиди, Мадаминбой ҳаммоми, Панжобдаги Ҳожи Рахим ҳаммоми (1909), Ҳазрат Хизр дарвозаҳонаси, минораси (1919), Самарқанддаги Янги мадраса (1910) қурилишларида ўз санъатини намойиш этган.

Тошпўлат Арслонқулов (1882-1962). Тошкентлик ганч ўймакори. Отаси билан болалигидан ишлаб хунар ўрганганд. Тошкентдаги ҳозирги Амалий санъат музейи биносини миллий ўйма нақшлар билан безашда қатнашган.

Боязид Пуроний (XV аср II ярми-XVI аср бошлари). Бухоролик машхур хаттот. Бухородаги Масжиди Калон (1514) меҳробини чиройли қилиб хатлар билан безаган.

Насриддин Зиёқориев (1869-1942) Тошкентлик панжарасоз, дурадгор. Рангбаранг нақшли панжара, эшик дарча, туйнук, зинапоя каби меъморий қисмлар, 3-4 табақали тўсиқлар ясаган. Кўплаб шогирдлар етиштирган.

Абдуғани Латипов (1878-1953). Самарқандлик наққош. Хўжа Юсуф, Маҳмуд Хоразмий масжидлари, Абду Дурун масжиди айвони (1908-1909), Кўк масjid, Шайбонийхон масжиди, Боғи баланд (1910) ва бошқа биноларни безашда қатнашган.

Муҳаммад Шариф Самарқандий (XVII аср). Самарқандлик меъмор, гумбаз барпо этиш бўйича мутахассис. Аградаги Тожмаҳал мақбараси безаклари орасида (1632-1650) ҳам номи сақланган.

Облоқул «Голиб» (1831-1917). Ургутлик чўпкор меъмор. «Голиб бува» номи билан машҳур бўлган. Ургутда Жума масжиди, Чўбин масжиди, Ургутлик эшон масжиди, Чорчинор қишлоғидаги Гузни масжидини қуришда қатнашган.

Уста Рахим (XIX аср охири - 1924). Самарақандлик тоштарош, ўймакор уста. Тоштарошлар авлодидан. Тошкент, Кўқон, Самарақандда катта устахоналари бўлган. Мармарни йўниб кўза, пойустун, тахтачалар ва бошқа буюмларни ишлаб, уларни бўртма ислимий ва ҳандасий нақшлар билан безаган.

Уста Абдузоҳид (1852-1917). Самарақандлик моҳир наққош. Абдудурун мажмуасидаги Янги айвон, Шоҳи зинда масжиди айвони (1908-10), Боғи баланд масжиди (1910), Маҳмуд Хоразмий масжиди ва бошқаларни нақшлаган.

Уста Азим (1853-1895). Самарақандлик ганчкор, бинокор. Қорабой оқсокол масжиди гулдастаси, Муборак масжиди, Шарбатдор масжиди ва бошқаларни ганчлашда қатнашган.

Уста Омонилла (XIX аср ўрталари - 1900). Самарқандлик ғишткор, ганчкор, қурувчи. Регистондаги барча меморий обидаларни таъмирлашда қатнашган. Калантаров уйи рўпарасидаги даҳа масжидини қурган.

Уста Ҳудойберган ҳожи (XIX аср охири - XX аср боши). Хивалик ғишткор, тоштарош. Мадрасалар қурилиши устаси. Исломхўжа мадраса ва минораси унинг саъии-ҳаракатлари билан қурилган.

Уста Ширин Муродов (1879-1957). Бухоролик мемор, ганч ўймакори. Бухоро амирининг Карманадаги саройини безашда қатнашган. Ситораи Моҳи хосадаги Оқ зал безаклари унинг санъати намунасиdir.

Олимжон Косимжонов (1878-1952). Тошкентлик наққош. Тошкентдаги Амалий санъат музейи биносини безашда қатнашган. Кўпгина жамоат бинолари безаклари ҳам унинг санъати намунасиdir.

ДОСТОНЧИЛИК - БАХШИЧИЛИК ИЖОДИ

Достончилик ва бахшичилик халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимги эпик анъана бўлиб, унда дастлаб қўшиқ шаклидаги, мусиқа созларисиз куйланадиган асарлар яратилган. X-XI асрлардан эътиборан дўмбира сози жўрлигидаги айтила бошланган. Достончиликнинг бундай илк намуналари Каспий ва Орол бўйларида қадимги кўчманчи туркий қабилалар орасида вужудга келган.

Уларда секин-аста устоз-шогирдлик анъаналари ҳам пайдо бўла бошлаган. Бу ҳолат XV-XVI асрларга келиб бир нечта достончилик мактабларининг вужудга келишига ҳам олиб келган.

Юртимизда хусусан XVI асрлардан кейинги даврларга келиб достончилик-бахшичилик санъати соҳасида ўзига хос юксалиш рўй бера бошлаган. Манбаларга қўра, бу даврда бахшилар репертуарида 150 дан ортиқ халқ достонлари бўлиб, уларни куйловчи Тилла кампир, Султон кампир, Жолмон бахши, Бўрон шоир, Жуманбулбул, Жоссок, Хонимжон Халфа, Буви шоира, Суяв бахши, Амин бахши, Йўлдош булбул, Султонмурод, Қурбонбек, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Шерна юзбоши каби юзлаб вакиллари халқ йигинларида, турли сайил-тантаналарда ва бошқа тадбирларда элга хизмат қилиб юрганлар.

XIX аср охири-XX аср бошларида эса Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Сайдмурод Паноҳ ўғли, Берди бахши, Абдулла Нурали ўғли, Умир бахши, Бола бахши, Аҳмад бахши каби етук, машхур бахшилар ўзларига замондош бошқа бахшилар билан ҳамкорликда ушбу эпик анъанани давом эттирганлар.

Достончиликнинг Булунғур, Нарпай, Қўрғон, Хоразм, Шахрисабз, Шерободдаги йирик мактабларидан ташқари Қамай, Пскент, Кўлбуқон, ўзбеклақай мактаблари услублари ҳам мавжуд. Масалан, Қашқадарёning Қамай қишлоғи достончилик мактабининг Абдукарим Жуйруқ (XIX аср), Мулла Холназар ўғли (XIX аср охири - XX аср боши), Бозор Шерқул ўғли (1877-1953), Ҳазратқул бахши (XIX аср II ярми - XX аср бошлари) каби қатор етук бахшилари бўлган.

Достончилик-бахшичилик ижодининг етук, машхур вакиллари бугунгача ҳам элимизга хизмат қилиб келмоқда.

Куйида XVI-XX аср бошларида яшаб, ижод этган достончи-бахшиларнинг айрим йирик вакиллари ҳақида маълумотлар бермоқдамиз.

«Юсуф ва Аҳмад» - XVI -XVII асрларда Хоразмда яратилган ўзбек халқининг машхур достони. Достон дастлаб оғзаки анъана асосида яратилган, кейинчалик XVIII асрда туркман шоири Қурбонали Маъруфий томонидан унинг ёзма варианти юзага келган. Асарда қаҳрамонлик, севги-садоқат, ёр-диёр меҳри, тинчлик учун кураш ғоялари куйланган. Достон туркман, қозоқ, уйгур, ўзбек, қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарқалган. Унинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, достоннинг Хоразм варианти немисча таржимаси билан биргаликда Венгер олими Ҳ.Вамбери томонидан дастлаб ундан олинган парчалар ҳолида 1867 йилда Лейпциг шаҳрида, сўнг тўла равишда 1911 йилда

Будапештда чоп этилган. Шарқшунослик институти фондида достоннинг кўлёзма нусхалари, Тил ва адабиёт институти фольклор архивида эса халқ бахшиларидан ёзиб олинган вариантлар мавжуд.

Жиен Жиров (1730-1784). Қорақалпоқ халқ бахшиси. Сирдарёning ўнг ирмоғи - Жангадарё бўйида туғилган. Балиқчилик билан шуғулланган. Ўзи шеър ёзиб, куй басталаб ижро этган. Аксарият ижодида ижтимоий ҳақсизлик, амалдорлар кирдикорлари хақида куйлаган. Халқ достонларини ниҳоятда моҳирлик билан куйлаб, халқга хизмат қилган. Қияс Жиров, Қурбонбой бахши, Ўтепнияз Жиров каби таниқли бахшилар унинг шогирдлари бўлганлар.

Жуманбулбул Мулла Холмурод (1818-1886). Самарқанд вилояти, Нурота тумани, Кўрғон қишлоғида туғилган. Ўзбек достончиси. Эргаш Жуманбулбулнинг отаси. Унинг ота-боболари, момоси Тилла кампир, акалари Жассоқ ва Ёрлақаб бахшилар ўз даврининг йирик достончиларидан бўлган. Халқ достонларини маҳорат билан куйлагани учун «булбул» номини олган. Достончининг айрим ҳажвий термалари ҳам оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган.

Жиенмурат Жиров Бекмуҳаммад ўғли (1836-1908). Тўрткўл туманидан. Қорақалпоқ достончиси. Куйлаган достонларидан энг йириги бўлмиш «Алпомиш»ни фольклоршунос А.Диваев Тошкентда нашр эттирган. Жиенмурат бадиҳагўй шоир сифатида ҳам танилган бўлиб, «Алпомиш» достонини ўзи ижод этган қўшиқ билан тугаллаган.

Шерна бахши (Шерназар Бекназар ўғли) (1855 й. - XX аср I ярми). Сурхондарё вилоятидан. Бахши, достончи. Шеробод достончилик мактаби вакили. Бахшилар оиласида туғилган. 9-10 ёшларидаёқ дўмбира чалиб, куйлай бошлигар. Шерободлик Қосим бахшига шогирд тушган. Шерободдагина эмас, Сурхондарё, Қашқадарё, ҳатто Туркманистон ва Тожикистонда ҳам машхур бўлган. Унинг репертуарида 50 дан ортиқ достон, термалар ва дўмбира куйлари бўлган. Ражаб бахши, Юсуф бахши, Мардонқул бахши каби 20 дан ортиқ шогирдлар етиштирган.

Хурлимон (1861-1906). Мўйноқ тумани. Қорақалпоқ шоира- бахшиси. Халқ орасида «Бахши қиз» лақаби билан машхур бўлган. Бердақнинг қизи. Адабиёт ва санъатга ёшлигидан қизиқкан. Отасидан кўплаб қўшиқ ва достонлар ўрганган. «Бозиргон», «Ошиқ Нансаб», «Давлатёрбек» достонларини халқ ичида куйлаган. Турли маросим қўшиқларини маҳорат билан ижро этган. Навоий, Маҳтумқули ижодини мутолаа қилиб, уларга эргашиб шеърлар ҳам ёзган. Хурлимоннинг қўшиқ ва достонлари Қорақалпоқ ва Хоразм аҳолиси ўртасида машхур бўлган.

«Келиной» - XIX асрда яратилган халқ достони. Сурхондарёда, Қашқадарёда, шунингдек, Тожикистон ва Туркистоннинг жанубий ҳудудларида яшовчи ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган. Дастлаб нақл, ривоят ва термалар сифатида юзага келган. Кейинчалик эса яхлит ва мустақил сюжетли достон

шаклига келтирган. «Келиной»да ва шу туркумдаги бошқа достонларда хотин-қизлар эрки ва халқ озодлиги масалалари илгари сурилган.

Нурмон Абдувой ўғли (1862-1940). Самарқанд вилояти, Пойариқ туманида туғилған. Ўзбек халқ достончиси. 40 ёшида Абдухолиқ бахшидан фотиҳа олиб, мустақил достончи бўлиб етишган. Дастреб анъанавий достон ва термаларни куйлаган. Айниқса унинг «Намоз» ҳақида чоризмга қарши курашган Намоз Пиримқул ўғли ҳақидаги достони ўзбек халқ оғзаки адабиётида ўчмас из қолдирган. Уни Намоз ўлгандан сўнг ҳам куйлаб юрганлиги учун ҳам таъқиб этилиб, 1914 йилда қамоққа олинган. 1917 йилда озодликка чиқарилган.

Абулла Нурали ўғли XIX аср II ярми - XX аср I ярмида яшаб ижод этган китоблик бахши-шоир. Ёшлигидан чўпонлардан дўмбира чертишни ўрганган. Абулла XIX аср II ярми ва XX аср бошларида яшаган Шахрисабз достончилик мактабининг йирик вакили Ражаб бахшининг шогирди. Унинг достончилик йўлларини тўлиқ ўрганиб, 25 ёшида мустақил достончи бўлиб етишган. У, айниқса қаҳрамонлик достонларини шўх айтиши, куйларини ёқимли ижро этиши билан бошқа достончилардан ажralиб турган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937). Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани, Кўргон қишлоғидан. Ўзбек халқ шоири ва достончиси. Унинг отабоболари, қариндошлари достончи ўтган (Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Тилла Кампир, Султон Кампир, Жуманбулбул, Жоссоқ, Ёрлақаб кабилар ўз даврининг машҳур бахшилари эди). Эргаш Жуманбулбул ўғлининг достончи ва шоир бўлиб етишувида оиласи ва яшаган қишлоғидаги адабий муҳит муҳим ўрин тутган.

1887-1889 йилларда Эргаш Жуманбулбул ўғли Бухоро амирлигининг Нурота беклигига Мирза (котиб) бўлиб ишлаб, маҳаллий амалдорларни халққа қилаётган зулмининг гувоҳи бўлди ва тезда бу вазифадан воз кечган. Ўлкада қаҳатчилик, вабо тарқалиб укалари, сингиллар, фарзандлари вафот этган. 15 йилга яқин достончилик қилмай оддий, оғир меҳнат билан шуғулланган. Туркистонда шўролар хукмронлиги ўрнатилгач, Эргаш Жуманбулбул ўғли амирлик худудидан чиқиб кетиб шаҳар, қишлоқларда қиссаҳонлик, шеърхонлик ва достончилик қила бошлайди ва достончилик санъати ривожига улкан ҳисса қўшади. Унинг ижоди бой ва хилма-хил бўлган. 30 га яқин достонларни ва термаларни ёд билган.

Ислом Шоир Назар ўғли (1874-1958). Самарқанд вилояти, Нарпай туманидан. Ўзбек халқ бахшиси. Болалиқдан дўмбира созига меҳр қўйган. Катта бобоси Ражаб шоир ўз даврини моҳир ва машҳур бахшиси бўлган. Ислом ўз бобосидан ва устози Эрназар шоирдан достонлар айтишни ўрганган. 22 ёшидан достонларни дўмбира сози билан куйлаб, эл орасида танила бошлаган. Айниқса у куйлаган «Алпомиш», «Кунтуғмуш», «Орзигул», «Авазхон», «Соҳибқирон», «Гулихиромон» каби достонлар эл орасида кенг тарқалган. Шунингдек, Ислом шоир халқ қўшиқлари ва эртакларини ҳам маҳорат билан

куйлаган. XX аср бошларидағи давр воқеаларини бошидан кечирған шоир бу даврнинг яхши-ёмон кунларини ўз ижодида кўрсатишга ҳаракат қилган.

Курбонбой Жиров Тожибой ўғли (1876-1958). Тўрткўл туманидан. Достончи. Жиенмурод Жировнинг яқин шогирди. Ёшлигидан халқ қўшиклари ва достонларида парчалар ёдлаб юрган. Достонларни ўзбек ва қорақалпоқ тилларида куйлаган. Унинг репертуарида 20 дан ортиқ достон бўлган. Шундан «Алпомиш», «Қирқ қиз», «Ширин билан Шакар» 17 та достонлари ёзиб олинган.

Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955). Жиззах вилоятидан. Ўзбек халқ шоири, бахши. Йўлдош Мулла Мурод ўғлиниң шогирди. Булунғур достончилик мактабининг энг йирик ва сўнгги вакили. Етимлиқда ўсиб, чўпонлик қилган. Ёшлигига дўмбира чертишни, терма айтишни машқ қилган. 20 ёшларида Йўлдош шоирдан достончилик сирларини ўрганган. 25-26 ёшларида етук достончи сифатида танилган.

У «Алпомиш», «Ёдгор», «Муродхон», «Гўрўғлиниң туғилиши», «Зулфизар» каби 40 дан ортиқ халқ достонларини ёддан билган ва юксак маҳорат билан куйлаган. Фозилниң устози Йўлдош шоир ўз даврининг машхур достончи-бахшиси Йўлдош булбулниң шогирди бўлган. Йўлдош булбулга эса ўз навбатида XVIII асрнинг II ярмида яшаб ижод этган Мухаммад шоир устозлик қилган. Ушбу мактаб Чинни бахши, Товбузар шоир, Султонмурод, Кўлдош, Раҳим булбул, Жўра, Фозил шоир каби ўнлаб достончиларни бирластирган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу йирик мактаб вакиллари Фарғона водийсидаги ўзбек достончилариға ҳам ижобий таъсир кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам водийдаги машхур баҳшилар, жумладан, Янгиқўғон туманидаги Кўлбуқон достончилари ўз устозларини Булунғур достончилик мактаби билан боғлайдилар.

Усмон Маматқул ўғли (1880-1941). Учқўғон туманидан чиққан ўзбек халқ достончиси. Ундан «Бўтакўз», «Шоҳдархон», «Қундуз билан Юлдуз» достонлари ёзиб олинган. «Бўтакўз», «Шоҳдархон» достонлари алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр этилиб, китобхонларга тақдим этилган.

Мардонқул Авлиёқул ўғли (1886-1966). Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидан чиққан ўзбек халқ достончиси. Мардонқул бригада бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли бўлиб ишлаган. Отаси моҳир дўмбирачи бўлган. Устози Шерна Бекназар ўғлидан 20 дан ортиқ халқ достонларини ўрганган ва куйлаб юрган. Мардонқулдан «Алпомиш», «Зайдқул», «Оллоназар Олчинбек» каби қатор достонлар ёзиб олинган.

Хайдар Бойча ўғли (1882-1970). Янгиқўғон туманилик ўзбек халқ баҳшиси, эртакчиси. Амакиваччи Чўлибой Кўшал ўғлига шогирд тушган. Хайдар Бойчадан «Қундуз билан Юлдуз», «Алпомиш», «Гўрўғлиниң туғилиши», «Гўрўғлиниң Авазни олиб келиши», «Авазнинг арази», «Юсуф ва Аҳмад» каби достонлар, халқ эртаклари ва термалар ёзиб олинган. Унинг кўпгина эртаклари «Ўзбек халқ эртаклари» тўпламида нашр этилган.

Ўтаниёз Жиров (1884-1970). Қорақалпоғистонлик оқин. Эрпўлат оқиннинг шогирди. Ёшлигидан халқ қўшиқларини куйлаган. Дастрраб Бойниёз бахши қўшиқларини ёд олиб куйлаб юрган. 19 ёшидан эса устозидан қўбиз чалишни, «Алпомиш», «Эдига», «Шахриёр» достонларини ўргангандан.

Ўтаниёз Жировдан «Шахриёр» достонининг мукаммал варианти ёзиб олинган. Рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, нашр эттирилган. Ундан ёзиб олинган достон, қўбиз куйлари, термалар Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали кутубхонасида сақланмоқда.

Дурди Килич (1886-1950). Туркман халқ шоири, бахшиси ва халқ оғзаки ижодининг билимдони. Болалигидан кўзи ожиз бўлган. Бахшилардан достон айтишни ўргангандан. Ижро этган достонлари, ёзган шеърлари ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарқалган. Ўз ижодида халқнинг ўтмиши, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти, аёлларнинг хақ-хуқуқини ҳимоя қилиш масалаларини куйлаган.

Ёрлақаб Бахши (1888-1971). Зомин туманилик ўзбек достончиси. Дастрраб машҳур бахшилардан Омон бахшига, сўнгра эса Худойназар бахшига шогирд тушиб, моҳир достончи сифатида танилган. Ёрлақаб бахши кўпроқ Фарғона водийси туман ва қишлоқларида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида достончилик билан шуғулланган. Ёрлақаб бахшидан бир қанча анъанавий ва замонавий термалар ва «Алпомиш», «Маликаи айёр», «Чорёр» достонлари ёзиб олинган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, хонликлар таркибида бўлган ҳозирги Тоҷикистоннинг жанубида яшаган ўзбек-лақай бахшилари ижоди ҳам ҳозирги Данғара тумани, Жорбуқўл қишлоғи бахшилари Ҳайбат Шамол ўғли (XIXаср), Тўла Ҳайбат ўғли (XIX аср II ярми-XX аср ярми), Мустафоқул Қундуз ўғли (1883-1966), Шомурод Шамол ўғли (1883-1964) ва бошқалар ижоди билан боғлиқ бўлиб, бир қанча достончилик мактаблари уларни бир-бирига бирлаштирган.

ТЕАТР, КИНО, ҚҰҒИРЧОҚБОЗЛИК, ҚИЗИҚЧИЛИК- МАСХАРАБОЗЛИК, АСКИЯ, ЦИРК-ДОРБОЗЛИК САНЬАТИ ИЖОДИ

Театр - (юонча - томошагох) – санъатнинг бир тури. Унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ижроси жараёнда акс эттириладиган саҳнавий воқеадир. Театр санъатида ҳам халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши, муаммо ва шодликлари акс этиб, унда жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгаришлар, такомиллашувлар кечиб боради. Театр санъати тарихи жуда узок даврларга бориб тақалади. Юртимизда унинг илк куртаклари ибтидоий жамоа даврларида ёш шаклланган. XVI-XVII асрларда Ғиёс масхара, Хожа Дехдор, Абдулла девона, Абдулвосеъ мунши, Саид Бадр каби театр санъатининг етук намояндлари етишиб чиқиб элга хизмат қилганлар.

Театрнинг кулгили турлари – қизиқчилик, масахарабозлик, құғирчоқ ўйинлар ҳам аста-секин бадиий томоша тизими сифатида ташкил топган ва санъат турига айланган. XX аср бошларида илк ўзбек киноси санъатига ҳам асос солинган. XVIII-XIX асрларга келиб театрнинг асосий турлари сақланиб, репертуар ва ижро услубида ўзига хос хусусиятлар, такомиллашувлар, ижодий ёндашувлар ривожланиб борган.

Айниқса, бу даврларда бошқа ҳеч бир миллат ижодида учрамайдиган ўзбек асия санъати ҳам ривожланиб борган. Асия - (арабча закий - ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб) ўзбек халқ оғзаки ижоди туридир. У икки ёки ундан зиёд киши ўртасида сайил, тўй, байрамларда, саҳналарда ижро этиладиган маълум мавзу бўйича бадиий сўз тортишувидир. Бу санъат тури асосан XV асрларда шаклланган.

XVI асрда Мавлоно Бурхони Ланг, Саид Ғиёсиддин Шарфа, Мавлоно Ҳалил Саҳоф, Муҳаммад Бадаҳший каби етук асиячилар етишиб чиқсан, XVIII-XIX асрларда эса бу ижод Фарғона ва Тошкентда ривожланган. Фарғонада Дехқон Шерназаров (1860-1942), Тошкентда Саидаҳмад асиячи (1880-1940) каби машхур асиячилар ўтган ва уларнинг донғи узок худудларга ҳам ёйилган. Асия санъати бугунги кунгача анъанавий давом этиб келмоқда.

XVIII асрларга келиб эса цирк-дорбозлик санъати ижоди ҳам ўзига хос ривожланишда давом этиб, халқ орасидан ушбу санъат турларининг етук намояндлари етишиб чиқсанлар ва улар ўша даврлардаги аждодларимизга сидқидилдан хизмат қилганлар. Юқорида қайд этилган ижод турларининг барчаси ҳозирги кунгача янада бойиб, ўзининг самарали натижаларига эришиб келмоқда.

Қуйида ушбу ижод турлари намояндлари ва уларнинг ижодлари хақидаги қисқача маълумотларни бермоқдамиз.

Абдузойир сулоласи (1786-1860). Самарқандлик қўғирчоқбозлар авлоди. Абдузойир - меҳтар, сурнайчи ва қўғирчоқбоз бўлган. Давомчиси Новвот бобо эса (1835-1904) қўғирчоқбоз, доирачи, рақкос ва созанда эди. У қўғирчоқ театрнинг бир тури - «чодир хаёл» устаси бўлиб, халқ санъати анъаналари асосида муваққат чодир театри ташкил қилиб, томошалар кўрсатган. Уларнинг

давомчиси Қули бобо Новвотов эса қўғирчоқбоз ва сурнайчи бўлиб, то Бухоро амирлиги тугатилгунча ва ундан кейин ҳам қўлга кийиладиган қўғирчоқлар томошаларини кўрсатиб, халққа хизмат қилиб келган.

Абдукаримхўжа сулоласи - ғиждувонлик қўғирчоқбозлар сулоласи:

- 1) Абдукаримхўжа (1800-1870) - сурнайчи ва қўғирчоқбоз;
- 2) Сиддиқ Калон (1858-1940) - созанда ва мақомчи ҳофиз, қўғирчоқбоз. Масхарабоз, қўғирчоқбоз ва найрангбозлар гуруҳига раҳбарлик қилган. Гурухнинг таркибида XIX асрнинг машҳур санъаткорларидан Файзи меҳтар, Шоди пучук, Тўхта ноғорачи, Азиз муаллақ, Ҳамро масхарабоз, Сайфиддин шербоз кабилар халққа хизмат қилган.
- 3) Холмурод бобо Сиддиқов (1891-1967) - қўғирчоқбоз. Сулоланинг бу вакили хонликлар даврининг сўнгги пайтигача ва кейинги давларда ҳам ўз санъати билан халққа томошалар кўрсатган.

Абдулла фонус (1828-1914). Тошкентлик халқ қизиқчиси ва тақлид устаси. Асосий касби фонус ясад сотиш бўлган. Турли ёшдаги кишиларга, қуш ва ҳайвонларга тақлид қилган. Тақлидлари кўпинча аччик кулги ва ҳажвдан иборат бўлган. Шу йўл билан у турмушдаги ноҳақлик ва қусурларни, хурофот ва бидъатларни қоралаган.

Аёллар қизиқчилиги (театр) - XVIII-XIX асрларда ўзбек хотин-қизлари орасида кенг тарқалган халқ оғзаки санъатининг бир тури. XIX асрда Қўқонда Иқлим додҳо деган санъаткор раҳбарлигига аёл қизиқчилар гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ репертуари қизиқчилик, кулгили ҳикоялар, ҳажвий қўшиқлар, рақс ва яллалардан иборат бўлган. XIX аср ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти, Ғус қишлоғидан Курсия Рустамова, Рўзихон Шоимова, Қашқадарё вилоятидан Хонгул Олимова, Басгул Қудратова, Тошкент вилоятидан Саломат Муталова, Адолат Турсунова, Андижон вилоятидан Сожида Ниёзматова, Соттихон Ашурева каби аёллардан кўплаб таникли масхарабоз ва қизиқчилар чиққан. Бош мавзу - хотин-қизларнинг кундалиқ ҳаёти, ўй-фикрлари, дардлари, орзу-истаклари, тақдирлари бўлган.

Бидиёршум (XVIII аср II ярми - XIX аср I ярми). Қўқонлик. Асл исми Муҳаммад Солиҳ. Ўзбек халқ анъанавий театрининг актёри ва оғзаки пъесалар ижодкори. XVIII асрда Қўқонда ташкил қилинган профессионал актёрлар уюшмасининг («Касби созанда») етакчиси. Ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Қўшиқларга қуйлар басталаган, рақсларни саҳналаштирган. Актёрлар уюшмасида Худойберди устоз, Рустам ҳофиз, Боймат ҳофиз, Абдураҳмон пари, Аъзамхон қизиқ, Зокир эшон сингари ўз даврининг машҳур, эл эъзозлаган қизиқчи актёрлари, созандалари, ҳофизлари ва ракқослари халққа астойдил хизмат қилганлар.

Худойберган Девонов (1878-1940). Хивалик. Ижоди Тошкентда давом этган биринчи ўзбек кинооператори. 1907-1908 йилларда Москва ва Петербургдан телескоп, фото ва кино асблоблари олиб келиб, илк фотолаборатория ташкил қилган. Бу лаборатория Хоразмда киностудия вазифасини бажарган.

У «Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари», «Туркистон кўринишлари», «Хива ва хиваликлар» каби қисқа метражли фильмлар яратган. Хоразм халқи урф-одатлари тасвирланган мингга яқин суратлар ишлаган. Кейинги йилларда эса мактаб, интернатлар очиб, унда фото-кино ишларини олиб борган.

Дониёр қўғирчоқбоз (XIX аср II ярми - XX аср 60-йиллари). Бухоролик. Халқ қўғирчоқ театри устаси. Томошаларни ўзбек ва тожик тилларда кўрсатган. Бобоси Абдулла, отаси Шоҳсувор ҳам санъаткор бўлганлар. Сурнай чалишни отасидан ва Ашир қора меҳтардан, қўғирчоқ ўйнатишни эса ўша давр машхур қўғирчоқбози Зариф Мисгардан ўрганган. Дониёр 1910 йилда ўз гуруҳини тузган ва машхур қўғирчоқбозлар бўлмиш Кўрҳожи ва Кенжка Жумаевлар билан ишлаган.

Жўра қайроқ авлоди - Ғиждувонлик халқ қўғирчоқбозлари:

- 1) Жўра қайроқ (1796-1898) - машхур халқ қўғирчоқбози, раққос (қайроқ билан рақсга тушган), сурнайчи, қўғирчоқбозлар гуруҳининг раҳбари.
- 2) Ҳамро (1818-1910) - «Чодир ҳаёл» халқ қўғирчоқ театрининг таниқли устаси.
- 3) Нарзулло ва Насрулло Ҳамроевлар (XX аср I ярми), асосан, шўролар даврида қўғирчоқбозлик санъатини давомчилари бўлган.

Зариф Мисгар (XIX аср). Бухоролик атоқли қўғирчоқбоз. Ёшлигидан раққослик қилган, сўнг сурнайчи (меҳтар) сифатида қўғирчоқбозлар билан томошалар кўрсатган, масхарабозлик ҳам қилган. XIX аср ўрталаридан Бухоро амири саройидаги қўғирчоқбозлар ва раққослар гуруҳларига раҳбарлик қилган. Машхур Дониёр қўғирчоқбоз ҳам Зариф Мисгарнинг шогирди бўлган.

Зокир Эшон тўдаси - XIX аср II ярмида Кўқонда ижод қилган ўзбек профессионал актёрлар тўдаси Корфармони (гуруҳ раҳбари). Ушбу гуруҳ Зокир эшон, Ризо қийик, Саъди маҳсум, Нормат қизиқ, Бойбува қизиқ, Мўмин қишлоқи, Баҳром қизиқ, Усмон қизиқ, Рўзи гов, Давлат қизиқ, Авлиёҳон қизиқ каби 30 дан ортиқ қизиқчи-актёр, ҳофиз, созанда ва раққослардан иборат бўлган. Кўқон хонлигининг барча шаҳар қишлоқларида халққа томошалар кўрсатишган. Репертуарлари сатирик сахналар, ҳажвия, асқия, мусиқа, қўшиқ, ашула ва рақслардан иборат бўлган.

Матҳолик қизиқ (1840-1910). Андижонлик. Кўқон қизиқчилар театрининг таниқли актёри. 1860-1972 йилларда Кўқонда машхур Зокир Эшоннинг қизиқчилар гуруҳида ишлаган. 1892 йилда Андижонда Амир қизиқ, Жўра қизиқ, Башир қизиқ, Кал Назар, Ҳасан қизиқ кабилардан иборат труппа ташкил қилган. У яратган «Заркокил», «Домла», «Ҳожи кампир», «Қози», «Кетмон тилаш» каби образлари билан эл орасида машхур бўлган.

Саъди маҳсум (1825-1889). Марғилонлик ўзбек анъанавий театрининг атоқли намояндаси, халқ қизиқчиси. Зокир эшон труппасида ишлаган. «Аттор», «Жафокаш эр», «Домла», «Чавандоз», «Бедана» каби хилма-хил қизиқ образлар яратиб, халқ эътиборини қозонган. Зокир эшон вафотидан сўнг у ўз труппасини тузган ва ўз репертуари, тажрибасини маҳаллий қизиқчиларга ўргатган.

Машхур қизиқчилар Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Мамажон махсум Умрзоков, Сулаймон қори Мирзамахмудов, Усмон қори Раимбоев ва бошқалар унинг шогирдларири.

Мизроб масхара (1848-1918). Шаҳрисабз тумани, Вардон қишлоғида туғилган. Ўзбек анъанавий театрининг атоқли намояндаси. Машхур Бобоёр масхарабозга эргашган. 1878 йилда ўз гурухини тузган. Унда Мухаммад Диёр, Мухаммад Назар, Бўта дароз, Турдиали масхарабозлар, Мавлонча ва Мухаммадали раққослар, Авазмурод доирачи, Эргаш сурнайчи, Рўзи карнайчи каби машшоқлар уюшган эди. Мизроб томонидан турли роллар, образлар яратилган ва кулдирувчи, баъзан йиғлатувчи ҳажвий ашула ва ўйинлар ижро этилган.

Нормат қизиқ сулоласи (1849-1919). Кўқонда ижод қилган. Зокиржон қизиқ гуруҳида катта қизиқчилардан таълим олган. Сўнг ўз гурухини тузган. Унинг гуруҳида Рўзи.gov, Исмоил хўрот, Лўм-лўм Мамажон, Азим бола, Боймат қизиқ, Шомат қизиқ каби кулги усталари тўпланиб, элга хизмат қилишган. Нормат қизиқ уларга ҳам раҳбарлик, ҳам устозлик қилган. Манбаларга кўра Нормат қизиқ 360 та қизиқчилик томошасини билган ва бир йил давомида ҳар куни янги томоша кўрсатиш имконига эга бўлган экан. XX аср бошларидан эса унинг ишини ўғли Пўлатжон қизиқ самарали давом эттирган.

Тошканбоевлар. Ўзбек дорбозлари сулоласи асосчиси Ўзбекистон ва Россия халқ артисти, меҳнат қаҳрамони Тошканбой Эгамбердиев (1866-1963) дир. Тошканбой ўз фаолиятини 7 ёшдан бошлаб отаси Эгамберди ҳожи билан халқ байрам ва сайилларида, шаҳар майдонларида дорбозлик ўйинларини намойиш этишдан бошлаган. XIX аср 80-йилларидан бошлаб мустақил ишлаган, дорбозлик ва симбозлик санъатини мукаммал эгаллаган. Симдор устида 20 дан ортиқ машқлар ижро этган. Шунингдек, 25-30 метр баландликда тортилган қия дор устида мураккаб машқларни, чиғириқда гимнастика усулларини бажарган. 1908 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон саноат ва ҳунармандчилик кўргазмасида қатнашиб, «энг яхши дорбоз ва симбоз» деб топилиб, олтин медаль ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган.

Унинг санъатини фарзандлари, неваралари давом эттиришган.

Тўла масхара (1842-1916). Бухоро яқинидаги Демун қишлоғидан. Халқ масхарабози. Масхарабозликни устози Сайфулло масхарадан (1797-1867) ўрганган. Музаффархон саройида театр труппасининг раҳбари этиб тайинланган. Труппага Жўра масхара, Эргаш масхара, Мурод сиёҳ, Саъди масхара, Абдурауф оқсокол, Холик масхара, Абдурасул корфармон, Саид Мирзабоши, Калли Аббос, Ҳамро гармон, Ота Ашраф мавлоно, Уста Қурдат, Шариф бозингар, Эгамберди чўпбоз каби 20 га яқин санъаткорлар уюшган эди. Тўла масхара ўз ҳамкаслари билан йирик пьеса-спектакллар ҳам яратган. Тўла масхаранинг ўзи эса иқтидорли санъаткор, кенг диапазонли актёр, хушвоноз хонанда, яхшигина созанда, яхши нутқ сохиби бўлган. Унинг касбини ўғли ва шогирдлари давом эттиришган.

Усмон қори Раимбеков (1886-1968). Марғилонлик халқ қизиқчиси. Қизиқчиликни Саъди Махсумдан ўрганган. 20 ёшида рус циркига ишга кириб, Юсуфжон қизиқ билан танишади ва унинг ҳамкорига айланади. У оғзаки танқидий комедияларда ҳам, қуш ва ҳайвонлар тақлиди ижросида ҳам машхур бўлган. Цирк масхарабозлигини ҳам яхши билган. Йирик комедияларда, асқия пайровларида фаол иштирок этиб шуҳрат қозонган.

Хўжаевлар сулоласи - Ўзбек цирк артистлари сулоласи. Кўкон ва Тошкентда ижод қилганлар. Сулола аъзолари замонавий ўзбек циркида чавандозлик ва от ўргатиш тури ривожига катта ҳисса қўшишган. Сулола асосчиси Муҳаммад Хўжаев (таяллуси «Чаққон» - (1886-1971)). Ижодий фаолиятини 8 ёшдан Баратбой раҳбарлигидаги цирк гурухида бошлаб, муаллақчилик, ҳаво гимнастикаси ва масхарабозлик ўйинларида иштирок этган. 1900 йилдан наманганлик Мирзаҳмад циркида машхур муаллақчи Кодир Абдуллаев билан ишлаган. 1905 йилдан Муллабой Мансуров циркида фаолиятини давом эттириб, қизиқчилар ва муаллақчилар гурухида фаол қатнашиб, шуҳрат қозонган.

Кейинчалик унинг қизи ва ўғли цирк санъатини давомчилари бўлганлар.

Латофат Саримсоқова ва Рахмон Абдуҳалиловлар (XIX аср II ярми - XX аср I ярми). Улар раҳбарлигига ҳам ўлкамизда профессионал цирк жамоалари ташкил этилган. Уларнинг репертуари, асосан, анъанавий ўйинлардан иборат бўлиб, айrim ҳолларда Европа томошаларини ҳам ўз ичига олган. Чунки XIX аср охирларидан бошлаб Туркистон ўлкасига Европа услубидаги бир қатор цирк гуруҳлари гастролларга келишган. Германия, Италия, Франция, Англия, Россия, Польша цирк артистлари маҳаллий аҳолини жаҳон цирки билан таништиришган. Бу воқеа эса маҳаллий аҳоли орасидаги цирк санъати билан астойдил қизиқувчиларга таъсир этмай қолмаган.

Мирмулла Шермуҳамедов (1886-1923). Тошкентлик. Шоир, ёзувчи, театр танқидчиси, таржимон. Бекларбеги мадрасасида, рус-тузем мактабида тахсил олган. Ўзбек матбуотида малакали театр танқидчилигини бошлаб берган мунаққид. «Бой ила хизматчи», «Хуррият», «Захарли ҳаёт», «Тухматчилар жазоси», «Андалуснинг сўнгги кунлари» каби қатор тақризларида миллий актёрлик, режиссёрлик санъатига, драматургияга холосона баҳо берган. У дубляж санъатига асос солган таржимондир. «Турон» кинотеатрида намойиш этилган фильмларни рус тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилиб турган.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (1869-1959). Марғилонлик ўзбек анъанавий театрининг йирик намояндаси, рақс санъати устаси, машхур қизиқчи. У 1881-1889 йилларда Зокиржон қизиқ бошлиқ қўқонлик қизиқчилар тўдасида бевосита Саъди Махсумдан таълим олади. 1888-1892 йилларда гуруҳ билан бутун Фарғона водийсини айланиб чиқади. «Чодир ҳаёл» театрида, халқ сайилларида, тўйларда, хориждан келган йирик уюшмалар таркибида қизиқчилик томошалари кўрсатади. Тақлид, ҳажвий бўрттирма образ яратишида, кулги-хикояда, асқия санъатида Юсуфжон қизиққа бас келадигани бўлмаган. Кўплаб шогирдлар етиштирган.

1903 йилда у Саид қиссангана

қўшилиб, Бухорога боради. 1904 йилда Тошкентда Муллабой Мансуров циркида Ортиқ қизик, Собир қори, Қодир қизик, Карим Зариповлар билан бирга Самарқанд, Фарғона водийсида, сўнгра Туркистон, Авлиё ота, Пишпакда бўлиб, ўзбек қизиқчилиги, халқ рақсларини намойиш этади. 1905 йилда шу труппа таркибида Қашқарда бир нечта комедияларни ижро этади. У 1906 йилда Марғилонда қизиқчилар гуруҳини тузади. 1908 йилда Юсуфжон қизик гуруҳи (36 кишидан иборат) Фарғона шаҳрида кўрик-танловда қатнашади. Ўша йили Юсуфжон қизик Абдураҳмон Раҳмонов (1870-1929) цирк уюшмаси билан Бухорога боради. 1909 йилда Санкт-Петербургга келиб, рус балетини томоша қиласи ва циркда машҳур қизиқчи Анатолий Дуров билан танишади. Юсуфжон қизик 1908-1914 йилларда циркчи Филип Юпатовнинг Андижон ва Тошкентдаги чодир циркида Ашир ва Назир қизиқчилар билан бирга қизиқчилик қиласи. 1914 йилда Раҳмон Абдухалиловнинг миллий цирк уюшмасида Ортиқ қизик, Собир қори, Муҳаммад чаққон, Қодир қизиқлар билан комедияларда ижро этади.

У 1918 йилда Марғилонда қизиқчилар гуруҳини қайтадан тузади. Бу гуруҳда машҳур санъаткорлар Усмон кори, Сулаймон қизик, Маматбува ҳофиз, Худойберган ҳофиз, Отахўжа рақкос, доирачи уста Олим Комиловлар фаолият юрита бошлайди. Шу гуруҳда Юсуфжон қизик Тамарахонимга лапар ва рақслардан таҳсил беради.

Шу ўринда XIX аср - XX аср бошларида Хоразмда ҳам масҳарабозлик санъатида талайгина элга машҳур санъаткорлар етишиб чиққанлигини, улар шаҳар ва қишлоқлардаги тўю томошаларда, турли ҳил сайл ва тантаналарда фаол иштирок этиб, халққа астойдил хизмат қилганларини айтиб ўтиш лозим. Улардан Хивалик Худоберган кўр (1845-1940) билан Матчон кўр (1840-1910), Буважон тўқ-тўқ (1870-1940) билан Ёпирди масҳарабоз (1880-1946), Матчон бақай (1865-1930), Урганчлик Навзолим бобо (1818-1925), Гурланлик Буважон сари (1851-1951), Мангитдаги Қипчоқ ва Қиличвой қишлоғидан етишиб чиққан Қувват калта (1827-1910) билан Матёқуб кўр (1880-1920), Болтақул масҳарабоз (1853-1933) билан Қирқин қизик (1829-1915), aka-ука Эшмат (1853-1933) билан Дўсмат (1878-1923) масҳарабоз, Рахматулла ўғли Қурбонниёз масҳарабоз (1851-1914), Юсуф шарлама (1870-1940), Қурбонбой шарлама (1877-1955) ва бошқаларни Хоразмда танилган масҳарабозлар ва ижодкорлар бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлаб турибди.

АМАЛИЙ САНЬАТ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАДАНИЯТИ

Археологик топилмалар, қадимий ёзма манбалар ҳудудимизда амалий санъат, ҳунармандчиликнинг намуналари мезолит даврига бориб тақалишини исботлаб берган. Ўтган минг йилликлар давомида ушбу маданият тараққий этиб, тобора такомиллашиб борган. Жумладан, бу санъат юртимизда XVI-XX аср бошларида ҳам ўзига хос ривож йўлиэга бўлган.

Тўғри, бу даврларда тез-тез бўлиб турган хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар туфайли бадиий ҳунармандчилик кўпроқ пойтахт - Бухоро ва қисман бошқа йирик шаҳарларда: Самарқанд, Тошкент, Хива, Кўқонда тараққий этиб борган.

Айни вақтда, Ўзбекистоннинг барча марказларида, ипак, ип, жун матолар ва тайёр буюмлар ишлаб чиқарилган, попоп, чокли сўзаналар, зардўз буюмлар тайёrlанган. Биноларни безаш, ёғоч ўймакорлиги, кандалорлик мактаблари йўлга қўйилган, амалий безакнинг маҳаллий услублари вужудга келган. Каштачилик, терига ишлов бериш, заргарлик буюмлари ясаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган, ҳайвонларга қўлланиладиган зарур буюмлар (эгар-жабдуқ ва ҳ.к.) ишлаб чиқариш ривожланган. Хусусан Риштон кулолчилик мактаби маҳсулотларининг донғи кенг тарқалган. Фиждувон, Каттакўрғон, Шаҳрисабз, Тошкент кулолларининг буюмлари ҳам ўзига хос бўлган.

XX аср бошларида келиб юртимизнинг барча ҳудудларидаги ҳунармандчиликнинг қадимги анъаналарга асосланган ҳолда, янги, замонавий ижодий услублар билан бойитилган ривожланиш жараёнлари бошланди.

Қуйида ушбу йўналиш вакилларидан айримларининг номлари ва фаолиятлари ҳақида қисқача маълумотларни умумлаштириб, баён этишга жазм қилинди.

Абдулла кулол - XIX асрда яшаган риштонлик кулол. У Риштон ва Кўқонда кошинпаз уста сифатида машҳур бўлган. Шунингдек, Фарғона кулоллари ишларига ҳам бошчилик қилган. Худоёрхон ўрдасининг бош фасадини ранг-баранг кошинлар билан безашда қатнашган. Унинг ишларидан намуналар (сопол идишлар) Ўзбекистон санъат ва Кўқон ўлкашунослик музейларида сақланмокда.

Абдулла жин - XIX асрда II ярми - XX аср бошларида яшаган кошинкор уста. Хивадаги Тошҳовли, Паҳлавон Махмуд мақбараси ва Кўҳна Арк (қабулхона ва айвон масжид) нинг ички ва ташқи деворларини кошин билан безаган. Услубининг ранг-баранглиги унинг барча нақшларида намоён бўлган.

Абдурайим Абдугофуров (XIX аср II ярми - XX аср I ярми). Тошкентлик халқ устаси, Тошкент бадиий читгарлик мактабининг етук намояндаси. Биринчи бўлиб матога гул босиша рўянга ализарин ишлатган ижодкор.

Кулижон Абдуҳакимов (XIX аср II ярми - XX аср I ярми). Бухоролик риҳтагар бўлиб, отаси Абдуҳаким унга устоз бўлган. Мис ва бронзадан зулфин,

халқа, манқалдон, турли ҳажмда занжирларни катта маҳорат билан ясай олган. У ясаган бадиий буюмлар ҳозиргача юртимиз музейларида сақланмоқда.

Азимбой мисгар (XIX аср ўрталари). Қўқонлик хунарманд. «Уста Мулла», «Катта мисгар» номлари билан Фарғона водийсида шухрат қозонган. Азимбой мисгар ясаган чилим, қумғон, дастшу, офтоба ва бошқа хунармандчилик буюмлари Ўзбекистон музейларида сақланмоқда.

Тошпўлат Айубхўжаев (XIX аср). Тошкентлик ўймакор уста. Отаси Айубхўжадан хунар ўрганган. Ёғоч ўймакорлигининг «паргари» услубида ижод қилган. Кўплаб шогирдлар ҳам етиштирган. Унинг ёнғоқ ва чинор ёғочларидан ясалган кўп қиррали стол, курси, қутича ва чилимларнинг нафис ҳандасий нақшлар билан безатилган намуналари республика музейларида сақланмоқда.

Абдуҳафиз Жалилов (1869 - 1954). Самарқандлик дурадгор, ёғочсоз уста, наққош. Самарқанд меъморчилик мактабининг йирик вакили. Дастрраб машхур уста Неъматдан хунар ўрганган. Абдуҳафиз синчли уй қуриш, эшик, сандиқларга безак ясаш ва ислимий нақшлар чизишга моҳир бўлган. Машхур Файзулла уста билан бирга ишлашган. Абдуқодир муҳандис ва уста Боқиев гуруҳида ҳам ишлаб, улардан муқарнас ва гирих тузиш сирларини пухта эгаллаган.

Ашир Фофуров (1876 - 1941). Ўратепалик ёғоч ўймакори, наққош, ўйма эшик ва дарвозалар устаси. Ижодидан ислимий нақш, чока пардозни кенг қўллаш, заминини гурзи уриб безаш кенг ўрин олган.

Ота Полвонов (1867 - 1967). Хивалик ёғоч ўймакори. Бобоси уста Абдусаттор, отаси уста Полвон ўз даврининг йирик хунармандлари бўлган ва Ота Полвонов улардан хунар ўрганган. Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвоза, эшик, устунларини безашда қатнашган. «Умид» усталар ўймакорлик тўгарагига раҳбарлик ҳам қилган.

Юсуфжон Маъруфжонов (1877 - 1960). Марғилонлик ёғоч ўймакори, дурадгор. Ўйма нақшли эшик, ром, деразалар, жавон, курси, қутича кабиларни ниҳоятда нозик дид билан тайёrlаган.

Хайдар Нажмиддинов (1850 - 1960). Фарғоналик ўймакор наққош. Отаси Уста Нажмиддиндан хунар ўрганган. Фарғона ўймакорлик мактабининг асосчиси. 1890 йилдан бошлаб Кўқонда ўйма нақшли эшиклар ва безаклар яратган. «Устаси паранг» лақабини олган. Ижодида паргари нақшнинг 30 дан ортиқ туридан фойдаланган.

Нурилла Нарзуллаев (1870 - 1939). Самарқандлик ёғоч ўймакори. Отаси уста Нарзулла ҳам машҳур усталардан бўлган. Нурилла уста эшик, дарвозаларга ўйма нақш ишлаш устаси сифатида шухрат қозонган.

Абдураҳим Мунтиёни (XIX аср II ярми - XX аср боши). Самарқандлик дурадгор уста. Қаландархона масжиди (1898), Жўш қишлоғидаги Жўш

масжиди (1907), Қорадарё қишлоғидаги Қорадарё масжиди (XIX аср охири) қурилишларида фаол қатнашиб, ўз ҳунарини намойиш этган.

Воис кулол (XIX аср ўрталари - 1913 й.). Хоразмлик кулол, қўзагар, кошинкор. Хивада қурилган кўпгина биноларни безашда фаол иштирок этган. Кулолчиликда шухрат қозонган. Кулолчиликни отаси машхур уста И smoилдан ўрганган. Ўз даврида биринчи бўлиб кошингарлик ишини йўлга қўйган. Исфандиёрхоннинг тарихий саройи ва Европа типидаги касалхона биносини кошин билан безашда фаол иштирок этган.

Насриддин Зиёқориев (1869 - 1942). Тошкентлик панжарасоз дурадгор. Ранг-баранг нақшли панжара, эшик дарча, туйнук, зинапоя, каби меъморий қисмлар, 3-4 табакали тўсиқлар ясаган. Кўплаб шогирдлар етиштирган.

Туроб Миралиев (1869 - 1942). Тошкентлик. Лаганпаз кулол. Тошкент кулоллик мактабининг йирик намояндаси. Кулолчиликда лаган ясаш ва уни безашда машхур бўлган. Отаси уста Мирвалидан ҳунар ўрганган. У чизма гул солишининг ўзига хос услубига асос солган.

Мирза Абдулла Бухорий (1848 - 1918). Самарқандлик. Этнография ва археология соҳалари соҳиби бўлиши билан бир қаторда тўқувчилик ҳунарини ҳам мукаммал эгаллаган. Шойи тўқувчилар оиласида туғилган. У тўқиган атлас ва бекасамлари билан турли ҳалқаро кўргазмаларда Тошкент - 1886 й., Харьков - 1887 й., Париж - 1889 й. кумуш медаллар ва Тошкент кўргазмаси (1890) да катта олтин медаль билан тақдирланган.

Раҳмат Мирзаев (1878 - 1963). Бухоролик зардўз. Бухоро зардўзлик мактабининг йирик вакили. Зардўзликни отаси ва бошқа усталардан ўрганган. Ёшлигидан машхур Қори Ҳасан устахонасида ишлаган. Зардўзлик ривожига катта ҳисса қўшган. Анъанавий нақшларни маҳорат билан қўллаб, амалий санъат намуналарини яратган, нақш мужассамотларини янги хусусиятлар билан бойитган.

Муқаддам Мукаррамов (XIX аср II ярми - XX аср бошлари). Бухоролик кандалкор. Кандакорлик мактабининг йирик вакили. Ўз даврининг машхур устаси Олим Абдусаломовдан ҳунар ўрганган. Мукаррамов кандалкорликда айниқса анъанавий нақшларни маҳорат билан бажарган. Анъанавий нақшлар билан Эрон кандалкорлиги нақшларини уйғунлаштириб қўллаган, буюмларнинг бадиийлиги ва ифодалилигини оширишга эришган. У яратган буюмлар (лаъли, дастшўй ва бошқалар) республикамиз музейларида сақланади.

Каримберган Раҳмонберганов (1870 - 1959). Хивалик тоштарош уста, муҳркан, кандалкор. Бобоси Худойберган Муҳркан ва отаси уста Раҳмонбергандан ҳунар ўрганган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ва Исфандиёрхон ҳовли саройидаги, Қўҳна Арк, Исломхўжа Мадрасаси айвонларидаги устунларга мармардан ўйма нақшли пойустунлар ишлаган. Шунингдек, кўпгина таъмирлаш ишларида ҳам мунтазам қатнашган.

Уста Омонилла (XIX аср ўрталари - 1900 й.) Самарқандлик ғишткор, ганчкор. Қурувчи уста Жалилнинг шогирди. Регистондаги барча меъморий обидаларни таъмирлашда қатнашган. Самарқанддаги Бухоро кўчасида жойлашган даҳа масжидини уста Абдурашид билан ҳамкорлиқда қурган. Тоштериш ҳунари билан ҳам шуҳрат қозонган.

Уста Раҳим Обидов (XIX аср охири - 1924 й.). Самарқандлик тоштарош уста. Тоштарошлар сулоласи вакили. Тошкент, Кўқон, Самарқандда катта устахоналари бўлган. Мармарни йўниб, кўза, пойустун, тахтачалар ва бошқа турли буюмлар ясаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Уста Шариф Саидов (1887 - XX аср I ярми). Бухоролик ёғоч ўймакори, дурадгор уста. Уста Ширин Муродов билан бирга ҳунар ўрганган, Бухоро амири саройида ишлаган. Кўплаб жамоат биноларини (Болоховуз масжиди, Ситораи Моҳи Хоса ва б.) қуришда, Мир араб, Кўкалдош мадрасаларининг таъмирий ишларида қатнашган.

Уста Ширин Муродов (1879 - 1957). Бухоро ва Тошкентда ижод қилган меъмор, ганч ўймакори. Отаси Мурод ва бобоси уста Нодирдан ҳунар ўрганган. Мустақил уста сифатида Бухоро амирининг Карманадаги саройини безашда қатнашиб, танилган. У ўз ижодида ганч ўймакорлиги анъаналарини маҳорат билан қўллаб, янги мазмун ва шакллар билан бойитган. Илк бора нақш заминида қўзгудан фойдаланган, яъни кўзгу устига ганч нақшлар ишлаб, жозибадорликка эришган.

Худоберган Ҳожи (XIX аср охири - XX аср боши). Хивалик ғишткор, тоштарош уста. Мадрасалар қуришга ихтисослашган. Кўпроқ минора, гулдаста, гумбаз каби мураккаб ишларни бажарган. Исломхўжа мадрасаси ва минораси, Қози калон, Абдурасулбой мадрасалари, Матпанобой мадрасаси, Толип маҳсум мадрасаси ва бошқа қурилишларда Худойберган ҳожи ҳунарларидан кенг фойдаланилган.

Сулаймон Хўжаев (1866 - 1947). Тошкентлик ёғоч ўймакори. Тошкент ёғоч ўймакорлиги ҳунарининг йирик вакили. Паргари ва лавҳ бўйича моҳир уста. 17 ёшигача отаси билан ишлаб ҳунар ўрганган. 1891 йилдан уста Тошпўлат Айюбхўжаевдан паргари усулини мукаммал ўрганган. Кўплаб етук шогирдлар тайёрлаган. Ўкув ишлаб чиқариш устахоналарида ўқитувчи, тўгаракларда раҳбар бўлиб ишлаган. 1913 йилдан бошлаб Хўжаев ўз бадиий асарлари билан Санкт-Петербург, Париж ва бошқа халқаро кўргазмаларда иштирок этган. Унинг асарлари ва нақшли буюмлари республика ва кўплаб хорижий давлатлар музейларида сакланади.

Шукурий Фарғоний (XVIII-XIX асрлар). Фарғоналик шоир, ҳунарманд ва наққош. Ёшлигига Самарқандга келиб қолган. Эгарсозлик ва наққошлиқда машҳур бўлган. Ўша даврда Самарқандда қурилган кўпгина биноларда Шукурийнинг нақшлари мавжуд. Амир Насрулло таклифи билан Бухорода ҳам наққошлиқ қилган, шеъриятда ҳам мумтоз бўлган.

Кўқон кандакорлик мактаби - XVIII-XIX асрларда Кўқонда шаклланган кандакорлик хунармандчилиги санъатининг ўзига хос йўналиши. Бу усул ўймаси саёз, лекин аниқлиги билан ажралиб турган. Ўсимликсимон нақшлари ажойиб гуллар ҳосил қилувчи майда қисмлар, ислимий ва гириҳ нақшлари жозибадор бўлган. XIX аср охирларидан бу санъатда нақш таркибида меъморий обидалар, афсонавий ҳайвонлар ва одамлар тасвирлана бошлади. Шунингдек, фабрикада ишлаб чиқарилган идишлар машҳур бўла бошлади.

Ушбу мактаб усталаридан Сиддиқ Отоуллаев, Отаулла Мухаммад Ражаб, Мулла Ҳолик, Фозил Отауллаев, Лутфулла Фозиловлар ишлари айниқса диққатга сазовор бўлган.

Иброҳим Ҳафизов (1870 - 1940). Бухоролик меъмор. Ҳунарни отаси билан бирга ишлаб, уста Ҳалилга шогирд тушиб ўрганган. 1888 йилдан мустақил уста бўлган. Ҳандасий ва ислимий нақш ишлаш санъатини пухта эгаллаган. Хон саройида гилкорлик қилган. арк саройини қайта тиклашда, Бухоро шаҳридан Ситораи Моҳи Ҳосагача бўлган йўлга тош ётқизишида, Карманадаги Абдулаҳадхон саройи, Сарим Султон, Чорбоғ Саримгари, Чорбоғгул саройлари қурилишида фаол иштирок этган.

Алиназар қори (1881 - 1931). Кўқонлик қори наққош, ўзбек мисгар - наққоши. Бадиий ўймакорлик ҳунарини қўқонлик машҳур уста Ҳожи Фозил Отаулла ўғлидан ўрганган. Алиназар мисдан ишланган турли идишларга Кўқон услубида миллий классик нақшлар ўйган ва хилма-хил лирик байтларни моҳирона зарб қилган, у нақш берган ажойиб идишлар Ўзбекистон Давлат санъат музеида сақланмоқда.

Асқар пичоқсоз (1878 - 1964). Андижон вилоятидан. Машҳур пичоқсоз уста. Бу ҳунарманд яшаган Қорасув қишлоғи пичоқсозлиқда Фарғона водийсида шуҳрат топган. У ернинг усталари ясаган пичоқлар узок-узок жойларга тарқалган. Асқар бу ҳунарни Уста Тўхтасиндан ўрганган. Айни вақтда Асқар ўз касбини ўғиллари Бакиржон ва Мамасайдларга ўргатган ва улар ҳам уста даражасига эришган.

Умрзоқ Аҳмедов (1887 - XX аср I ярми). Ўзбек халқ устаси. Ёғочга ўйма нақшлар ишлаши билан танилган. Аҳмедов Кўқон ва Марғилон ўймакорларининг анъаналарини ривожлантирган. У лўла пардоз услубида ёғочга нақшлар солишни моҳирона бажарган. Ёғочга нақш ўйишда қора лак ишлатишни биринчи бўлиб расм қилган. Аҳмедовнинг айrim асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музеи ва республика халқ амалий санъати музеида сақланмоқда.

Бекниёз ўйимчи (1842 - 1924). Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой туманидан. Ўймакор уста. У ясаган нақшлар жуда нозик, мураккаб, турли элементларга бой бўлиб, нағислиги билан ажралиб турган. Бекниёз ясаган муҳр, сабоёқ, сандик, эрганак, устун, эшик каби санъат асарлари Москвадаги Шарқ халқлари санъати музеида ва Санкт-Петербургдаги этнография музеида сақланмоқда.

Бойбобо чиннисоз (XIX аср). Қўқонлик. Машҳур кулол. У ясаган буюмлар шаклиниңг мутаносиблиги, чиннисининг аъло сифати билан ажralиб турган. Идишлар нақши нафис услубда бетакрор маҳорат билан ишланган. Унинг етук шогирдлари ҳам қўп бўлган. Жумладан, машҳур чиннисоз Мусо Конибодомий ҳам у билан хамкорликда ишлаган. Бойбобо ясаган ҳунармандчилик буюмлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланади.

Абдуқодир Бокиев (1850 - 1932). Самарқандлик меъмор, муҳандис, кошинкор. Самарқандда Боқиев яратган 30 дан ортиқ кўркам ва хушбичим бинолар сақланган. У унутилган ўзбек кошинкорлик намуналарини тиклаган. Биноларнинг ички ва ташқи безакларига «қирма» нақшларни маҳорат билан киритиб, қадимий безак услубининг имкониятларини намойиш этишга эришган.

Х У Л О С А

XVI–XX аср 20–йилларигача юртимизнинг барча худудларида яшаган халқларнинг, хусусан, аждодларимизнинг маданий ҳаёти тарихий-географик худуддаги ижтимоий–сиёсий тузум шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ривож топди. Юртимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида маданий ҳаётнинг турли қирра ва йўналишлари ўзига хослик асосида ривожланди. Бу ўтган даврларда юртимизда ҳукмронлик қилган хонлик ҳукмдорлари ўртасидаги ва алоҳида ҳар бир хонликдаги ички қарама–қаршиликлар, таҳт учун курашлар, бойлик, молдунё учун бўлиб ўтган шафқатсиз хунрезликлар ва бошқа талайгина ўта нохуш воқеа ва ҳолатлар бу ривожланишни ўсиб бориш даражасини анчагина пасайтириб юборди. Лекин бу жараёнларга қарамай, юртимизда яшаган аждодларимиз, оддий меҳнаткаш халқдан то уларнинг илмли–зиёли қисмигача ўзлари ёқтирган соҳа ва йўналишларда баҳоли қудрат ижод қилишга ҳаракат қилганлар.

Маданият унинг таркибий қисми бўлган санъатнинг барча турлари соҳасида салмоқли силжишлар, ўсишлар рўй берди, унинг таниқли намояндлари етишиб чиқди. Биз уларнинг қисқача ижодини манбалар асосида таърифлаш билан ҳар бир давр маданият соҳасида ўз йўналишига эга бўлганлигини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Бу даврда хунармандчилик нафақат йирик шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам ўзига хос йўналишда борди. Айнан шу даврда вужудга келган достончилик–бахшичилик кейинги асрлардаги юксалишига ва ҳозирги ривожига мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат қилди.

Илм-фаннинг ривожи асосида юзлаб тарихий–бадиий асарлар, таржима ишлари яратилди. Улар маданиятимиз хазинасида ҳозирги кунгача бебаҳо мерос бўлиб қолмоқда.

Ушбу даврларда юзлаб турли ҳажмдаги меъморий иншоотларнинг бунёд этилганлиги, таъмир ишларининг бажарилганлиги эса моддий маданиятнинг ривожи салмоқли бўлганлигидан далолат бермоқда.

Бу даврда ҳам ижод аҳли китобат, хаттотлик ишларида амалий санъат, мусаввирлик ва тасвирий санъат намуналаридан самарали фойдаланиб, ўзларининг бетакрор санъатларини юзлаб асарларга муҳрладилар. Адабиётда, айниқса шеърият ижодида юкори ютуқларга эришилди, дейилса муболаға бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижоднинг тарихий асарлар яратиш, шеърият соҳалари билан халқнинг деярли барча қатлами вакиллари шуғулландилар. Дарҳақиқат, ўша даврларда яшаб ўтган аждодларнинг аксарияти ўзи шуғулланадиган асл касби ва соҳалари билан бир қаторда ўзида ижоднинг шеърият, мусиқа ва бошқа йўналишларини ҳам астойдил эгаллаганликларидан ўрганилган маълумот ва манбалар ҳам шоҳидлик бермоқда. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, XVI асрнинг йирик мутафаккири, шоир Ҳасанхожа Нисорийнинг машҳур «Музаккири аҳбоб» асарида келтирилган XVI асрда яшаб, ижод қилган шоирлар ҳақидаги маълумотлари ушбу китобнинг шеъриятга бағишлиланган бўлимини янада бойишга сабаб бўлди.

Шунингдек, қўқонлик адабиётшунос олим, шоир Пўлатжон Домулло Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» номли тазкираси ва унда ўша даврда яшаб, ижод қилган 300 га яқин шоири шуаролар ҳақидаги берилган маълумотларнинг биз кўраётган даврга тегишли бўлганларидан самарали фойдаланганлигимиз ва китобда ҳали элимизга деярли бутунлай маълум бўлмаган номлар ва уларнинг ижодидан намуналар келтирганимиз ҳам мазкур китобнинг назарий қимматини ошириди, деб умид қиласиз.

Шуни ҳам қўшимча қилишни истардикки, ушбу даврларда маданиятнинг ўзига хос ривожига давлатлараро маданий алоқалар ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, Бухоро амирлигининг ўзбек-тожик қўшиқчилари Ҳиндистонда бобурийлар саройларида бир неча марта чиқиш қилганлар.

Бу маълумотлар Боқиай Наийнинг «Замзамаи ваҳдат» ва Вожидий Алихоннинг «Матла ал-улум ва мажма ал-Фунун» асарларида ўз аксини топган. Шунингдек, ўша даврларда юртимиздаги йирик шаҳарларни Туркия, Эрон, Афғонистон, Хитой, Москва давлати, Қозон хонлиги, Новгород князликлари билан ҳам фаол маданий алоқаларда бўлганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу китобда келтирилган асосли тарихий маълумотлар, маданий ҳаётдаги ўзига хос ривожланишлар баёни ўша даврлар тарихи, жумладан, маданият тарихи ҳақида бир оз бўлса ҳам қимматли маълумот беради, деган умиддамиз. Ўрни келганда шуни ҳам унутмаслик лозимки, бу даврлар тарихини, унинг маданияти тарихини ҳали ниҳоятда қўп қирралари ўз илмий ечимини кутмоқда. Келажакда бу борада ҳали талайгина илмий изланишлар олиб борилиши, тадқиқотлар ўтказилиши аниқдир.

Изоҳли сўзлар

- Ахтар - юлдуз
- Анфо - нафас, дам
- Ашжор - дараҳтлар
- Амалий санъат - халқ ижодиётининг муҳим соҳаси;
Кундалик турмушда кенг қўлланиладиган уй-рўзгор буюмлари ва бошқаларни шакл ва бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан санъат даражасида яратилиши
- Арса - 1. Майдон, яланг жой;
2. Кенглиқ;
3. Олам, дунё
- Ашраф - энг шарафли, энг хурматли
- Абр - булат
- Афшон - сочувчи, таратувчи
- Анбар - ёқимли хид, ис
- Амал - иш, ижод маҳсули. Санъатда куй ёки қўшиқнинг яратилган шакли.
- Бахр - сув, уммон
- Бобур - шер
- Борон - ёмғир
- Бийм - хавф-хатар, қўрқинч, таҳлика
- Беҳжат - қувонч, шодлик
- Бебок - дангалчи, уятсиз
- Беҳбуд - 1. Яхшилик, тўғрилик;
2. Фойда, нажот
- Бадеъ - гўзал, нафис
- Вақф - бағишлиланган, аталган, тегишли
- Ворас - озод, халос
- Возех - аник, равшан, ҳақиқий
- Ваҳдат - бирлик, яккаю-ягоналик, танҳолик, ёлғизлик
- Ганж - хазина
- Гардун - осмон, фалак
- Дахи - ўнлаб

Довот	- сиёх
Довар	- ҳукмдор
Дабир	- сарой котиби
Жовидон	- абадий, мангу
Жовдона	- абадий
Жаъди	- бола
Залилий	- (тахаллус) - маъноси - хорликда, тубанликда
Зухд	- бу дунё ишларидан воз кечиш, бутунлай тақводорликка берилиш
Зумра	- 1. бўлак, қисм; 2. хил, жинс
Ийди	- байрам, хайит байрами
Итоб	- таъна, миннат, қаҳр-ғазаб
Кисват	- 1. Кийим, либос; 2. Чўнтақ, кисса; 3. Кўрк, бойлик
Кошин	- 1. Безак учун маҳсус пишилган сирли сопол безаги; 2. Кесма кошин
Классик	- мумтоз, намунали, мукаммал, нуқсонсиз
Композиция	- адабий, бадиий асарлар қисмларининг тузилиши
Канора	- соҳил, қирғоқ, ён, тараф, томон
Лаввоҳ	- китобат ижодида китобнинг номи ва сарлавҳаларни безовчи
Мусоҳиб	- сұхбатдош, улфат
Малакут	- фаришта
Муқтадо	- имом
Меҳна	- Хурсондаги қишлоқ номи
Мусҳаф	- Қуръони Карим
Муғ	- оташпараст қабила номи
Мушк	- ёқимли ҳидли атир
Матлаъ	- 1. Аввал, аввалги байт; 2. Чиқиш жойи (ой, қуёш); 3. Бошланиш қисми
Муаррих	- тарихчи

Мажзуб	- ақлдан озган, девона, мажнун
Маъво	- 1. эгаллаш, ром айлаш, ўзига бутунлай жалб этиш; 2. шахсий уй, турар жой
Макнун	- яширинганд, пинҳонликда, ошкора эмас
Муҳиб	- 1. Ошиқ; 2. Дўст
Музтариб	- тортинчоқ, уятчан
Мунший	- котиб
Мақбара	- турбат - қабр устига ўрнатилган махсус қурилма, ёдгорлик
Мақом	- тартибга солинган, ўлчов, усул, йўналиш, аниқ парда, санъат тури
Мадраса	- диний олий ўқув юрти
Масжид (мачит)	- ибодатгоҳ, мусулмонлар жамоат бўлиб намоз ўқийдиган махсус жой, бино
Мажмуа, ансамбль	- маълум меъморий режа асосида ўзаро мутаносиб қурилган бинолар йифиндиси
Меъмор	- бинокор уста, муҳандис, лойиҳачи
Минора	- баланд, ғўла шаклида қурилган иншоот
Мумтоз	- сараланган, танланган, энг яхшилари деган маънода; масалан: мумтоз адабиёт, мумтоз куй.
Мумсар	- этиш, насиб этиш, кўрсатиш
Мунаққид	- танқидчи
Маноқиб	- сифат, фазилат, хислат
Ночийз	- эътиборсиз, қадрсиз
Нажжор	- уста, дурадгор, бинокор уста
Нафъа	- фойдали, баҳрали
Нишот	- шодлик, хурсандчилик
Нақш	- 1. Куй, ашула, қўшиқ; 2. Биноларга ишлатиладиган бўёқли безак тури
Новак	- ўқ, камон ўқи
Осий	- гуноҳкор, исёнкор
Осори атиқа	- қадимги дунё, қадимият ёдгорликлари, обидалари, қадимги ноёб, бетакрор санъат асарлари, буюмлари, нишоналари

Печтоб	- ўрилган, жингала
Партав	- ёғду, нур, шуъла, ёруғлик
Пешрав	- олдинги қаторда, аввал, илғор
Парчин	- кошин тури. Турли рангларда сирланиши билан фарқ қиласи.
Паргари	- айланы, доира чизиқ чизишга мўлжалланган асбоб (циркуль) ва уни ёрдамида безак, нақш яратиш
Рож	- қайтувчи
Раста	- қатор, бозордаги дўконлар қатори
Регистон	- 1. Кумлоқ майдон; 2. Самарқанддаги меъморий мажмуя қурилган жой
Равоқ	- бинонинг ичи ёки олдидаги ярим доира шаклида ишланган қисми; токча, йўлак, тахмон
Санг	- тош
Сойил	- тиланчи, гадо
Савсан	- гулнинг номи
Сулмансо	- суман ўсимлигига ўхшаш
Садр	- мансаб номи
Сарроф	- 1. Пул майдаловчи, алмаштирувчи; 2. Сўз устаси, сухандон
Саққо	- мешкоб, теридан тикилган қопда сув ташувчи
Саҳбо	- қизил май, узум суви
Савт	- товуш, оҳанг, овоз, куй
Саҳҳоф	- муқовасоз
Суъубат	- қаттиқчилик, қийинчилик
Талошум	- талашув, тортишув, шовқин
Тийра	- коронғу, қора
Таки	- яна, шунингдек
Татаббуъ	- 1. Изидан, йўлидан бориш; 2. Бирор асарга ўхшатиб ёзиш
Таассуб	- 1. Тақлид қилиш; 2. Девоналарча муккадан кетиш (фанатизм)
Такаллум	- сўзламоқ

Тараҳхум	- раҳм-шафқат қилиш
Тўби	- жаннат дарахти
Тароб ёки	- 1. Шодлик, хурсандлик;
Тороб	2. Бухоро атрофидаги қадимги қишлоқ номи
Татал	- кўриниш, намоён бўлиш, жилваланиш
Тамкин	- чидам, сабот, вазминлик
Тим	- усти ёпиқ бозор. Баланд том билан беркитилган раста
Тоқи	- 1. Равоқ; 2. Қадимда уй тепаси тўсинига тартиб билан териб чиқиладиган безакли ёғочлар қатори
Тазкира	- тўплам
Утожа	- табиб
Фард	- ёлғиз, якка, танҳо
Фархундов	- саодатли
Фуруғ	- нур
Фагфур	- Хитой хоқони мансаби номи
Фусус	- афсус
Хувайдо	- хақиқат, мавжудлиги аниқ, бор нарса
Хўбон	- энг яхши, энг гўзал
Хотиф	- чанг солиб тезлиқда олиб кетувчи, бир лаҳзада
Хонақоҳ	- 1. Гумбазли катта бино, хона; 2. Масjidнинг кенг ва катта хонаси
Чўбин	- ёғочдан ясалган, қурилган
Чуғз	- 1. Бойўғли; 2. Узун, кокил
Шайбон	- Чингизхон (Темучин) нинг катта фарзанди Жўжининг ўғли номи
Шақоиқ	- баҳтсиз, баҳти қора, тубан
Шуаро	- шоирлар, шеърият мухлислари
Шиква	- шикоят, нолиш
Яъсу	- умидсизлик
ЎзРФАШИ	- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти
Қамуғ	- ҳамма, барча

- Қитаъ - икки, уч ёки тўрт мисрадан иборат қисқа шеър
- Қосидо - элчи
- Ҳумоюн - қутлуг, муборакли, баҳтили
- Ҳазира - хилхона (оила аъзолари ҳамда яқин қариндошлар жасадларини маҳсус ажратилган жойга дафн этилиши)
- Ҳақир - тубан, қадрсиз
- Ҳодий - йўлга солувчи
- Ҳовар - кун чиқиши, шарқ

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. Тошкент: «Ўзбекистон», 2008.
3. Абдуллаев З. Чор бакр. Тошкент: «Ўзбекистон», 1984.
4. Акбаров И.А. Музика лугати. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
5. Бобоҷон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. Тошкент: 1925.
6. Бухорийлар бўстони. Форсчадан Самандар Воҳидов таржимаси. Тошкент: «Турондот» хусусий корхонаси, 1998.
7. Бобобеков Ҳайдарбек. Қўқон тарихи. Тошкент: «Фан», 1996.
8. Дарвиш Али Чанги. Среднеазиатский трактат о музыке. Перевод с персидского проф. А.А.Семёнова. Ташкент, 1946.
9. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
10. Калантаров Я.И. Краткий таджикско-русский словарь. М. 1955.
11. Муродов А. Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. Тошкент: 1971.
12. Мақсетов Қ. Қорақалпок жиров баҳшилари. Нукус, 1983.
13. Матёқубов Отаназар. Мақомот. Тошкент: «Мусиқа» нашриёти, 2004.
14. Муаллифлар жамоаси. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент: «Ўқитувчи», 1980.
15. Нисорий Ҳасанхожа. Музаккири аҳбоб (Дўстлар ёдномаси). Форсчадан Исмоил Бекжон таржимаси. Тошкент: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993.
16. Ойдинов Норсаид. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. Тошкент: «Ўқитувчи», 1997.
17. Одилов А. Ўзбек ҳалқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Тошкент: «Ўқитувчи», 1995.
18. Фарғона водийсида XIX аср охири-XX аср бошларидаги маданий ҳаёт. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. Тошкент, 1984. 1-сони.
19. Ўзбек адабиёти. III жилд. Тошкент: ЎзДавнашр, 1959.
20. Ўзбек адабиёти. IV жилд. I китоб. Тошкент: ЎзДавнашр, 1960.
21. Ўзбек адабиёти. V жилд. I китоб. Тошкент: ЎзДавнашр, 1966.
22. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, Давлат илмий нашриёти. I-XII жиллар.
23. Қайюмов Пўлатжон Домулла. Тазкираи Қайюмий. I-II-III жиллар. Тошкент: Ўз Р ФА қўлёзмалар таҳририй нашриёти бўлими, 1998.
24. Қиличев Тўра. Хоразм ҳалқ театри. Тошкент: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
25. Қодиров М. Ўзбек ҳалқ оғзаки драмаси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1963.
26. Ҳомидий Ҳамиджон. Қўҳна Шарқ дарғалари. Тошкент: «Шарқ», 1999.
27. Ҳасанов Соли. Хоразм маърифати - олам кўзгуси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1996.
28. Ҳамидов Ҳожиакбар. Мусиқа-қўшиқчилик маданиятимиз тарихидан. Тошкент: «Ўқитувчи», 1995.

29. Ҳамидов Ҳожиакбар. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. Тошкент: «Ўқитувчи», 1996.
30. Ҳакимов Н., Каримов Ш., Содиков М., Ҳакимжонов А. Ватан маданияти тарихи. Тошкент: ТДИУ, 1995.